Qishloq xo'jaligida esa xitin, xitozan va ularning hosilalari o'simliklarning tez o'sishi uchun stimulator sifatida, turli zararkunanda hasharotlar hamda zamburug'lardan himoyalovchi vosita sifatida, bundan tashqari xitozan o'g'itlarning xususiyatini yaxshilovchi modda bo'lib, urug'larga ishlov berishda ham yaxshi o'sish sifatini ta'minlovchi kimyoviy mahsulot sifatida qo'llanilmoqda [3].

Oziq-ovqat sanoatida xitozan turli xildagi ichimliklar, dorivorlar, ozuqaviy qo'shimchalar va emulgatorlar tarkibiga kiruvchi konservant sifatida ishlatiladi. Xitozanli qoplamlar olma va shunga o'xshash ho'l mevalarning saqlanish muddatini 33 foizgacha uzaytiradi va mahsulotning sifatini yuqori darajada saqlaydi. Qog'oz ishlab chiqarishda xitozan va undan olinadigan mahsulotlardan qog'ozning sifatlilik darajasi, tashqi ta'sirlarga chidamliligini oshiruvchi qo'shimcha komponent sifatida foydalaniladi. Umuman olganda, xitozan qog'ozning sifatini har jihatdan yaxshilovchi vositadir [4].

Ayni paytda xitozan yaxshi biologik faollikni, radioaktiv barqarorlikni, matoga yaxshi singib, pylonka hosil qilish xususiyatlarini namoyon qilganligi uchun paxta tolali matolarni aktiv va pigment, shuningdek, oqsil va selluloza aralash tolali matolarni kislotali bo'yoqlar bilan bo'yashda keng qo'llaniladi. Shu narsa aniqlanganki, bo'yash jarayonida bo'yoq va xitozan o'rtasida barqaror kimyoviy bog'lanish sodir bo'lib, bo'yalgan polimer pylonka hosil bo'ladi. Bu pylonkada bo'yoqning sorbsiyalanishi hisobiga bo'yash jarayoni yaxshilanadi. Xitozan oqova suvlarini tozalashda ham qo'llanilmoqda .

Xullas, xitin va Uzxitan inson hayotining barcha jabhalarida samarali va keng miqyosda qo'llanilishi mumkin. Xitin hamda xitozanning dunyo olimlari e'tiborini o'ziga tortuvchi ajoyib xususiyatlarini inobatga olib, ularni XXI asrning istiqbolli biopolimerlari qatoriga qo'shsak, mubolag'a bo'lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Вахитова Н.А. Разработка научно-обоснованной технологии крашения хлопчатобумажных тканей водорастворимыми красителями с применением хитозана // Дисс..... канд. тех. наук. – Москва, 2005. –156 с.

2. Клочкова И.И. Разработка технологии колорирования тканей из природных волокон водорастворимыми красителями с применением хитозана. Дисс..... канд. тех. наук. – Москва. 2006. –144 с.

3. Рашидова С.Ш., Милушева Р.Ю. Хитин и хитозан *Bombyx mori*: синтез, свойства и применение. –Ташкент: Фан, 2009. – 246 с.

4. Ихтиярова Г.А., Мавлонов Б.А., Яриев О.М., Хайдаров А.А. О процессах омыления акриловой эмульсии с целью получения загустителя для печатания ткани // Узб. хим. журн. –2002. – №3. – С. 77–81.

REZYUME

Maqolada xitin, xitozan va ularning hosilalari o'simliklarning tez o'sishi uchun stimulator sifatida, turli zararkunanda hasharotlar hamda zamburug'lardan himoyalovchi vosita sifatida, bundan tashqari, xitozan o'g'itlarning xususiyatini yaxshilovchi modda bo'lib, urug'larga ishlov berishda ham yaxshi o'sish sifatini ta'minlovchi kimyoviy mahsulot sifatida qo'llanilishi o'rganildi.

РЕЗЮМЕ

В статье изучено применение хитина, хитозана и их производных в качестве стимуляторов быстрого роста растений, средства защиты от вредителей и грибов, а также химического удобрения, обеспечивающего быстрый всход семян.

SUMMARY

The article, chitosan chitin and their derivatives as a stimulant for the rapid growth of plants, pests and fungi as a remedy, in addition to chitosan fertilizer properties, seed treatment is a good chemical quality product used as a study.

Nashrga dots. L.Kamolov tavsiya etgan

3-МЕТОКСИФЕНИЛХЛОРАЦЕТАТНИНГАМИНЛАР БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Чориев А.У., Холмуродова Л. Э. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: 3-метоксифенилхлорацетат, учламчи аминлар, нуклеофил, антибактериал, ретардантлар.

Маълумки, хлорацетиллаш реакциясининг маҳсулотлари кимё саноатида, тиббиётда ва қишлоқ хўжалигида кенг қўламда ишлатилиб келинмоқда. Шунинг учун ароматик бирикмаларнинг хлорацетиллаш маҳсулотлари ва улар асосида синтез қилинган ҳосилалар халқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, улардан фармацевтикада дори воситалари, полимерлар учун стабилизаторлар, шунингдек қишлоқ хўжалигида экинларни ҳимоя қилишда пестицид хоссага эга бўлган препаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади [1,2].

Шунинг учун янги хлорацетил маҳсулотлар ва уларнинг ҳосилаларини синтез қилишнинг қулай ҳамда арзон усулларини топиш, уларнинг биологик хоссаларини ўрганиш органик кимёнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Масалан, пирокатехинни хлорацетиллаш маҳсулоти тиббиётда қон босими кескин тушиб кетганда қон босимини кўтарувчи “Норадреналин” препаратини тайёрлашда, 3-нитрофенолни хлорацетиллаш маҳсулоти эса “Левомецетин” номи билан антибиотик сифатида ишлатилади. Кўпчилик ароматик бирикмалар ва хлоралмашган фенолларни хлорацетиллаш реакциясидан олинган моддалар қишлоқ хўжалигида пестицидлар сифатида қўлланилади. Шунинг учун ҳам янги хлорацетил маҳсулотлар ва уларнинг ҳосилаларини синтез қилишнинг қулай ҳамда арзон усулларини топиш, уларнинг биологик хоссаларини ўрганиш органик кимёнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

3-Метоксифенилхлорацетат ўсимликларнинг ўсишини мувофиқлаштирувчи хоссага эга. Ундаги кетон гуруҳига қўшни ҳолатдаги углерод атоми билан боғланган хлорни бошқа нуклеофил гуруҳларга алмаштирилганда унинг ўсимлик организмга салбий таъсири камайиши мумкин. Шу мақсадда 3-метоксифенилхлорацетат билан учламчи аминлар ўртасида нуклеофил алмашиниш реакциялари олиб борилди.

XX асрнинг бошларида Jacobs ва Heidelberger томонидан тўртламчи аммоний тузларининг антимикроблик хусусияти кашф этилди. Шундан бошлаб бу турдаги бирикмалар кенг доирадаги биоцидлар сифатида ишлатилиб келинади. 1930 йилда Domark узун замиридан тўртламчи аммоний тузларининг антимикроб хусусиятга эга бўлишини аниқлади. Тиббиётда ва халқ хўжалигининг қўллаб соҳаларида тўртламчи аммоний тузларидан антимикроб воситалар сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланди.

Бу янгилик кўплаб тўртламчи аммоний тузларининг синтез қилинишига ва уларнинг антимикроб хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларнинг ривожланишига туртки бўлди. Бу изланишлар натижасида амалий аҳамиятга эга бўлган тўртламчи аммоний тузларининг бир қанча синфлари кашф қилинди.


Ҳозирги кунда тўртламчи аммоний тузлари тиббиётда йирингли шамоллаш жараёнларида антисептик восита сифатида, ташқи таъсир натижасида зарарланмаган терини операция олдида тозалашда, шиллик пардалар антисептиги, кўз томчиларини, инъекцин эритмаларни, тиш пасталарини, косметик воситаларни консервалашда, юза қисмларни тозалаш ва дезинфекциялашда кенг ишлатилади.

Замонавий тўртламчи аммонийли тузлар жуда кенг антимикроб хусусиятга эга бўлмасалар-да, улар ҳидсиз, рангсиз, коррозия фаоллигининг пастлиги, рНнинг кенг диапазонларида самарадорлиги, юқори ҳароратга бардошлилиги, ишчи эритмалари ва концентратларининг барқарорлиги ва жуда яхши ювиш хусусиятининг мавжудлиги сабабли кўплаб ишлатилади [3-5].

Тўртламчи аммоний тузларини олишда хлорсирка кислотаси ва унинг бирикмаларининг ишлатилиши ҳақидаги маълумотлар адабиётларда мавжуд. Масалан россиялик


олимлар бу мақсадда хлорсирка кислотанинг олефинлар билан реакциясидан фойдаланишган. Ушбу муаллифлар нефть, шунингдек, хлорсирка кислотасининг оксиэтилланган нонилфеноллар билан этерификация реакциясидан ҳам тегишли эфирлар синтез қилишган. Муаллифлар бу реакциялар учун КУ-2-8 катализаторидан фойдаланишган [6,7].

α -Галогенкислоталарнинг фенил эфирларидаги галоген атоми галогеналканлардагига нисбатан ҳаракатчан бўлганлиги учун амина- гуруҳга осон алмашади. α -Галогенкетонлардаги электроноакцептор карбонил гуруҳ галоген атомининг реакцияга киришиш қобилиятига кучли таъсир қилади ва галогенкетоннинг аммиак, аминлар билан реакциясини осонлаштиради:




Галоген атомининг амина гуруҳга алмашиниши фақат галогенларнинг табиатига боғлиқ бўлмасдан, галоген билан боғланган углерод атомининг қандай атомлар ва атомлар гуруҳи билан боғланганлигига ҳам боғлиқ.

п-Метокси- ва хлорфенилхлорацетатларнинг аминлар билан реакцияларини тадқиқ этиш мақсадида уларнинг турли бирламчи, иккиламчи ва учламчи аминлар билан реакциялари олиб борилди:




Адабиётларда молекуласида алкокси-, фенокси- ва кислота қолдиқларини тутган аминобирикмаларнинг турли хил биологик фаолликка эга бўлиши маълум. Шу сабабли, янги бирикмалар синтез қилиш мақсадида, п-метоксифенилхлорацетат билан гексаметилентетрамин ҳамда мочевино ўртасида нуклеофил алмашиниш реакциялари олиб борилди.


3-Метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид синтезини амалга оширишда 3-метоксифенилхлорацетат, гексаметилентетрамин ва эритувчи сифатида гептандан фойдаланилди. Бунда реакция жуда ҳам жадал бориб 20 минут давом этди. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, 3-метоксифенацетилхлорид билан мочевино алкиллаш реакцияси олиб борилди. Тегишли усул бўйича п-метоксифенилхлорацетат билан мочевино алкиллаб 73% унум билан 3-метоксифенилгедантоинат олинди. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Калий фталиимиднинг галогеналканлар билан реакцияси ҳам ДМФА эритмасида яхши боради:



3-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан нуклеофил алмашиниш реакциялари натижасида олинган моддаларнинг унумлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадв.

3-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан нуклеофил алмашиниш реакциялари асосида синтез қилинган моддаларнинг унумлари ва физик-кимёвий доимийликлари

№	Моддаларнинг номи	Р-я вақти (соат)	Модда уну-ми, %	Т _{суюқ} °С ёки Т _{қайн.} мм
1	3-Метоксифенил(диэтил)аминоацетат	5	88	148/28
2	3-Хлорфенил(диэтил)аминоацетат	5	91	144/28
3	3-Метоксифенил(учламчи-бутил)аминоацетат	4	85	41
4	3-Хлорфенил(учламчи-бутил)аминоацетат	4	87	37
5	3-Метоксифенил(2-метил-фенил)аминоацетат	5	80	29
6	3-Хлорфенил(2-метил-фенил)аминоацетат	5	83	25
7	3-Метоксифенил(4-метил-фенил)аминоацетат	5	84	32
8	3-Хлорфенил(4-метил-фенил)аминоацетат	5	85	26
9	3-Метоксифенилфталимидоацетат	6	79	54
10	3-Хлорфенилфталимидоацетат	6	80	46
11	3-Метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид	3	86	91
12	3-Хлорфенилацетат гексаметилентетрамин хлорид	3	88	82
11	3-метоксифенилгедантоинат	5	66	122

Тажриба қисми

3-Метоксифенил-м-толиламиноацетат синтези

Юқоридагига ўхшаш жиҳозланган туби думалоқ колбага мета-толуидин солиниб 50 мл абсолют бензолда эритилди. Унинг устига 0.84 г (0,01 мол) натрий гидрокарбонат аста-секин солинди. Сўнгра оз-оздан чайқатиб турган ҳолда 3-метоксифенилхлорацетат солинди. Реакция 5 соат давом этиб тугагандан сўнг, аралашмани ажратиш мақсадида 5% ли ишкор эритмаси солинди. Эритма яхшилаб аралаштирилгандан сўнг, бензол билан 3 марта экстракция қилинди. Бензол қават CaCl₂ ёрдамида қуритилди. Бензол сув насосида ҳайдаб олинди, маҳсулот эса этил спиртида қайта кристалланиб тозаланди. Т_{суюқ} = 25°С. Реакция унуми 2.28 г, 83% ни ташкил қилди.

Калий фталимид синтези

Қайтар совиткич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 1,47 г фталимид ва 10 мл абсолют этил спирт солинади, унинг устига 0.56 г калий гидроксиднинг 10 мл 75% ли этил спиртли эритмаси қуйилади. Эритма тезда совитилади ва ажралган калий фталимид фильтрлаб ажратилади. Калий фталимид 10 мл ацетон билан ювилади ва ҳавода секинлик билан қиздириб қурилади. Унум 1.85 г.

3-Метоксифенилфталимидоацетат синтези

1.85 г калий фталимид, 2 г 3-метоксифенилхлорацетат ва 10 мл диметилформаид аралашмаси қайтар совиткич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбада аралаштириб турилган ҳолда 80°C температурада 6 соат давомида қиздирилди. Реакцион масса хона ҳароратигача совитилди ва 20 мл музли сувга қуйилди, бунда модда тўлиқ кристалланди. Эритма филтрланиб ажралган кристалл масса 96 % ли этил спиртида қайта кристалланди ва ҳавода қурилади. $T_{\text{суюк}} = 46^{\circ}\text{C}$. Реакция унуми 2.48 г, 80% ни ташкил қилди.

3-Метоксифенил(диэтил)аминоацетат синтези

Қайтар совиткич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 2 г 3-метоксифенилхлорацетат ва 10 мл абсолют бензол солинади, унинг устига 0.84 г калий гидрокарбонат ва 0.73 г диэтиламин қўшилади. Реакцион аралашма 5 соат давомида қайнатилади. Эритма хона ҳароратигача совитилади ва дистилланган сув билан ювилади. Бензолли қисм кальций хлорид билан қурилади ва филтрланади. Бензол оддий шароитда, 3-метоксифенил(диэтил)аминоацетат вакуумда ҳайдаб олинади. $T_{\text{қайн.}} = 144^{\circ}\text{C}/28 \text{ мм. сим. уст.}$ Унум 2.17 г, (91%).

Гексаметилентетрамин 3-метоксифенилацетатохлорид синтези

Юқоридагига ўхшаш жиҳозланган туби думалоқ колбага 2 г 3-метоксифенилхлорацетат, 1.4 г гексаметилентетрамин солиниб, 10 мл хлороформда эритилди. Реакция қиздирилганда жадал бориб, реакцион аралашма ўз-ўзидан давом этиши кузатилди. Бунда қиздириш тўхтатилди. Реакция 10 минут давом этди ва тўхтади. Реакцион аралашма хона ҳароратигача совитилди ва хлороформ алоҳида идишга қуйиб олинди. $T_{\text{суюк}} = 110^{\circ}\text{C}$. Маҳсулот унуми 2.9 г, 86% га тенг.

3-Метоксифенилгедантоинат синтези

Қайтарма совиткич билан жиҳозланган таги думалоқ колбага 2 г 3-метоксифенилхлорацетат, 0.6 г мочевина, 2 томчи сульфат кислота солиниб, уни 10 мл гептанда эритилди. Реакция 5 соат давом этди. Реакция тугагач, эритувчи гептанни сув насоси ваакумида ҳайдаб олинди. Колбада қолган мойсимон суюқликни 100 мл ҳажмли стаканга қуйилди. Вақт ўтиши билан мойсимон суюқликнинг ярми стакан тубида қотиб қолди. Қотмаган мойсимон суюқлик алоҳида идишга қуйиб олинди. Стакан тубидаги қаттиқ модда 10 мл 96% ли этил спирти билан қайта кристалланди. $T_{\text{суюк}} = 78^{\circ}\text{C}$. Унум 1.48 г, 66%.

Олинган бирикмани синтез қилишнинг муқобил шароитлари топилди ва тузилиши ИҚ-спектри ёрдамида тасдиқланди. Метил-ди-2-гидроксиэтил-карбамидоаммоний хлорид оқ рангли кристалл модда бўлиб суюқланиш ҳарорати адабиётларда келтирилмаган.

Демак, монохлорсирка сирка кислота этил эфири ва амидининг учламчи аминлар иштирокидаги реакцияларнинг боришига реакция учун олинган учламчи аминнинг тузилиши, асослилиги, эритувчининг табиати, реакциянинг ҳарорати ва вақти таъсир қилади.

Юқоридаги жадвал натижаларига эътибор берадиган бўлсак, метил-диэтанолламин билан юқори унум билан туз ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин. Сабаби метилдиэтанолламин маҳсулотларнинг эрувчанлиги ацетонда камроқ бўлиши мумкин.

Ўтказилган тажрибалар натижасида трибутиламин ва метилдиэтанолламин билан хлорсирка кислотаси этил-, бутил эфирлари ҳамда хлорсирка кислотаси амиди билан тегишли янги тўртламчи аммоний тузлари олинди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Olah, G. A. Friedel-Crafts Chemistry // John Wiley & Sons, New-York, 1973. – p. 385–420.
2. Fries, K., Finck, G. Über Homologe des Cumaranon und ihre Abkömmlinge // Ber. Chem. Dtsch. Ges. – 1908. № 41. – p. 4271.

3. Rosenmund, K. W., Schnurr, W. Über Acylwanderungen an Phenolen // Liebigs Ann. Chem. – 1928. – № 460. – p. 56.
4. Dann, O., Mylius, G. Zur Kenntnis der Umlagerungen von Phenolestern in Fluorwasserstoff und über die Kondensation von β -Ketocarbonsäureestern mit Phenolen in Fluorwasserstoff // Liebigs Ann. Chem. – 1954. – № 587. – p. 1.
5. Henecka, H. Ketone durch Umlagerung von Carbonsäurearylestern (Fries-Verschiebung) // in Methoden der organischen Chemie (Houben-Weyl), Müller, E. (Hrsg.), 4., neubearb. Aufl., Georg Thieme Verlag, Stuttgart, 1973, Bd. 7/2a, – p. 379.
6. I.V. Kozhevnikov. Friedel–Crafts acylation and related reactions catalysed by heteropoly acids// Applied Catalysis A: General, 2003. –vol. 256. N 2. – pp. 3–18.
7. Ahmed Saber, Abdellatif Smahi, Abderrahim Solhy, Rachid Nazih, Brahim Elaabar, Mostapha Maizi, Said Sebti. Heterogeneous catalysis of Friedel-Crafts alkylation by the fluorapatite alone and doped with metal halides// Journal of Molecular Catalysis A: Chemical, 2003. –vol. 202. N 1. – pp. 229–237.

РЕЗЮМЕ

Мақолада моноклорсирка кислотаси эфирлари ва моноклорацетамиднинг трибутиламин ва метилдиэтанолламин билан реакцияларининг натижалари келтирилган. Реакцияларнинг боришига реакция учун олинган учламчи аминнинг тузилиши, асослилиги, эритувчининг табиати, реакциянинг ҳарорати ва вақти таъсир қилиши кўрсатилган. Этил спирти эритувчилигида олиб борилган реакцияларда бошқа эритувчиларга нисбатан юқори унумга эришилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены результаты исследования по получению реакции эфиров реакциями моноклоруксусной кислоты и моноклорацетамида с трибутиламином и метилдиэтанолламином. Показано, что на протекание реакций влияют строение и основность аминов, природа растворителя, температура и время реакций. При использовании этилового спирта в качестве растворителя достигнуты наиболее высокие выходы продуктов.

SUMMARY

In article results of investigation of reaction of monochloroacetic acid and monochloroacetamide with tributylamine and methyl diethanolamine are presented. It is shown that on the reactions the structure, the basic of amine, the nature of the solvent, temperature and reaction time are influenced. At using of ethanol as the solvent the highest yield of products were reached.

Наширға доц. Л. Камолов тавсия этган

МОРФОГЕНЕЗ ЭФЕМЕРОВ КЫЗЫЛКУМА

Турсынбаева Г.С. (ТГПУ), Бутник А.А. (ИГРЖМ АН РУз)

Ключевые слова: *эфемеры, онтогенез, морфогенез, лабильность, Кызылкум.*

Эфемеры привлекают внимание как своеобразный экологический тип растений. Одни авторы [9, 11, 15] относят их экологической группе мезофитов, другие [12] – к ксерофитам. Неустойчивость ритмики развития позволяет предположить, что эфемеры - не совсем стабильная, молодая экологическая группа, возможно с различным генезисом [13, 14]. Изученность эфемеров пустынь Средней Азии совершенно недостаточна, Биологию, экологию, фитоценологию эфемеров частично изучали Л.Е. Маркова [3, 4, 10], В.А. Бурьгин и другие исследователи. Некоторые сведения о морфогенезе эфемеров сем. *Asteraceae* приведены Г.Ф. Бегбаевой [1, 2]. Данные о форме роста, моделях ветвления пустынных эфемеров отсутствуют.

Материал и методика изучения.

Морфогенез 10 видов эфемеров из 4 семейств изучен в условиях Кызылкума и в посевах на опытном участке в г. Ташкенте. Описание проводилось на 10 растениях каждого вида по 9 показателям, приведенным в таблице, показан размах варьирования признаков (min-max). Модели нарастания и ветвления описаны и зарисованы в генеративном периоде (g_2, g_3), в естественных условиях произрастания. Описания проведены по методике Л.А. Жуковой [7].


Семейство *Asteraceae* Dumort. *Amberboa turanica* Pjlin. При посеве в конце декабря всходы появились в конце января. Продолжительность периода прорастания - 36-40 дней. Две светло-зеленые мясистые семядоли длиной 0,5 см, шириной 0,2 см. Гипокотиль длиной 1,0-1,2 см, диаметром 0,1 см, корень - длиной 1,5-2,0 см. Семядоли сохранялись до начала цветения, достигая длины 0,8-1,2 см и ширины 0,4 см. К середине марта появились 4 супротивных, удлинённых по краям, опушенных листа. Последующие листья - очередные, с зубчатыми краями. Форма роста в ювенильном этапе - розеточная (5-7 листьев). Растение гетерофильное: нижние листья - длинные (4 см), широкие (2 см), со слабовыраженными зубцами по краям. Последующие розеточные листья - также крупные (длина 3,5 см, шир. 2 см), на длинном черешке (1,2 см), у основания рассеченные (рис. 1 а). Стеблевые листья длиной до 2 см, узкие (0,7 см), более рассеченные, с зубчатыми краями. При наличии 4-5 листьев длина побега составила 0,3-0,4 см. Первые два междоузлия короткие. Побег первого порядка закрытый, укороченный, длиной до 1 см. Фаза цветения начинается в середине апреля. В пазухе первых супротивных листьев развиваются укороченные генеративные побеги. На побегах второго порядка также образуется 2 супротивных листа, в пазухе одного из которых образуется побег третьего порядка. По побегу третьего порядка развиваются очередные листья, в пазухах которых образуются закрытые побеги четвертого порядка (табл.).

***Epilasia hemilasia* (Bunge) Grossh.** При посеве в конце декабря всходы появились в третьей декаде января. Продолжительность периода прорастания - 25-30 дней. Семядоли - длинные, вальковатые, длиной 1 см, шириной 0,1 см, гипокотиль - 6-9 мм, корень - длиной 1,5-2 см. Семядоли сохраняются до середины марта, достигая длины 5-6 см при ширине 0,1 см. В начале февраля появляется первый удлинённый линейный вальковатый лист. Листья очередные: в верхней части побега супротивные, в нижней - с расширенным влагалищем. Форма роста в ювенильном этапе - розеточная. Фаза цветения начинается в середине апреля. Побег первого порядка закрытый, длиной 5 см. Первые 4-5 междоузлий укороченные. В пазухах первого и четвертого листа развиваются побеги II порядка. С 5-

го узла расположение листьев очередное. Побеги II порядка превосходят по высоте побег I порядка (табл., рис. 2).


***Garhadiolus papposus* Boiss. & Buhse.** При посеве в конце декабря всходы появились во второй половине февраля. Продолжительность периода прорастания - 50-55 дней. Две пластинчатые семядоли зелёного цвета, длиной 0,4 см, шириной 0,1-0,2 см. В первой декаде марта развита первая пара яйцевидных, цельнокрайних листьев. К концу марта появляется вторая пара с зубчатыми краями. Форма роста на ювенильном этапе - розеточная (5-6 листьев). Для данного вида характерна гетерофиллия. Розеточные листья длиной 3,5-6 см, шириной 1-2 см, лировидные, широкие, неравнозубчатые.

Рис. 1.



Примечание: Изменение формы листа от розеточного к верхушечному:
а – *Amberboa turanica*; б – *Heteracia szovitsii*.

Рис. 2.



Примечание: Морфогенез *Epilasia hemilasia*: а – проросток, б – ювенильный этап, в – модель ветвления в генеративном периоде (I-III порядков ветвления), г – внешний вид растений.

Средние стеблевые листья длиной 3-3,5 см, шириной 0,3-0,8 см, более остроконечные, удлинённые, стручковидной формы, с мелкими зубцами по краям, с трихомами на верхушке листа. Верхние стеблевые листья мельче, с менее выраженными зубцами по краям. К середине апреля появляются бутоны, начинается фаза цветения. Побег первого порядка - закрытый, укороченный (0,5 см длины). В пазухах первых супротивных листьев закладываются побеги II порядка, они тоже закрытые, ложнодихотомические, ветвящиеся. В пазухах листьев образуются побеги III порядка: одни - укороченные, другие - длинные. В пазухах верхних листьев образуются побеги IV порядка.

***Heteracia szovitsii* Fisch. & C.A. Mey.** При посеве в конце декабря всходы появились в конце января. Продолжительность периода прорастания - 36-40 дней. Семядоли пластинчатые, овальные, с заостренной верхушкой, длиной 0,4 см, шириной 0,1-0,2 см, сохраняются до второй половины марта, достигая длины 0,9 см, ширины 0,2 см. В начале февраля появился первый лист. На ювенильном этапе характерны: розеточная форма роста, замедленное разрастание междоузлий побега I порядка, быстрое заложение листьев. В процессе онтогенеза наблюдается морфологическая гетерофиллия (рис. б). Листья - удлинённо-лопаччатые, супротивные, междоузлия - укороченные. Фаза цветения начинается в середине апреля. Главный побег (I порядка) - укороченный. Точка роста отмирает, и габитус формирует побеги II порядка.

Семейство *Brassicaceae* Burnett. *Hymenolobus procumbens* Nutt. Проростки очень мелкие. Семядоли длиной 1 мм, шириной 0,4 мм, узколанцетные, сидячие, неопущенные, на поперечном срезе полуваньковатой формы. Гипокотиль и корень длиной 12 мм. При появлении первых листьев длина гипокотыля 8 мм, длина корня - 7-13 мм. В верхней трети корня образуются боковые корни. В генеративном периоде растение невысокое, высотой до 15 см, неопущенное. Побег I порядка - прямой, часто ветвистый от основания. Нарастание варьирует от моноподиального до гемисимподиального, ветвление базитонное, часто с гипозурпацией боковых побегов до второго порядка. Побеги I порядка длиной 9-11 см. Побеги II порядка закладываются в пазухе 2-3 листа. Все побеги генеративные, слаболиственные, заканчивающиеся соцветием-кистью. Генеративные органы образуются на 1/3 или по всей длине побега. Число метамеров от 3 до 6, длина их 5-35 мм. Побеги II порядка - слаболиственные цельными листьями. ***Isatis minima* Bunge.** Всходы имеют 2 пластинчатые, цельнокрайние, голые, на коротком черешке, семядоли длиной 5 мм, шириной 2 мм. Форма и размер листьев варьируют (гетерофиллия): нижние листья - продолговато-лопаччатые, черешковые с тупой верхушкой, цельнокрайние, зубчатые голые, длиной 2,0-2,5 см, шириной 0,4-1,0 см. Стеблевые листья среднего яруса - очередные, сидячие, продолговатые с зубчатыми краями и заостренной верхушкой, длиной 1,5-6,0 см, шириной 0,7-2,0 см, редко опушенные 1-3 клеточными волосками. Верхние листья - стеблеобъемлющие, лировидные, с сердцевидным основанием, тупо зубчатые, длиной 3,0-4,5 см, шириной 0,7-1,0 см (рис. 1 б). Высота побега I порядка - от 12 до 55 см. Стебель - прямой, ветвистый до II порядка. Побеги - длинно-метамерные, закрытые.

Семейство *Chenopodiaceae* Vent. *Londesia eriantha* Kar. & Kir. Всходы появляются в середине марта. Семядоли - мелкие, овальные, опушенные. Форма роста в ювенильном этапе - розеточная. Листья в основании - ланцетные, длиной 1,5-2 см, на побеге I порядка - более широкие (до 5 мм) и менее опушенные. Листья боковых побегов уже (3 мм ширины) и гуще опушены. Первые 2 листа - супротивные, следующие - очередные. В середине апреля высота побега I порядка - 10-15 см, II - 5-8 (10) см. Побег I порядка состоит из 20-30 метамеров. Первые 2 побега - супротивные, остальные - очередные, но с чередованием коротких и длинных междоузлий. Стебли - густоопушенные. Листья - ланцетные, длиной 1,0-1,6 см, шириной 0,5 см, густо опушены простыми волосками на 2-клеточной ножке с шипиками.

Семейство Fabaceae Lindl. Astragalus campylotrichus Bunge. Семядоли всходов - бобовидные, длиной 4 мм, шириной 1,5-2 мм, гладкие. Первые листья - тройчатые, с заостренной верхушкой, с обеих сторон опушены простыми волосками. Лист взрослого растения - непарноперистый, с 9-13 листочками, довольно густо опушен простыми волосками. Стебель - одиночный, прямостоячий, высотой 5-6 см. Форма роста в ювенильном этапе – полурозеточная. Листья по длине превышают побег. Нижние 3-4 листа короче последующих. Число метамеров по побегу небольшое: 3 междоузлия по 10-20 мм длины. Ветвление до второго порядка. Начиная со 2-3 узла развиваются специализированные генеративные неолиственные побеги.

№	Тип нарастания	Вид	Побег I порядка			Побег II порядка					Тип ветвления
			Длина, см min-max	Число метамеров min-max	Длина междоузлий, см, min-max	Узел ветвления	Длина, см, min-max	Число метамеров min-max	Длина метамеров, см	Порядок ветвления	
I	Моноподальный, апикальный	<i>Isatis minima</i> Bunge	12-55	10-14	3	5	1-3	1-4	3	2	акротонный
II	Моноподальный, латерально-апикальный	<i>Londesia eriantha</i> Fish. et Mey.	10-15	20-30	2	1-5	5-8 (10)	10-20	0,5-1	2-3	базитонный
III	Гемисимподальный	<i>Amberboa turanica</i> Iljin	15-20	5-10	7	1	10-15	5-10	5-7	5	базитонный
		<i>Epilasia hemilasia</i> (Bunge) Clarke	5-20	8-10	4	5	2-10	3-5	5	3	базитонный
IV	Симподальный, латеральный	<i>Onobrychis tavernieri</i> folia Stocks ex Boiss	2	3-5	0,5-1	1	5-10	3-4	1-3	3	базитонный
V	Ложнодихотомический	<i>Heteracia szovitsii</i> Fish. et Mey.	1	1-3	0,5	1-2	10-15	2-3	5-10	4-5	базитонный
		<i>Garhadia papposus</i> Boiss. et Bunge.	1	3	0,2-0,3	1	1-15	1-3	1-1,5	3-4	базитонный

Цветет в апреле-мае. Плодоносит в июле.

***Astragalus ammophilus* Kar. & Kir.** Семядоли всходов - бобовидной формы, гладкие, длиной 4 мм, шириной 1,5-2 мм. Первые листья - перистосложные, состоят из 5 листочков, с выемкой на верхушке, с обеих сторон опушены простыми волосками. Лист взрослого растения состоит из 9-13 листочков, опушенных с обеих сторон. Стебель - укороченный, высотой 5 мм. Форма роста в ювенильном этапе - розеточная. Листья - очередные. В пазухах первых листьев развиваются побеги II порядка от 1,4 до 4,7 см длины с двумя междоузлиями: нижнее - удлиненное (1,7-3,5 см), верхнее - укороченное (0,7-1,0 см). На побегах второго порядка развиты по 2 листа, состоящие из 7-9 листочков. В их

пазухах образуются генеративные неолиственные побеги длиной 0,3-0,8 см. Ветвление базитонное.

***Onobrychis tavernierifolia* Stocks ex Boiss.** Невысокое, почти бесстебельное, опушенное растение. Форма роста на ювенильном этапе - розеточная. Семядоли сохраняются долго, до генеративного периода, бобовидные, крупные, длиной 6-8 мм, шириной 3-4 мм, опушенные простыми волосками. Первые листья розеточные, длинночерешковые. Черешки длиной 7-15 мм, опушенные, у основания имеются пленчатые прилистники роговидной формы. Листья - либо с одним верхушечным, либо с 3-мя листочками. Верхушечные листочки - крупные, длиной 10-20 мм, шириной 10-22 мм, округлые и обратно-яйцевидные. Листья с обеих сторон опушены прижатыми простыми волосками. Генеративные побеги - неолиственные, длиной до 5-10 см.

Морфогенез и онтогенез эфемеров значительно отличается от представителей других биоморф, даже таких, как длительно-вегетирующие однолетники. Многие эфемеры прорастают при низкой температуре. При посеве в конце декабря всходы появились в конце января-феврале, период от прорастания составил 25-50 дней. При прорастании семядоли очень мелкие, но они сохраняются длительно, иногда до цветения (III-IV месяц) и в 2-3 раза увеличиваются в размере. Ювенильный этап у большинства видов - розеточный или полурозеточный (*Astragalus campylotrichus*). Имматурный этап не выражен. Короткий пластохрон листьев, морфологическая гетерофиллия характерны для эфемеров. Способность растений адаптивно изменять продолжительность ростовых процессов, сохраняя плодовитость, Завадский К.М., Колчинский Э.М. [8] называют аккомодацией роста. Побег I порядка может оставаться коротким, частично отмирать или доминировать над боковыми. Цветение, в основном, происходит в апреле.

Таким образом, семядоли играют большую роль в жизни проростка и сохраняются у некоторых видов до цветения. При неблагоприятных условиях (сухая весна) растения образуют лишь 1 лист и плод, либо семядоли и плод. Специфику такого морфогенеза можно отнести к генеративному направлению развития, при котором стрессовые условия сокращают до минимума вегетативную сферу при сохранении, хотя бы в минимальном объеме, генеративной. Это направление развития противоположно вегетативному, наблюдаемому у растений древесного и полудревесного отдела биоморф [5], у которых стрессовые условия вызывают сокращение или полную элиминацию генеративной сферы при минимальном сохранении вегетативной. Повышенная пластичность эфемеров, по И.И. Шмальгаузену [16] - потенциальная способность к эволюции. Л.Н. Дорохина [6] рассматривает эфемеры как единую синфлорисценцию, включающую главную ось (соцветие) и боковые ветви (паракладыи).

Литература

1. Бегбаева Г.Ф. Гетерофиллия некоторых эфемеров сем. *Asteraceae* // Итоги и перспективы развития ботанической науки в Казахстане. Материалы научной конференции. – Алма-аты. 2002 б. – С. 27–31.
2. Бегбаева Г.Ф. Морфогенез и анатомическое строение некоторых эфемеров из сем. *Asteraceae* // Тез. докл. межд. конф. по анатомии и морфологии растений. – Санкт-Петербург: БИН РАН, 2002 а. – С. 259.
3. Бурьгин В.А., Маркова Л.Е. Действие морозов на эфемерную растительность южных Кызылкумов // Ботанический журнал. – Ленинград: Наука, 1971. 56. – С. 261–265.
4. Бурьгин В.А., Маркова Л.Е. Зимневегетирующая растительность пустынных и предгорных областей Узбекистана // Ботанический журнал. – Ленинград: Наука, 1970. – № 4. 55. – С. 473–480.
5. Бутник А.А., Нигманова Р.Н. Характеристика основных биоморф растений Кызылкума // Современные проблемы структурной ботаники (морфология, анатомия, цитозембриология и репродуктивная биология). – Ташкент: ФАН, 2010. – С. 32–35.
6. Дорохина Л.Н. Морфологические особенности объединенных соцветий (синфлоресценций) в роде *Artemisia* (*Asteraceae*) // Проблемы ботаники на рубеже 20-21 веков. Тез. докл. РБО. – Санкт-Петербург. 1998. Т.1. – С. 29–30.

7. Жукова А.Л. Некоторые аспекты изучения онтогенеза семенных растений // Вопросы онтогенеза растений. – Йошкар-Ола. 1988. – С.3–14.
8. Завадский К.П., Колчинский Э.И. Эволюция эволюций. (Историко-критические очерки, проблемы). – Ленинград: Наука, 1977. – 236 с.
9. Келлер Э.Ф. Особенности строения листа весенних эфемеров-однолетников // Журнал Сов. ботаника. – Москва-Ленинград. 1934. – №4. – С.19–21.
10. Маркова Л.Е. Некоторые биологические особенности эфемеров-однолетников // Узбекский биологический журнал. – Ташкент: ФАН, 1966. – № 1. – С. 41–44.
11. Нечаева Н.Т., Василевская В.К. Особенности развития однолетников в Каракумах // Изв. Турк. фил. АН СССР. – Ашхабад. 1945. – № 3–4.
12. Поплавская Г.И. О распределении устьиц у растений // ДАН СССР. – Москва: Наука, 1949. 66(5). – С. 943–956.
13. Попов М.Г. Экологические типы растительности пустынь южного Туркменистана // Филогения, флорогенетика, флорогеография, систематика. Изб. соч. ч.1. – Киев: Наукова думка, 1983 а. – С. 29–36.
14. Пятаева А.Д., Гранитов И.И. К вопросу о природе эфемеров // Тр. ТашГУ им. В.И. Ленина. 1962. вып.193. – С. 141–153.
15. Радкевич О.Н. Материалы к анатомии псаммофитов пустыни Каракумы // Хозяйственное освоение пустынь Средней Азии и Казахстана.– Ташкент: САОГИЗ, 1934. – С. 83–133.
16. Шмальгаузен И.И. Факторы эволюции. – Москва: Наука, 1968. – 452 с.

РЕЗЮМЕ

Кизилкум чўлининг табиий шароитларида ҳамда Тошкентдаги тажриба майдонида 4 та оилага мансуб (*Asteraceae* Dumort, *Brassicaceae* Burnett, *Chenopodiaceae* Vent. *Fabaceae* Lindl.) эфемерларнинг 10 та туриниуи морфогенези ўрганилди. Онтогенезнинг ювенил босқичидаги уруғ-палла барглари узоқ вақт сақланиши, ўсиш шаклининг тупбарглилиги, гетерофиллиялиги, ноқулай шароитларда вегетатив вазнининг қисқарганлиги ҳамда морфологик лабиллилиги каби морфогенезнинг хусусиятлари устунлик қилиши аниқланди.

РЕЗЮМЕ

Изучен морфогенез 10 видов эфемеров из 4 семейств (*Asteraceae* Dumort, *Brassicaceae* Burnett, *Chenopodiaceae* Vent. *Fabaceae* Lindl.) в естественных условиях обитания пустыни Кызылкум и в посеве на опытном участке в г. Ташкенте. Выявлены особенности морфогенеза: длительное сохранение семядолей, преобладание розеточной формы роста на ювенильном этапе онтогенеза, гетерофиллия, сокращение вегетативной массы в стрессовых условиях, морфологическая лабильность.

SUMMARY

Morphogenesis was studied 10 species of ephemera from 4 families (*Asteraceae* Dumort, *Brassicaceae* Burnett, *Chenopodiaceae* Vent. *Fabaceae* Lindl.) in their natural habitat in the Kyzylkum desert and sown in Tashkent on the experimental plot. The features of morphogenesis of: long-term preservation of the cotyledons, the predominance of rosette form growth by juvenile phase ontogenesis, heterofillia, reducing vegetative mass under stressful conditions, morphological lability.

Рекомендовано проф. Л.Ёзиевым

БОШОҚЛИ ЎСИМЛИКЛАРДА *IN PLANTA* ТРАНСФОРМАЦИЯ УСУЛЛАРИ

Резаева Б.Р., Буриев З.Т., Убайдуллаева Х.А., Абдурахмонов И.Ю.
(ЎЗР ФА Геномика ва биоинформатика маркази)

Таянч сўз ва иборалар: *In planta*, *Agrobacterium tumefaciens*, *floral dip*, трансформация.

In planta трансформацияси муҳим мустақил йўналиши бўлиб, бошоқли ўсимликлар каби регенерация хусусияти яхши бўлмаган ўсимликларнинг янги линияларини олишда тез ва самарали усул ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу усулдан бошоқли ўсимлик турларига кўплаб муҳим бўлган генетик конструкцияни тўғридан-тўғри киритиш учун фойдаланилади. *Agrobacterium tumefaciens* бактериясидан фойдаланиш орқали *in planta*

трансформация усулларида энг кўп тарқалганлари *floral dip* ва вакуум инфилтрация усуллари бўлиб, ушбу усуллар бир паллали ва икки паллали ўсимликларда кўпгина тадқиқотчилар томонидан муваффақиятли қўлланилган [1].

Ушбу мақоламизда этиборни қишлоқ хўжалигида муҳим бўлган кўпгина бошоқли ўсимликларда муваффақиятли қўлланилган *in planta* трансформацияси ва унинг афзалликлари ҳамда камчиликларини тасвирлашга қаратмоқчимиз.

Ўсимликларнинг анъанавий трансформация усуллари *A. tumefaciens* орқали ген отиш (Gene Gun) ва соматик эмбриогенез каби биологик трансфер усуллари бизга керакли бўлган белгиларни ўзида тутган ўсимликларни яратишда қўлланилади [2]. Бу усуллар қишлоқ хўжалигида муҳим бўлган генларни кўпгина бошоқли ўсимликларга трансформация қилишда муваффақиятли қўлланилиб, тўқималар культурасида ўз йўналишини топди [3]. Бироқ тўқималар культурасига асосланган трансформация усулларида камчиликлари шуки, вақтнинг кўп сарфланиши ва соматоклонал хилларининг фарқлари билан ўсимликларнинг сифат ва миқдорий белгиларига таъсир кўрсатади [4]. Ҳар қандай тўқимага генетик конструкцияни тўғридан-тўғри трансформация усули “*in planta*” трансформацияси дейилади [5]. *In planta* трансформациясининг асосий афзалликлари қисқа вақт ичида кўп миқдордаги трансген ўсимликларни ҳосил қилиши, кам меҳнат ва харажатлар талаб қилинишидан иборат [5]. Бу трансформация усулининг асосий технологик босқичлари 1-расмда келтирилган. Дастлаб бу усул билан қилинган тажрибалар *A. tumefaciens* орқали арабидопсис гулининг қисмларига вакуум инфилтрация усулида трансформация қилинган. Бу усул ўсимликлар гулини агробактерия суспензияси орқали зарарлантиришга, ўсимликларни регенерациясига, уруғни йиғиб олиш ва маркер генларидан таркиб топган, яъни антибиотик ва гербицидга чидамли генлар каби скрининг озуқа муҳитида трансген ўсимликларни ажратиш олишга асосланган [6]. Бу усулда трансформация самарадорлиги паст даражада бўлса-да, барқарор трансген ўсимликлар олинади [5]. Бундан ташқари, тажрибаларда арабидопсис гулининг уруғчи тумшукчасини агробактерия культурасига ботириб олиш билан ҳам трансген ўсимликлар яратилган. Бу *floral dip* усули деб аталади. *Floral dip* тез, ишончли ва микроб ҳужумларидан холи усул ҳисобланади. Бу усулнинг камчиликлари шуки, трансформация самарадорлигининг пастлиги ва бегона геннинг хўжайин геномига киришида тасодифий интеграция бўлишидир [7]. *Floral dip* ва вакуум инфилтрация усуллари қишлоқ хўжалигида аҳамиятли бўлган шолғом (*Brassica rapa*), редиска (*Raphanus sativus*), томат (*Solanum lycopersicum*), қарам (*Brassica Napus*), беда (*Melilotus alba*), ачамбити (*Camelina sativa*) ва маккажўхори (*Zea Mays*) каби кўпгина ўсимликларда муваффақиятли қўлланилган [8].


Буғдой (*Triticum aestivum L.*) бир паллали ўсимликлар оиласига киради ва унинг тўғри регенерация тизимида муаммолар бор. Шу сабабли бир қанча олимлар томонидан турли хилдаги янги ва самарали тўғридан-тўғри *in planta* трансформация усуллари таъсис этилди. Дастлабки самарали *in planta* трансформацияси *Zale* томонидан ишлаб чиқилди [9]. У тадқиқотларида бир паллали ўсимликларнинг ёш, ўрта ва қари микроспора учларидан фойдаланди ва вакуум инфилтрация усули орқали агробактерия суспензиясига ботирилди. Тажриба давомида олинган трансформат ўсимликлар паромомицин сепиш билан селекция қилинди. Селекция натижасида трансген ўсимликлар яшил рангда қолган, трансген бўлмаганлари эса нобуд бўлган. Аммо таҳлил натижалари трансформация самарадорлиги жуда паст эканлигини кўрсатди. Razzaq ва бошқалар (2011) томонидан буғдойнинг GA-2002 навига тез ва самарали *in planta* трансформациясига асосланган такомиллаштирилган протокол ишлаб чиқилди [10]. У *A. tumefaciens* нинг LBA 4404 штамми орқали pBI-121 векторида ўзида GUS маркер генини тутган конструкция билан тўғридан-тўғри *in planta* трансформациясини амалга оширган. Буғдой апикал меристемалари шприц нинаси билан жароҳатлантирилиб, агробактерия суспензиясида инокуляция қилинди ва ўсимликларнинг ўсиш (*co-cultivation*) босқичида филтр қоғозда ўсишда давом эттирилди. Тадқиқот натижалари трансген ўсимликлар канамицин ва GUS тести билан скрининг қилинди. Тажриба таҳлил натижалари трансген ўсимликларнинг ижобий GUS фаоллиги 27

фоизни ва ижобий ПЗР амплификацияси 26 фоизни кўрсатди. П.Супертана ва бошқалар (2006) томонидан *in planta* трансформациянинг *floral dip* усулидан фойдаланиб, Shiranekomugi буғдой навидан янги трансген ўсимлик олди. Трансген ўсимликлар тупроқда очик шароитда ўстирилди ва гигромицин антибиотиғи билан селекция қилинди. Максимал трансформация самарадорлиғи 33 фоизга эришилди [11].

Ушбу усулдан фойдаланган ҳолда, ЎзРФА Геномика ва биоинформатика марказида буғдой трансгеномикаси бўйича кўплаб ишлар қилинмоқда. Жумладан, буғдойнинг маҳаллий навларида уларнинг қатор қимматли белгиларини такомиллаштириш бўйича олиб бораётган тажрибаларимизда *Agrobacterium tumefaciens* орқали *in planta* трансформация усулини қўллаб, уни оптималлаштирдик. Бунинг учун буғдойнинг маҳаллий навларига занг касаллиғи ривожланиши ҳамда тарқалишида муҳим бўлган конидий ҳосил қилувчи (*CON1*) ген учун РНК интерференция технологияси асосида генетик конструкциялар тузилди. Бу ген конструкцияларини буғдой геномига ўтказишда *in planta* трансформацияси усулидан фойдаланилди ва генетик бойитилган ўсимлик олинди.

1-расм.

In planta трансформация усулининг асосий босқичлари



In planta трансформацияси учун биз буғдойнинг бир кунлик ўсган апикал меристема хужайраларини танладик. Чунки буғдой каби бошоқли ўсимликларга Т-ДНКни ўтказишда уларнинг апикал меристема хужайралари, асосли турғун трансформация учун муваффақиятли нишон ҳисобланади. Буғдойда трансформация рHG-8::CON вектор конструкцияларини ўзида тутган агробактериялар ёрдамида амалга оширилди. Ўстирилган буғдой меристемалари жароҳатланганлиги, агробактерия суспензиясида инокуляция қилинди ва 2 кун давомида 22⁰Сли коронғи хонада сақланди. Трансформат ўсимликлар (T₀) тупроққа ўтказилиб, T₁ уруғлар йиғиб олинди. Йиғиб олинган уруғлар (T₁ авлод) канамицин

антибиотиги билан селекция қилинди. Селекция натижасида ўзида вектор конструкцияси тутган ўсимликлар яшил рангда қолганлари эса оқ ранга бўялди. Молекуляр таҳлил натижаларига кўра, трансформация самарадорлиги 7 фоизни ташкил этди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, *in-planta* трансформацияси орқали инсерцияланган мутантлар ҳосил бўлиши бир паллали ўсимликлар учун истиқболли кўринади, чунки уларнинг каллус культурасидан ўсимлик регенерациясида айрим қийинчиликлар бор. Аммо бу трансформация усуллари орқали трансформация самарадорлиги ҳали паст ва биз Т-ДНК ни кўчириб ўтказиш механизмини яхшилаш учун агробактерологик трансформация технологиясининг номаълум жиҳатларини тушунишимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Jani S. A., Shivari Z. Kh., Shah S. H., Shahzad A. Sh., Zia M. A., Ahmad N.. In plant transformation: recent advances. Romanian Biotechnological letters. 21,1, (2016).
2. Christou P. Transformation technology. Trends Plant Sci., 1, 423, 431 (1996).
3. Herrera-estrella L., Simpson J., Martinez-Trujillo M. Transgenic plants: an historical perspective. Methods Mol. Biol., 286, 3, 32 (2005).
4. Labra M. et al. 2004. Genomic stability in Arabidopsis thaliana transgenic plants obtained by floral dip. Theor. Appl. Genet., 109, 1512, 1518 (2004).
5. Feldmann K.A. m.d. marks, Agrobacterium mediated transformation of germinating seeds of Arabidopsis thaliana: a non-tissue culture approach. Mol. Gen. Genet., 208, 1, 9 (1987).
6. Bent A. Arabidopsis in Planta Transformation. Uses, Mechanisms and Prospects for Transformation of other Species. Plant Physiol., 124, 1540, 1547 (2000).
7. Clough S.J., Bent, Floral dip: A simplified method for Agrobacterium mediated transformation of Arabidopsis thaliana A., Plant J., 16, 735,743 (1998).
8. Li J., Tan X., Zhu F., Guo J. A rapid and simple method for brassica napus floral-dip transformation and selection of transgenic plantlets. Int. J. Biol.,2, 127, 131 (2010)9. J.M. Zale, S. Agarwal, S. Loar, C. M. Steber, Evidence for stable transformation of wheat by floral dip in Agrobacterium tumefaciens. Plant Cell Rep., 28, 903, 913 (2009).
10. Razzaq A., Hafiz I.A., Mahmood I., Hussain A. Development of in planta transformation protocol for Wheat. Afr. J. Biotechnol., 10(5), 740, 750 (2011).
11. Supertana P., Shimizu T., Nogawa M., Shioiri H., Nakajima T., Haramoto N., Nozue M., Kojima M. 2006. Development of simple and efficient in Planta transformation method for wheat (*Triticum aestivum* L.) using Agrobacterium tumefaciens. J Biosci.Bioeng., 102(3), 162, 70 (2006).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошоқли ўсимликларда *in planta* трансформацияси ва унинг афзалликлари ҳамда камчиликлари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о преимуществах и недостатках метода *in planta* трансформации колосовых растений.

SUMMARY

This article describes advantages and disadvantages of in planta transformation method in cereal plants.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ИЗУЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО УЩЕРБА ПРОДУКТИВНОСТИ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ, НАНОСИМОГО КЛЕЩАМИ ЧЕСОТОЧНОГО ЗУДНЯ *Sarcoptes scabiei* (Acariformes: Sarcoptidae).

Бобоназаров Г. Я. (КарГУ)

Ключевые слова: *Sarcoptes scabiei*, клещи, распространение, заболевания, чесотка, саркоптоз, скабиоз, каракульские овцы, экономический ущерб, эффективные средства, методы борьбы.

Саркоптоз овец широко распространен во всем мире. По данным многих авторов из Новой Зеландии, Великобритании, Швейцарии, Италии, пораженность животных саркоптозом достигает около 30-35% [1].

Развитие инвазии связано со многими обстоятельствами: температурой, влажностью внешней среды, общим состоянием животных, состоянием кожного и волосяного покрова, условиями содержания животных, способствующими активизации популяции клещей и скорости распространения болезни. Обычно зудневая чесотка домашних животных развивается интенсивно осенью, зимой и ранней весной, когда влажность внешней среды повышена и создаются благоприятные условия для размножения клещей.

Цикличность в развитии чесоточных зудней В.Б. Дубинин связывает с биологическим ритмом, который наблюдается в кожных покровах животных: смена периода относительного физиологического покоя кожи (октябрь-апрель); период регенерации, возрождения всех тканей кожи (май-сентябрь). Осенью вновь наблюдается повышение активности зудней и увеличение их численности, которая достигает максимума зимой [2].

Ущерб складывается из потери всех видов продуктивности, замедленного роста молодняка, перерасхода кормов, а также гибели животных. По данным литературы известно, что инвазия наносит ощутимый экономический ущерб животноводству. В США потери от саркоптоидных клещей составляют ежегодно около 3-х миллиардов долларов [3:4].

Экономический ущерб может происходить также и в результате снижения качества кожи из-за расчесов и повреждения ее [5].

По наблюдениям ряда авторов [2,6,7,8,9,10,11,12] установлено, что саркоптоз у животных протекает следующим образом: клещи, проникая в толщу кожи, проделывают в ней ходы и откладывают яйца. Механические раздражения, возникающие при этом, а также поступление токсической слюны клещей вызывают аллергическую реакцию организма животного. В ответ на поступление аллергенов в организме больных животных вырабатываются антитела. Из отложенных яиц (проделав полный цикл развития) вырастают взрослые особи, которые проделывают новые ходы, в связи с чем происходит повторное введение аллергенов. В результате взаимодействия аллергенов с антителами высвобождается гистамин, который, нарушая проницаемость капилляров, способствует выходу плазмы в ткани, возникают тканевые повреждения и воспалительные реакции. Последние оказывают влияние на нервные рецепторы кожи, в результате чего появляется зуд и другие клинические признаки саркоптоза.

В нашей республике от саркоптоидных клещей наиболее часто страдают овцы.

С целью изучения степени зараженности каракульских овец клещами чесоточного зудня *Sarcoptes scabiei*, было обследовано 8440 голов животных, из них больными оказались 1675, то есть 19,85%. Лабораторными исследованиями соскобов, взятых у этих животных, клещи обнаружены у 1582 животных – 94,45%.

Нашими исследованиями установлено, что заболевание саркоптозом начинается у овец с почесывания, затем шелушения. Со временем на местах поражения увеличивается влажность кожи и появляются мягкие корочки. Через некоторое время зона поражения расширяется и появляются новые очаги. В пораженных местах кожа утолщается, теряет эластичность, появляется облысение, покрытое плотными корковыми складками и кожа трескается. Если не проводится лечение, болезнь переходит в генерализованную форму, то есть процесс распространяется на многие места кожи. Ягнята худеют и отстают в росте и развитии. У взрослых животных болезнь протекает намного легче: клещей можно обнаружить на отдельных участках головы, шеи и хвостовой части тела.


При изучении клиники саркоптоза нами отмечалось бессимптомное, острое и хроническое течение инвазии. Интенсивность инвазии мы условно классифицировали на легкую, среднюю и тяжелую, т.е. генерализованную форму.

При легкой форме инвазии на коже находят отдельные очажки, легко обнаруживаемые по влажности шерсти. При средней степени в области морды, ушей, шеи, спины и в других местах отмечаются большие очаги. Тяжелая форма саркоптоза характеризуется наличием на коже обширных саркоптозных очагов, то есть зона поражения занимает почти всю поверхность тела. Больные овцы в период инвазии отстают в росте и развитии, теряют значительное количество живой массы и покров шерсти, хорошо не развиваются.

Для определения экономического ущерба, причиняемого саркоптомом овец, нами были поставлены специальные опыты в одном из животноводческих фермерских хозяйств Каршинского района. Для опыта отобрали 20 ягнят, разделили их на 2 группы по 10 голов: больные - опытная группа и здоровые - контрольная. Средняя масса животных в контрольной группе составила 15,6 кг, а в опытной - 15,8 кг. Животных содержали изолированно, в условиях исключающих перезаражение, корм ягнята обеих групп получали одинаковый. Наблюдение за животными вели с августа 2010 по март 2011 года. Ежемесячно ягнят взвешивали и подвергали клиническому исследованию в лаборатории. Наблюдения за животными прекратили в конце февраля.

В течение опыта больные ягнята недобрали в весе по сравнению с контрольными в среднем 5 кг живой массы, что составляет 15,3% (рис.).

Рис.



Изменение массы больных саркоптомом и здоровых ягнят (кг)

Разница в недобранной живой массе между больными и здоровыми животными за шесть месяцев проведения опыта в среднем составила 5 кг. Если нынешняя рыночная - закупочная цена 1 кг живого веса овцы составляет 12 тыс. сум,, то ущерб от потери не набранной ж.м. от одной головы составляет в денежном выражении 60 тыс. сум.

Для изучения влияния саркоптоза на шерстную продукцию овец, мы в начале марта 2006 г. подобрали две группы годовалых овец. Из них одна группа - здоровые, вторая - больные. В каждой группе было по 10 овец, их наблюдали два месяца. Группа здоровых животных служила контрольной. Условия содержания и кормления в обеих группах были одинаковые. В конце апреля 2006 года был произведен настриг шерсти подопытной и контрольной групп овец. Количество шерсти, настриженной у группы больных овец - 9,0 кг (в среднем 0,9), у здоровых - 11,5 кг (в среднем - 1,15) (табл.).

Разница в весе настриженной шерсти на весенний сезон между больными и здоровыми овцами в среднем составила 0,250 кг. Если закупочная цена 1 кг шерсти составляет 10 тыс. сум, то ущерб от потери в настриге шерсти от одной овцы составляет в денежном выражении 2,5 тыс. сум.

Влияние саркоптоза на шерстную продуктивность каракульских овец

	Число овец										Всего	В среднем
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		
Вес настриженной шерсти у больных овец, кг	0,85	0,95	0,94	0,86	0,78	0,92	0,88	1,02	0,97	0,83	9,0	0,900
Вес настриженной шерсти у здоровых овец, кг	1,2	1,1	1,0	1,05	1,3	1,05	1,3	1,05	1,25	1,2	11,5	1,150

В наших опытах общий экономический ущерб, наносимый клешами чесоточного зудня *Sarcoptes scabiei* на продуктивность каракульских овец, складывается из потери ж. м. и настрига шерсти в течение года от одной овцы составляет в денежном выражении 62,5 тыс. сум.

Результаты изучения саркоптоза, влияния инвазии на привесы, настриг шерсти каракульских овец показали, что эта болезнь наносит большой экономический ущерб, поэтому перед учеными стоит задача разработки эффективных средств и методов борьбы с этим заболеванием на основе интегрированной системы мероприятий, в состав которых входят агротехнические, ветеринарно-санитарные и др., с применением современных акарицидов химического и биологического происхождения.

Литература

1. Keller H., Ecert J., Trepp H.C. Zur Tilgung der *Sarcoptes* Rande beim Schwein // Schweizer. Arch. Tierheilk. 1972. – Bd. 114. – N 11. – S. 573–582.
2. Дубинин В.Б. Чесоточные клещи. // – М., 1954. – 128 с.
3. Тищенко Е.Н. Эколого-экономические основы защиты свиней Тюменской области от саркоптоза. // Автореф. дисс. канд. биол. наук. – Тюмень. 2005. – 135 с.
4. Larsen U.P., Storin H.P. Scabs indflugelse pa foder torbrysf af tilvaerst hos stagtesvin. // Dansk. Veter. Tidsskr. 1980. – affT. 53. – N 21. – S. 849–851.
5. Kutzer E. *Sarcoptes*-Milden und *Sarcoptes* raude der Ha ustiere // Angew. Parasitol. 1969. – N 11. – S. 2.
6. Приселков А.М. Меры борьбы с чесоткой овец // Ветеринария. – 1943. – N 7. – С. 16–17.
7. Ключко Р.Т. Эпизоотология саркоптоза свиней и разработка мер борьбы // Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. – М., 1983. – 23 с.
8. Abu-Samra M.T., Ibrahim E.E., Aziz M.A. Experimental infection of goats with *Sarcoptes scabiei* var. *ovis* // Ann.Trop. Med, Parasit. 1984. – Vol. 78. N 1. – P. 55–61.
9. Соколова Т.Д., Федоровская Р.Ф., Ланге А.Ф. Чесотка // М. "Медицина", 1989. – 176 с.
10. Ильяшенко В.К. Саркоптоидные клещи (ACARINA: PSOROPTIDAE, SARCOPTIDAE), совершенствование методов диагностики и борьбы с ними // Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. Санкт-Петербург, 1993. – 33 с.
11. Сапарова Р.Х. Саркоптоз верблюдов в Западном Казахстане и меры борьбы с ним // Автореф. дисс. канд. вет. наук. – Уралск. 2002. – 122 с.
12. Французов О.Э. Псороптоз овец и меры борьбы с ним. // Автореф. дисс. канд. вет. наук. – Нижний Новгород. 2003. – 118 с.

РЕЗЮМЕ

Қўйлар саркоптоз (чесотка) касаллигини *Sarcoptes scabiei* қичима-қўтир каналари келтириб чиқаради. *Sarcoptes scabiei* қичима-қўтир каналари билан одамлар ҳам зарарланади ва бу касаллик тиббиётда скабиоз деб аталади. Республикамизда *Sarcoptes scabiei* қичима-қўтир каналари билан қорақўл қўйлари қўп зарарланади ва ҳайвонларда жиддий сурункали-юқумли қўтир касаллигини келтириб чиқаради. Касаллик табиий – ўчоқли характерга эга бўлиб, чорвачиликка катта иқтисодий зарар келтиради. Каналарга қарши самарали кураш чора-тадбирларини қўллаш тақозо этилади.

РЕЗЮМЕ

Возбудителем саркоптоза (чесотки) овец являются клещи чесоточного зудня *Sarcoptes scabiei*. Клещи *Sarcoptes scabiei* могут паразитировать у людей, эта болезнь в медицине называется скабиозом. В нашей республике клещи чесоточного зудня *Sarcoptes scabiei* паразитируют у каракульских овец, вызывая серьёзное заболевание, характеризующееся зудом. Заболевание имеет природно-очаговый характер и наносит огромный экономический ущерб животноводству.

SUMMARY

Pathogen sarcoptoz of sheep is tickling *Sarcoptes scabiei*. Tick of *Sarcoptes scabiei* might be parasitic on people, illness in medicine is called skabioz. In our Republic, tick of *Sarcoptes scabiei* might be parasitic on Korakul sheep and produces serious disease of animals, characterizes itch. The disease has characteristics of tendency to breed and it brings much damage to cattle-feeding. Specific measures are required to implement against ticks.

Рекомендовано к печати д.б.н. А.Э.Кучбаевым

СОҒЛОМ ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ҲОМИЛАДОР ОНАЛАР ОВҚАТЛАНИШИ

Бўронова Г.Б. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва тушунчалар: *баланслаштирилган овқатланиш, триместр, нутрициология, диетология, кетон таналари, гормонал тизим, умумий қувват, ҳайвон оқсиллари, аминокислоталар.*

Ҳомиладор оналарнинг сифатли овқатланиши жуда қадим замонлардан бери олим ва шифокорларни қизиқтириб келган. Гален, Аристотель ва Гиппократлар ҳомиладорларнинг тегишли миқдорда ва таркибда овқатланиши бола туғилиши билан боғлиқ бўлган кўпгина нуқсонларнинг олди олинишини қайд қилиб ўтганлар. Ҳозирги вақтда эса ушбу фикрлар тўлалигича ўз исботини топди. Шунинг учун соғлом бола туғилишида ҳар бир она нима еб, нима ичишига етарли даражада эътибор бериши, тана массасининг меъёрдан ошиб кетиши ёки камайиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Вазни катта ҳомиладор оналар соғлом бола туғилиши учун ҳомиладорлик даврида тана массасини камайтириш учун дарҳол киришиб кетиши ҳам нотўғри. Чунки вазни камайтириш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида тўпланган кетон таналари (моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган оралик маҳсулотлар) ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин. Шу нарсани қайд қилиш жоизки, замонавий биология, тиббиёт, нутрициология ва диетология фанлари ҳозирга қадар ҳам ҳомиладор аёлларнинг оптимал овқатланиши бўйича етарли маълумотларга эга эмас. Ҳомиладор аёлларнинг мақсадга мувофиқ таомланишида баланслаштирилган овқатланиш меъёрларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Мана шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида “...жамоаларда ташкил этилган овқатланишни ташкил этишни такомиллаштириш, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг, шунингдек, 3 ёшгача бўлган болаларнинг тўлақонли овқатланишини ташкил этиш, даволаш жараёнининг ажралмас қисми сифатида даволаш-профилактика муассасаларида парҳезли (даволаш ва профилактик) овқатланишни яхшилаш масалалари асосий йўналишлардан бири этиб белгилаб қўйилган. (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 206-модда; 2016 й., 14-сон, 132-модда*).

Дарҳақиқат, ҳомиладорлик даврида истеъмол қилинаётган озиқ-овқат сифати, тури, миқдори, ўз вақтида ва маълум бир меъёрда овқатланиш, инсон ҳаётига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади [1;2]. Маълумки, ҳомиладорлик даврида мод-

далар алмашинуви ва гормонал тизимда сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Ҳомиладор аёлларда витамин ва минералларга бўлган эҳтиёж ўртача 1,5 мартага ошади.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида аёлларнинг овқатланиши одатдаги ҳолатдан ёки ҳомила пайдо бўлишигача бўлган озикланишдан тубдан фарқ қилмайди. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, 1-триместрда ҳомила аъзоларининг шаклланиши бошланганлиги боис биологик тўла қийматли оқсиллардан етарли даражада истеъмол қилиш, шунинг сингари витаминлар ҳамда макро ва микроэлементлардан талаб даражасида, уларнинг бир-бирига нисбатини ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилиб туриш керак. Ҳомиладор аёлнинг тўла-тўқис овқатланмаслиги ҳомила учун зарур бўлган озик моддалар захирасини қисқартиради, бу эса болада моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Етарли овқатланмаслик бола ташлашга, чақалоқнинг яшаш қобилияти камайиб кетишига, унинг ўлик туғилишига, оналар ва болалар ўлимига олиб келиши аниқланган [5].

Ҳомиладор аёлнинг бир кунда қанча овқат ейишини аниқ айтиш қийин, албатта. Ушбу кўрсаткич ҳомиладор аёлнинг бўйи ва вазни, ёши, организмдаги захираси, бажарадиган иши, иқлим шароити, йил фасли каби омилларга боғлиқ. Аёлнинг бўйи, тана массаси, ҳаракат фаоллигига қараб ҳар бир ҳомиладор бир сутка давомида ўрта ҳисобда 60–90 гр оқсил, 50–70 гр ёғ ва 325–450 гр углевод истеъмол қилиши керак. Бу озик моддаларнинг умумий калорик қиймати 2200–2700 ккал атрофида бўлиши лозим [1]. Ҳомиладор аёллар учун овқатланиш тартиби ҳам муҳим, улар ҳомиладорликнинг биринчи ярмида 4 маҳал, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида эса 5 ва 6 маҳал овқатланишга ўтиши тавсия қилинади. Бир марта истеъмол қилинадиган овқат миқдори унчалик кўп бўлмаслиги, олдин мева-чева, сабзавотли салатлар ейилиб, кейин асосий овқатдан тановул қилиш керак. Истеъмол қилинган овқатни меъда-ичакларда узоқ туриб қолмаслигига ва унинг осон ҳазм бўлишига танлаб овқатланиш йўли билан эришиш лозим. Акс ҳолда улар бижғиб, газ, ҳар хил захарли моддалар ҳосил бўлади. Бу эса, биринчи навбатда, она организмининг безовталанишига ва, қолаверса, ривожланаётган ҳомилани қийнаб қўйиши, ўсишига салбий таъсир этиши мумкин. Овқат билан қабул қилинадиган умумий қувватнинг асосий озик моддаларига нисбатан тақсимланиши оқсиллар учун 15–30 фоиз, ёғлар учун 25–30 фоиз ва углеводлар учун 40–45 фоизни ташкил қилиши керак.

Ҳомиладор оналарнинг овқатланиши физиологик жиҳатдан барча талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим. Шу нуқтаи назардан уларда овқатланиш тартиби 5 маротабали бўлиб, охири таомланиш кеч соат 21 лар атрофида 1 ст қатикдан иборат бўлиши мумкин. Оқсилли ва ёғли овқатлар куннинг биринчи ярмида истеъмол қилиниб, кечки овқатнинг умумий қуввати суткалик қувватнинг 20 фоизини ташкил этади. Ҳомиладор аёл овқатлангандан кейин дарҳол ётиб дам олмаслиги керак.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида ҳомила вазнининг ортиши ва унда жигар, буйрақлар, ичаклар, нерв тизими функционаллашганлиги боис, оналарда озик моддаларга бўлган талаб бир мунча ошиб, чунончи, оқсилга нисбатан 80–110 г гача, ёғларга нисбатан 50–70 г гача, ҳамда углеводларга нисбатан 350–450 г гача етказилиб, ушбу озик моддаларнинг умумий қуввати 2300–2800 ккалга тенглашиши керак. Ҳомиладор аёл рационидagi оқсилларнинг 60 фоизи ҳайвон оқсиллари бўлиб, унинг 30 фоизи гўшт ва балиқ, 25 фоизи сут ва сут маҳсулотлари, 5 фоизи тухум ҳисобидан қопланиши талаб этилади [1:2].

Ҳомиладор аёлларнинг мақсадга мувофиқ овқатланишини уларда тана вазнининг ошиб боришига қараб аниқласа бўлади. Чунончи, ҳомиладорлик меъёрида кечган аёлларда тана массасининг ўсиши ҳафтасига 300–350 г га тенглашиши керак. Тўлиқ ҳомиладорлик даврида эса бундай аёллар тана массасининг ўсиши 8–10 кг дан ошмаслиги лозим. Агар ҳафталик ўсиш 1 кг га тенглашса, бу яхши кўрсаткич бўлмасдан, кўпинча ушбу ҳолат тўқималарда суюқликларнинг паталогик тўпланиши туфайли юз берган бўлади. Она организми массасининг меъерий ўсиб бориши табиий ҳолат бўлиб, ушбу ҳолат лактация даврида озик моддаларнинг етарли даражада сарфланишини таъминлайди. Кейинги йил-

ларда олиб борилган кузатувлар ҳомиладор аёлларнинг суткалик рационини А.А. Королев ва А.Ю. Барановскийлар тавсияларига кўра қуйидагича белгилашни кўрсатади [1:2]:

Гўшт ёки балиқ 120–150 г.

Сут ёки кефир 200 г.

Творог 50 г.

Тухум 1 дона.

Нон 200 г.

Макарон ва ёрмалар 50–60 г.

Картошка ва бошқа сабзавотлар 500 г.

Мева-чевалар 200–500 г.

Албатта, юқорида кўрсатилган маҳсулотлар ва уларнинг кўрсатилган миқдорлари кўпгина қишлоқ шароитларига тўғри келмаслиги мумкин, масалан, доим ҳам балиқ топилавермайди ёки қора ҳам оқ нонларни алоҳида қабул қилиш бирмунча ноқулайлик туғдиради. Бундай ҳолатларда ҳомиладорлар учун мўлжалланган поливитаминларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ҳомиладор аёллар учун тўла қиймати оксиллар билан етарли даражада таъминлаши мақсадида сут, кефир, ёғсиз творог, ҳамда унчалик шўр бўлмаган пишлоқ тавсия қилинади. Булардаги оксиллар алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар ва кальций тузларининг оптимал нисбатда қабул қилинишини таъминлайди.

Ҳомиладор аёллар, айниқса, жараённинг иккинчи ярмида балиқ ва гўшни қайнатилган ҳолда истеъмол қилишлари лозим. Гўшт, балиқ, кўзиқорин қайнатилган сувни ёки уларнинг шўрваларини ичмаган маъқул, чунки уларнинг таркибида организм учун зарарли бўлган экстрактив моддалар бўлади. Суюқ овқат сифатида сабзавотли, сутли ва мева-ли 1-таомларни тайёрлаш лозим.

Ҳомиладор аёл организми учун ёғлар нафақат энергия манбаи бўлиб хизмат қилмасдан, балки барча тўқима ва хужайраларнинг таркибига кирадиган озиқ-овқатларнинг муҳим компонентларидир. Улар ёғда эрувчи витаминлар, минерал моддалардан кальций ва магнийларнинг тегишли даражада ўзлаштирилишини ҳам таъминлайди. Ёғларда ёғда эрувчи витаминлардан ташқари фосфолипидлар, стеринлар, арахидон, линол ва линолен кислоталари каби эссенциал (асосий) моддалар ҳам бўлади. Ҳомиладорлар истеъмоли учун ҳайвон ёғлари манбаи бўлиб сигир сутидан тайёрланган сариеғ хизмат қилиши керак. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 25–30 грдан ошмаслиги лозим. Бундай аёллар маргаринни умуман истеъмол таомлари орасидан чиқариб ташлашлари талаб этилади. Уларнинг чар-ви ёғларини ҳам танавул қилишлари тавсия этилмайди. Ҳар кунлик таомларда ўртача 25–30 гр миқдорида ўсимлик ёғи бўлиши шарт. Чунки улар таркибида тўйинмаган ёғ кис-лоталаридан ташқари ҳомила ривожланишида муҳим аҳамият касб этадиган витамин Е ҳам бўлади [3:5].

Асосан, ҳомиладор аёлларда фолат кислотаси, йод етишмовчилиги, камқонликнинг темир танқислик тури кўп учрайди. Буларнинг орасида витамин D, B6, фолат кислотаси (B9) авитаминози, ҳамда кальций, йод, темир ва цинк (рух) етишмовчилиги хавфли ҳисобланади. Витаминлар ва микроэлементлар етишмовчилиги бир йилда чақалоқлар орасида 1000 та туғма касалликлар ва, айниқса, асаб тизими ҳамда юрак туғма нуқсонларига сабаб бўлади. Бундай нохуш ҳолатларни олдини олиш бугунги кунда катта муаммо эмас. Аёллар ҳомиладорлик ва эмизиклик даврида керакли моддаларни овқат ва поливитамин – минерал мажмуаларини истеъмол қилиш орқали ўзи ва фарзандини тўлиқ таъминлаши мақсадга мувофиқ.

Ҳомиладорлик даврида озиқ-овқатга бўлган талабнинг ошиб бориши табиий ҳолат ҳисобланади. Бу ўз навбатида, ўсаётган ҳомилани керакли озиқ билан таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу жараён онада ёғ ва энергетик захиранинг табиий тўпланиши, тўқималарининг ривожланиши, асосий модда алмашинувига ошган талабни қоплаш, жис-

моний фаоллик учун энергия сарфига талабнинг ортиши билан ифодаланади. Ҳомиладорлик даврида тана вазни ҳаддан ташқари ортиши туфайли қон босимининг кўтарилиши, ҳомиладорлар қандли диабет, пешоб ажратиш тизими инфекцияси, контомирларда ўзгаришлар, асоратли туғуруқлар, ҳомиладорликдан кейин тана вазни назорати муаммолари юзага келиши мумкин. Ҳомиладорлик даврида тана вазни етарли бўлмаслиги туфайли: вақтидан олдин туғуруқ, ҳомиланинг туғилганда кам вазли бўлиши, ҳомиланинг ривожланишдан орқада қолиши ва ўлим ҳолатлари содир бўлиш хавфи юқори.

Биз ўз кузатуваримизда ҳомиладор аёлларда амалдаги овқатланишни ўрганиш ва уни рационаллаштиришни амалга ошириш мақсадида Қашқадарё вилояти Касби туманида яшовчи бир гуруҳ 18–29 ёшли ҳомиладор аёлларнинг овқатланишини анкета-сўров ўтказиш орқали ўрганишга ҳаракат қилдик ва қуйидаги натижаларни олишга муваффақ бўлдик.

1-жадв.

Ҳомиладор аёлларнинг (18–29 ёшли) макронутриентлар билан таъминланиши

Макронутриентлар	Меъёр [4]	Натижа	Меъёрга нисбатан фарқ (фоизда)*
Оқсиллар	61 (+30)*	77,2	-15,1
Шундан ҳайвон оқсили, г	34 (+20)	34,2	-36,4
Ёғлар, г	67 (+12)	69,4	-12,1
Углеводлар, г	289 (+30)	315,2	-1,1
Энергия, ккал	2000 (+320)	2191,2	-6,6

*Ёши ва жисмоний фаоллигига тегишли равишда кунлик меъёрга қўшимча

Кўришиб турганидек, респондентларда макронутриентларнинг қабул қилиниши меъёр даражасидан барча озик моддаларида анча кам. Айниқса, оқсилларга тақчиллик бошқа озик моддаларга нисбатан юқори бўлиб, (15,1 фоиз) хусусан, ҳайвон оқсилларининг етишмаслиги хавfli даражада (36,4 фоиз). Ёғлар ҳам ҳомиладор аёллар овқатида бирмунча кам бўлиб (12,1 фоиз) фақат углеводларгина меъёр даражасига етиб боради. Олинган натижаларни тушунишда, шу нарсани инобатга олиш жоизки, Республикамиз, айниқса, вилоятимиз шароитида қишлоқ жойларда истиқомот қилувчи аёлларнинг овқатланишида асосий озик моддалар углеводлар, яъни нон ва ун маҳсулотлари хизмат қилганлиги боис умумий энергетик қиймат меъёр даражасига яқин бўлса-да, оқсиллар, хусусан, ҳайвон оқсиллари меъёридан анча камлиги қайд қилинди. Агар бундай тақчиллик ўз вақтида бартараф қилинмаса, ҳомила жараёнининг меъёрий давом этишида нуқсонлар кузатилиши муқаррар. Бу ҳолат айтиб ўтганимиздек, бола тана массасининг кам бўлишига, унинг жисмоний ва ақлий баркамол бўлишига салбий таъсир этиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда респондентларнинг макронутриентлардан витаминлар билан таъминланиши ҳақида маълумот берамиз.

2-жадв.

Ҳомиладор аёлларнинг (18-29 ёшли) витаминлар билан таъминланиши

Витаминлар	Меъёр [4]	Натижа	Меъёрга нисбатан фарқ (фоизда)*
С (мг)	70 (+20)*	79,6	-11,5
В ₁ (мг)	1,1 (+0,4)	1,1	-26,6
В ₂ (мг)	1,3 (+0,3)	1,3	-18,7
Фолат (мкг)	200 (+200)	288,4	-27,9
А (мкг) рет. экв.	800 (+200)	789,4	-21,0
Е (мг) ток. экв.	8 (+2)	7,6	-24
Д (мкг)	2,5 (+1)	2,9	-17,1

*Ёши ва жисмоний фаоллигига тегишли равишда кунлик меъёрга қўшимчалар

Жадвалда кўриниб турганидек, барча ўрганилган витаминлар респондентлар томонидан кам қабул қилинган. Хусусан, витамин С га бўлган меъёр ҳомиладорлик жараёнининг барча уч ойликларида ўртача 90 мг бўлиши керак. Биз олган натижаларда эса бу кўрсаткич 79,6 мг ни ташкил қилади. Бошқача айтганда ҳомиладор аёлларнинг С витамин билан таъминланиши меъёрга қараганда 11,5 фоиз кам экан. В₁ витаминига нисбатан меъёрий талаб 1,4 мг бўлса олинган натижа 1,1 га тенг. Бу витаминга нисбатан ҳам талаб 26,6 фоизга кам бажарилган. Худди шунингдек витамин В₂ га бўлган талаб ҳам меъёрда 1,6 мг ни ташкил қилади. Натижа эса 1,3 мг. Бу кўрсаткич В₂ витаминга нисбатан талабнинг 18,7 фоизга камлигини билдиради. Жадвалда кўриниб турганидек В₉ витамин ёки фолат кислота барча ҳомиладор аёлларда анча тақчил бўлиб, агар унга нисбатан талаб меъёрда 400 мкг га тенг бўлса натижа 288,4 га тенг. Фолат кислотага бўлган ҳомиладор оналарнинг талаби бор-йўғи 72 фоизга бажарилган ҳолос.

Энди респондентларнинг минерал моддалар билан таъминланишига доир маълумотларга тўхталамиз.

3-жадв.

Ҳомиладор аёлларнинг (18-29 ёшли) минерал моддалар билан таъминланиши

Минерал моддалар	Меъёр [4]	Натижа	Меъёрга нисбатан фарқ (фоизда)*
Кальций (мг)	800 (+300)	786,2	-28,5
Фосфор (мг)	1200 (+450)	1123,1	-31,9
Магний (мг)	400 (+50)	379,4	-15,6
Темир (мг)	18 (+20)	21,6	-43,1
Рух (мг)	15 (+5)	16,2	-19,0
Йод (мг)	0,15 (+0,03)	0,14	-22,2

Бу ерда ҳам ўрганилган моддаларга тақчиллик янада яққолроқ намоён бўлади. Чунончи, респондентлар овқатида мавжуд бўлган кальций элементи 786,2 мг ни ташкил қилади (меъёр 1100 мг). Ушбу элементнинг камлиги 28,5 фоизни ташкил қилади. Биз ўрганган элементлардан иккинчиси яъни фосфор 1650 мгг ўрнига 1123,1 мг қабул қилиниб унинг етишмаслиги қарийиб 32 фоизга тенг. Магний элементи ўрта ҳисобдан 450 мгг қабул қилиниши керак бўлса, олинган натижада бу кўрсаткич 379,4 мгг га тенг. Ушбу элементнинг ҳам етишмаслиги кўриниб турганидек 15,5 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Қон фаолиятида муҳим бўлган микроэлемент темирга нисбатан бўлган талаб бор-йўғи 57 фоиз атрофида қониқтирилган ҳолос. (Агар нормада 38 мгг бўлса, натижа 21,6 мгг га тенг.) Рухнинг меъёрий қабул қилиниши 20 мгг га тенг бўлса, натижа 16,2 га тенг ёки 19 фоиз кам. Йод ҳам меъёрга қараганда 22 фоиздан зиёдроқ кам қабул қилинган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, биз кузатув олиб борган ҳомиладор аёллар рационалида бир қатор муҳим камчиликлар учрайди. Уларни бартараф қилишда ҳал қилувчи тадбирларидан бири бу аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган овқатланиш маданияти тўғрисидаги тарғибот ишларини кенг қўламда олиб бориш ҳисобланади. Бунга оммавий ахборот воситаларида ва жойларда айнан шу мавзуда маърузалар қилиш, лозим бўлганда ҳомиладор аёллар учун рационал овқатланиш бўйича семинар-тренинглари ёки махсус машғулотлар, курслар ташкил қилиш киради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳомиладор аёлларнинг овқатланишини ўрганиш ва уни рационаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш орқали нафақат аёллар, балки туғилажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб етишиши учун замин яратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Диетология. 4-е изд. / Под ред. А.Ю. Барановского. – СПб.: Питер, 2012. –1024 с.
2. Королев А.А. Гигиена питания. Руководство для врачей. Издательская группа “ГЭОТАР-Медиа”, 2016. – 612 с.
3. Соғлом овқатланиш – саломатлик мезони. Ш.И. Каримов таҳрири остида. –Тошкент, 2015 йил. – 355 б.

4. Шарипова Н.В., Дусчанов В.О., Шайхова Г.И. ва б. “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турли гуруҳларининг озиқ моддалар ва энергияга бўлган физиологик талаб меъёрлари, қоидалари ва гигиена нормативлари. Сан Пин. – № 0250-08, – Тошкент, ГТАИФ, 2008. – 38 б.
5. Курбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент, 2005. – 206 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳомиладор аёллар овқатланишининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг соғлом бола туғилишидаги ўрни ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены особенности питания беременных женщин и его значение для рождения и развития здорового ребенка.

SUMMARY

In the article the importance of the nutrition of pregnant women for the growth and development of healthy child is illustrated.

Наишра проф. Ш.Қурбонов тавсия этган

К ИЗУЧЕНИЮ ОНТОГЕНЕЗА *LIPSKYA INSIGNIS*

Буранова М. О. (ҚарГУ)

Ключевые слова: *онтогенез, вислоплодник, мерикарпий, латентное, виргинильное, ювенильное, имматурное, генеративное, сенильное состояние.*

Lipskya insignis (Koso-Pol.) Lipsky или липская замечательная в течение многих веков знакома местному населению в качестве пряного растения и, несмотря на включение в Красную Книгу Республики Узбекистан, активно собирается в природе. Нами были изучены начальные стадии онтогенеза в условиях опытного участка (пос. Карашина Дехканабадского района Кашкадарьинской области) в 2010–2016 годах. Опытный участок, на котором были изучены начальные периоды онтогенеза *L. insignis*, имеет площадь 1 м².

Описание онтогенеза было изложено по методам, приведенным в работах Т.А.Работнова, А.А.Уранова и в коллективных монографиях «Ценопопуляции растений».

Изучение виргинильных, генеративных и постгенеративных особей проводилось на ценопопуляциях Жингил-1, Корадахана-1 и Корадахана-2.


В онтогенезе *L. insignis* мы выделили следующие периоды и возрастные состояния: латентный период (покоящиеся семена); предгенеративный или виргинильный период (проростки, ювенильные и имматурные растения), генеративный период, постгенеративный период с сенильным возрастным состоянием.

Латентный период

Семена (*sm*). Латентный период представлен семенами в форме полумесяца, длина которых составляет 4–7 мм, а ширина 3–6 см, покрытыми слабо блестящей сероватой кожурой. Кожура семян срачивается с внутренней стороны мерикарпиев (рис. 1). Семена прорастают с долгим периодом покоя (по нашим наблюдениям в природных условиях не менее 1 года). Созревают в июне-июле, осыпаются вместе с вислоплодниками.

Рис. 1.

Семена *L. insignis*




Примечание: 1 – целый вислоплодник; 2 – внутренний и 3 – внешний виды мерикарпиев; 4 – семя, срощеное с внутренней стороны мерикарпия.

Изучение всхожести семян при хранении в комнатных условиях показало, что в первый год посева семена не произрастают, а максимальная грунтовая всхожесть наблюдается спустя один год после посева семян. Так, из семян, собранных в июле 2009 г. и высеянных на опытный участок в феврале 2010 г., произрастание началось только спустя один год – в 2011 году (13%) и продолжилось в 2012 году (8%). Такая же ситуация повторилась и в 2012 году, т.е. семена, собранные в 2011 году и высеянные на опытный участок весной 2012 года, не дали всходов в первом году.

На второй год посева семена теряют свою всхожесть (рис. 2). Так, в 2012 году проросло лишь 8% семян, высеянных в 2010 году, всхожесть по сравнению с 2011 годом снизилась на 38,5%.

Рис. 2.

Грунтовая всхожесть семян при разных сроках хранения



Примечание: По оси абсцисс – годы наблюдения, по оси ординат – число семян (%), а – проросшие семена, б – не проросшие семена.

В 2012 году также проводились посевы семян, предварительно обработанных двумя способами.

Первый способ: вислоплодники заливались кипятком, через 10 минут остывшая вода заменялась новой порцией кипятка. Ещё через 10 минут остывшая вода снова заменялась новой порцией кипятка, после чего вислоплодники засеивались на опытный участок.

Второй способ: вислоплодники разбивались твёрдым предметом и засеивались на опытный участок.

В обоих случаях наблюдалось произрастание семян в первый же год посева, что не свойственно обычным семенам, посеянным обычным способом. В первом случае процент произрастания составил 19%, а во втором случае - 4%.

Виргинильный период

Проростки (р). Прорастание семян начинается в конце февраля. Вначале из микропиле появляется корешок белого цвета. Вслед за ним вырастает гипокотиль. Проростки имеют слабо выраженные гипокотиль и эпикотиль, междоузлия главного побега удлинённые (рис. 3). Гипокотиль, выпрямляясь, выносит семядоли на поверхность почвы.

Вислоплодник после прорастания в большинстве случаев выносится на поверхность почвы вместе с семядольными листочками (рис. 4). В естественных условиях, как и в опытном участке, проростки появляются в конце февраля –



Рис. 3. Проросток *L. insigne*

начале марта. Пластинки семядолей линейные, длиной 3-5 см, шириной 0,2-0,4 см, сидячие. В пазухах семядольных листьев закладывается по одной почке.

Ювенильное состояние (j). Через 9-14 дней после появления семядолей начинается рост первого настоящего листа (рис. 5), означающий переход растения в ювенильное состояние. В середине марта многие индивиды имеют хорошо развитые семядоли и 1-2, иногда 3, настоящих листа. Листовая пластинка настоящего листа-проростка - с короткими черешками, продолговато-овальной формы, дважды перисто надрезная. Каждый новый настоящий лист перерастает своего предшественника. Побег отсутствует. Главный корень проникает на глубину до 8 см.

Продолжительность ювенильного состояния составляет 13-17 дней.



Рис. 5. Первый настоящий лист

Генеративный период (g). Генеративное состояние *L. insignis* не было разделено на подфазы, так как все генеративные особи схожи по морфологическим признакам и отличаются друг от друга только биометрическими данными, т. е. размером генеративных побегов, количеством ответвлений и цветков.

Размножение *L. insignis* происходит семенным и вегетативным путями. Растения начинают цвести на 2-4 году жизни. В первом году цветения из генеративной почки, заложенной в предыдущем году в пазухе прикорневых листьев вырастает генеративный побег (рис. 6). Высота побегов во многом зависит от высоты окружающих растений, и может достигать 35-40 см.

Генеративный побег является монокарпическим и отмирает с плодоношением. От центра генеративного побега вырастают редкие супротивно расположенные стебельные листья. Прикорневые листья имеют длинный



Рис. 4. Мерикарпий, вынесенный семядолями на поверхность земли

Имматурное состояние (im). С отмиранием семядольных листьев растение переходит в имматурное состояние.

Эти растения имеют все характерные для вида признаки и корневую систему. Генеративные органы еще не сформированы, процессы отмирания не выражены. Каждый год из верхней части корня вырастают новые прикорневые листья. Прикорневые листья трижды перисто рассечены, что также является отличительной чертой имматурного состояния *L. insignis* от ювенильного.

Корневая система состоит из главного корня, уходящего в глубину на 50-60 см, с наличием малого количества придаточных корней.

Продолжительность этого онтогенетического состояния может составлять от 1 до 3 лет. Она во многом зависит от количества запаса питательных веществ, накопленных в корне за предыдущий год и благоприятных условий среды. Чем больше запас, тем раньше наступает генеративное возрастное состояние.



Рис. 6. Неспелые вислоплодники

черенок. Пластинка несколько раз перисто рассечённая, продолговато-яйцевидная. Стебельные листья сидячие, образующие влагалища.

В зависимости от климатических условий и запаса питательных веществ из влагалищ стебельных листьев щитковидно ответвляются вторичные, а иногда и третичные побеги. Конец всех побегов заканчивается сложным зонтиком (по классификации соцветий А.А. Федорова и З.Т. Артюшенко, 1979).

Корневая система состоит из главного головчатого корня без придаточных корней и наличием малого количества коротких ответвлений на самом конце. Главный корень проникает в почву на глубину до 1 м.

Продолжительность генеративного периода длится несколько лет, но точные цифры нами экспериментально не установлены.

С началом **сенильного состояния (s)** начинается процесс отмирания генеративного побега. Это состояние отличается от предыдущего тем, что вслед за генеративным побегом также отмирают прикорневые листья, а затем стебельные листья и корень.

Продолжительность состояния - 1–2 недели.

Таким образом, онтогенез *L. insignis* - полный, представлен всеми онтогенетическими периодами и состояниями. Поливариантность онтогенеза в естественных ценопопуляциях нами не наблюдалась. В ходе онтогенеза четко выделяются онтогенетические периоды, из которых самый продолжительный – генеративный. *L. insignis* относится к моноцентрическому типу биоморф, так как корни, побеги и почки возобновления расположены в одном центре, являющемся центром возобновления особи.

Изучение онтогенеза вида, показало, что ход онтогенеза не меняется, меняются только биометрические показатели.

Литература

1. Красная Книга Республики Узбекистан. – Изд-е IV, I Том – Ташкент, «Chinor ENK», 2009. – С. 122–123.
2. Работнов Т.А. Фитоценология. – М.: Изд-во МГУ, 1983. – 291 с.
3. Уранов А.А. Жизненное состояние вида в растительном сообществе. // Бюлл. МОИП, отд. биол. 1960. – Т. 67. Вып 3.– С. 77-92.
4. Артюшенко З. Т., Фёдоров А. А. Атлас по описательной морфологии высших растений. Соцветие. – Л.: Наука. Ленинградское отделение, 1979. – 295 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада чандир липскиянинг онтогенез ҳолатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Дехконобод тумани шароитида унинг онтогенетик босқичларининг давомийлиги ўрганилиб, улар орасида генератив ҳолат энг узоқ давом этиши аниқланган. Тадқиқот давомида онтогенез босқичлари ўзгармаслиги, фақатгина ўсимлик биометрик ўлчамлари ўзгариши маълум бўлган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные об онтогенетических состояниях липскии замечательной. Определена продолжительность каждого онтогенетического состояния в условиях Дехканабадского района, среди них наиболее продолжительным оказалось генеративное состояние. В течение исследований выявлено, что онтогенетические состояния неизменны, а меняются только биометрические размеры растений.

SUMMARY

There is the data about ontogenetic status of lipskya insignis in article. Defined duration of every ontogenetic status in the conditions of Dehkanabad district, and generative status has appeared the longest among them. During researches it is revealed that ontogenetic status is invariable, and the biometric sizes of plants change only.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

**XX АСРНИНГ 20–30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ
ХУДУДЛАРИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИ**

Тўраева М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Совет, шўро, большевик, компартия, съезд, коммунист, ишчи, кўшчи, партия.*

Инсоният тарихида из қолдирган ҳар бир давлатнинг ўзига хос сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган ғояси ёхуд мафқураси бўлган. Россияда рўй берган октябрь давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган большевиклар партияси ҳам ўз мафқурасини тарғиб қилишга эътибор берди. Совет давлати дастлабки кунларидан бошлаб сиёсий, иқтисодий соҳалар билан бир қаторда маданий соҳани йўлга қўйиш борасида ҳам тадбирлар ишлаб чиқди. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳаллий халқлар маданияти ва санъатини ривожлантириш эмас, балки ўлка аҳолисини “коммунистик руҳда” қайта тарбиялаш, социализм ва унинг ғоялари учун хизмат қилувчи инсонларни шакллантиришдан иборат эди. Маданий соҳанинг тармоғи ҳисобланган маданий-маърифий муассасалар собиқ совет ҳукуматининг айнан юқорида таъкидланган мақсад ва вазифаларини тарғиб қилувчи асосий масканлардан бири сифатида ташкил этилди.

20–30-йилларда қизил чойхоналар, кутубхоналар, турли шаклдаги клублар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар аҳоли ўртасида советлар мафқураси ва ғояларини тарғиб-ташвиқ қилди.

Дарҳақиқат, тоталитар режим шароитида маданий-маърифий муассасалар ўз олдига аҳолини идеологик жиҳатдан қайта тарбиялашни мақсад қилиб қўйган бўлиб, уни рўёбга чиқаришга зарур бўлган шароитлар яратилди. Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятлари маданий-маърифий муассасаларида ҳам сиёсий-тарбиявий ишлар собиқ шўро ҳукумати тамойиллари асосида олиб борилди ва уларнинг олдига аҳолининг мафқурасини тубдан ўзгартиришга доир иккита муҳим вазифа қўйилди:

1. Ўзбек халқи ўтмиши, ўша даврдаги ҳаёти, миллий хусусияти ва руҳиятига ёт бўлган “социалистик онг”ни шакллантириш.

2. Большевикларнинг янги “социалистик мафкура”сини Ўзбекистоннинг ерли халқ вакиллари онгига сингдириб, уларнинг миллий, шарқона дунёқарашларини тубдан ўзгартириш.

Бу “ўта муҳим” бўлган вазифаларни рўёбга чиқаришнинг турли хил йўналишлари, йўллари ва усуллари ишлаб чиқилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг жанубида, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, туб аҳолининг урф-одатларига зид бўлган маданий-маърифий муассасалар таркибига кирувчи клублар (ишчи, хотин-қизлар, қишлоқ клублари) қизил чойхоналар, деҳқон уйлари ташкил этилиб, уларда шўро мафқурасини тарғибот ва ташвиқот этиш ишлари амалга оширилди. Бу муассасалар олдига аҳолининг маънавий-маърифий имкониятларини ва жисмоний кучини шўро давлатини мустаҳкамлаш соҳасига қаратиш вазифалари қўйилди.

Маданий-оқартув муассасалари кенг халқ оммасининг большевистик ақидаларга ишончини мустаҳкамлаш, совет ҳукумати сиёсатига нисбатан хайрихоҳларни кўпайтириш мақсадида турли хил ташвиқотларни амалга оширди. Жумладан, 1920 йилда ташкил этилган “Қизил Шарк” ташвиқот поезде 15–25 сентябргача Бухоро ва Қарши шаҳарларида бўлиб, ташвиқотчилар томонидан кўргазмалар ташвиқотлар, варақалар, мурожаатномалар, сиёсий плакатлар, “жонли газеталар”, сатирик чиқишлар намоиш қилинди.

Маданий-маърифий муассасаларнинг турлари ҳар хил бўлган бўлса-да, бироқ уларнинг мақсади ва вазифалари бир йўналишга қаратилди. 20-йилларда маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тарқалган тури қизил чойхоналар эди.

Бухоро республикаси таркибида бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1921–1924 йилларда биттадан қизил чойхоналар фаолият кўрсатган бўлса, 1925 йилда уларнинг сони 8 тани ташкил этди [3:109]. Мазкур муассасалар, асосан маориф бўлимлари, касаба уюшмалари ва “Кўшчи союзи” ташкилотлари томонидан очилди [4:12]. Қизил чойхоналарда сиёсий адабиётларни тарқатиш, газеталарни овоз чиқариб ўқиш, деворий газеталар чиқариш йўлга қўйилди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг шаҳар ва йирик қишлоқларида, халққа хизмат қилиб келган чойхоналар азалдан аҳоли тўпланадиган масканлардан бири бўлиб, бу ерда тўпланганлар ҳордиқ чиқариш билан бирга кундалик ҳаёт ташвишлари ва қувончлари бора-сида қизиқарли суҳбатлар ўтказганлар.

Шўро ҳукумати зуғуми билан анъанавий “чойхона” атамасига “қизил” сўзи қўшилиб чойхоналарнинг қадимдан амалга ошириб келаётган фаолияти ўзгартирилди. Ҳар бир номга “қизил” сўзини ишлатиш билан маданият соҳалари мафкура измига солинди, “қизил” нинг моҳиятини ва қудратини халқ онгига мунтазам сингдириб боришга ҳаракат қилинди [1: 277].

1926 йилда Ўзбекистонда 177 та қизил чойхона фаолият кўрсатди [2:49]. Улардан 19 таси Қашқадарё, 15 таси Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида жойлашганди [5:85]. 1926 йилнинг январ ойида Сурхондарё вилояти маориф ва маданият ходимларининг биринчи конференциясида маданий-маърифий муассасалар сонини ошириш, уларга аҳолини жалб қилиш асосий вазифа қилиб белгиланди [2:49]. Аҳолини қизил чойхоналарга жалб қилиш мақсадида совет ҳукумати томонидан турли хил тадбирлар олиб борилди. Жумладан, 1925–1926 йилларда Қашқадарёда юз берган қурғоқчилик оқибатида содир бўлган қийин шароитда қизил чойхоналарда аҳолига арзон нархда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ишлари ташкиллаштирилди. Ишни шу тарзда уюштириш ўз самарасини берди. Қизил чойхоналарга келаётганлар сони ошиб борди, ўрта ҳисобда ҳар бир кунда келаётганлар сони 50–60 нафарни ташкил этди.

1927 йил ноябрда бўлган Ўзбекистон КП(б)нинг III съезди қабул қилган резолюциясида маданий-маърифий муассасаларнинг омма орасида коммунистик ташвиқот ва тарғиботни авж олдиришга катта аҳамият бериши кераклиги вазифаси юкланди. Мактаб, қизил бурчак, қизил чойхона, клублар, дехқон уйлари, худосизлар ячейкалари, динга қарши пропаганданинг марказига айланиши керак, деб таъкидланди.

Динга қарши тарғиботнинг аниқ шаклларини ишга солиш билан бир қаторда, фаоллар орасида диний-маиший урф-одатларга (хатна қилиш, диний дафн маросимлари ўтказиш, мазорларни зиёрат қилиш, чўқиниш, никоҳ ўқитиш ва хоказоларга) қарши кенг кураш олиб бориш лозим деб кўрсатилди [2:46].

Қизил чойхоналар ҳам динга қарши олиб борилган курашда ташвиқот ўчоғига айлантилди. Мазкур муассасаларда маҳаллий халқлар турмушида муҳим ўрин эгаллаган диний эътиқодлар, миллий урф-одатлар, кадриятларни таҳқирловчи ташвиқотлар олиб борилди.

1928 йил май ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг III пленумида сиёсий, маданий-маърифий ишларни авж олдириш масаласи кенг муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Пленум ҳужжатларида қизил чойхоналар фаолиятига алоҳида эътибор берилди, уларнинг сонини ошириш, олиб бориладиган тарғиботни кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Чойхоналарнинг асосий вазифаси совет давлати сиёсатини тарғиб қилиш, аҳолини социалистик қурилишга кенгроқ жалб этиш, аҳоли орасида тарғиботни кучайтиришдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди [2:53].

1929 йилдан бошлаб, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида фаолият кўрсатган қизил чойхоналарда худосизлар ячейкалари ташкил қилинди. Ячейка аъзолари аҳоли ўртасида алоҳида ёки умумий суҳбатлар уюштириб, йирик уламолар, дин пешволари ҳақида маълумотлар тўплашда совет давлатининг асосий таянч пунктларидан бири бўлди.

Совет ҳукумати ғоявий ва мафкуравий мақсадларига эришиш учун давлат маблағларини аямас эди. Масалан, 1926–1927 йилларда Ўзбекистонда кутубхоналар, қизил чой-

хоналар ва сиёсий-оқартув тадбирлари учун маҳаллий бюджетдан 350200 сўм сарфланган бўлса, 1928–1929 йилларда 1675316 сўм маблағ ажратилди. Сарфланган маблағлар ҳисобига Ўзбекистонда қизил чойхоналар сони йиллар давомида ўсиб борди. 1928–1929 йилларда республикада 371 та қизил чойхона фаолият кўрсатган бўлса, 1929–1930 йилларда уларнинг сони 514 тага етди. Жумладан, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари ҳудудларидаги қизил чойхоналар сони ҳам кўпайиб борди. 1928–1929 йилларда Қашқадарё вилоятидаги қизил чойхоналар 15 тани, 1929–1930 йилларда 26 тани ташкил этди, улардан 20 таси қишлоқларда фаолият кўрсатди [4:98].

1930 йилда республика сиёсий-оқартув ходимларининг I съезди қизил чойхоналар фаолиятининг ўсишида алоҳида аҳамият касб этди. Съезд қабул қилган қарорларда савдо, маҳаллий кўмита ва хўжалик ташкилотлари ҳисобидан қизил чойхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилди. Шунга мувофиқ қизил чойхоналар моддий базасини мустаҳкамлаш ишига жиддий эътибор қаратилди.

1933 йилдан бошлаб қизил чойхоналар фаолиятида ўзгаришлар юз берди. Яқка деҳқон хўжалигини жамоалаштириш муносабати билан ғўзага ишлов бериш, пахта-йиғим терими мавсумида аҳолидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишда қизил чойхоналар асосий роль ўйнади. Унда жамоаларга кирадиган деҳқонларга тарғиб-ташвиқ ишлари олиб борилди.

Собиқ совет давлати қишлоқларда мажбуран ўтказилган колхоз қурилишини жадалаштириш борасида ҳам қизил чойхоналар фаолиятдан кенг фойдаланди. Чойхоналарга келган аҳоли ўртасида суҳбатлар, йиғинлар уюштирилиб уларга “колхозга кирмаганлар сувдан маҳрум этилади”, “уларга ёмон ерлар берилади”, “катта солиқлар солинади”, деган мазмундаги дўқ-пўписалар баралла айтилиб, тарғибот ишлари олиб борилди.

Совет ҳукумати ўша йилларда ҳам қизил чойхоналарга жамоалаштириш ишини тарғиб этувчи асосий муассаса сифатида қараб, уларнинг сонини кўпайтиришга эътибор берди. 1935 йилда Ўзбекистонда 3351 та қизил чойхона фаолият кўрсатган бўлса, 1937 йилда уларнинг сони 3628, 1940 йилда 4000 тани ташкил этди [2:50]. Шу йилларда Қашқадарё вилоятида 209 та, Сурхондарё вилоятида 134 та қизил чойхона иш олиб борди [6:124]. Бу даврда қишлоқларда жойлашган қизил чойхоналарнинг аксарияти колхоз бюджетини ҳисобидан фаолият кўрсатди. Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги 160 та, Сурхондарё вилоятидаги 100 та қизил чойхона колхоз бюджетини ҳисобида, қолганлари маҳаллий бюджет ҳисобида эди.

1937 йилдан эътиборан жанубий вилоятлардаги қизил чойхоналар фаолиятида қатор ўзгаришлар юз берди. Биринчидан, қизил чойхоналарнинг катта қисми қишлоқ клублари ёхуд маданият уйлари ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилди, бир қисми ошхона, кафе типидagi овқатланиш муассасаларига айлантирилди. Иккинчидан, қизил чойхоналар фаолиятидаги асосий ўзгариш шундан иборат бўлдики, энди уларнинг иши мавсумий ҳолат кўринишига ўтди. Чойхоналардаги тарғибот далаларга кўчирилиб, деҳқончилик билан машғул бўлган омма ўртасида уюштирила бошланди. Чойхона атамасига қўшилган “қизил” сўзи муомаладан чиқиб қолди, шаҳар ва туман марказларида йирик бозорлари бор қишлоқларда чойхоналар ўз фаолиятини давом эттирди.

Хуллас, мустабид совет тузуми йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг асосий тармоғи сифатида қизил чойхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Бу чойхоналар аҳоли ўртасида мустабид тузум мафкурасига мос тарғибот ишларини олиб боровчи муассасалар сифатида фаолият кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. – 688.
2. Рўзметов А. Клуб муассасаларида ғоявий-сиёсий тарбия. –Т., 1982, – Б. 49.
3. Қашқадарё ВДА. 133- жамғарма, 1-рўйхат, 112-иш, 108-109-варақлар.
4. Қашқадарё ВДА. 7-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 12-варақ.
5. Сурхондарё ВДА. 95-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш. 1-3-варақлар.
6. ЎзР МДА. 94-жамғарма, 5-рўйхат, 325-иш, 53-варақ.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX асрнинг 20–30-йилларида мустабид совет тузуми мафқурасига хизмат қилувчи кенг тармоқли маданий-маърифий муассасаларнинг ташкил этилганлиги ва уларнинг асосий турларидан бўлган қизил чойхоналар фаолияти кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идёт речь о деятельности многоотраслевых культурно-просветительских учреждений, служивших тоталитарной идеологии Советской власти в 20-30 гг XX столетия, в частности о так называемых «красных чайханах».

SUMMARY

In this article is shown as a main type of cultural and educational institutions and their organisations which served to totalitarian Soviet system ideology one of them is the red tearoom. XX centuries of 1920-1930.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ИЗ ИСТОРИИ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Кувватова Н. (КарГУ)

Ключевые слова: *история, Узбекистан, Кашкадарья, земля, бекства, Бухара, эмират, народ, Туркестан, движение.*

В начале XX столетия Кашкадарья входила в состав Бухарского эмирата и была разделена на Каршинское, Китабское, Яккабагское, Чиракчинское, Гузарское, Шахрисабзское бекства. Основная часть земель в Кашкадарье принадлежала владельцам собственности и чиновникам, трудящаяся часть населения существовала, арендуя у них земли. В предгорных районах области, в верхней и средней Кашкадарье, в степях, расположенных в восточной части города Карши, в годы, когда выпадало много осадков, земледелие приносило хороший урожай, в годы с меньшим количеством осадков земледелие давало скудный урожай, что вносило трудности в жизнь дехкан [4:63].

По берегам рек, на землях, где была возможность орошения полей, занимались полевым земледелием. В Кашкадарье за счёт поливного земледелия выращивалась основная часть урожая пшеницы. В неурожайные годы население Кашкадарьи на лошадях, верблюдах и ослах с большими трудностями добиралось в Бухару, Самарканд, к берегам Амударьи и закупало там пшеницу, овёс, кукурузу, пшено и другие злаковые.

В горных, равнинных и степных зонах Кашкадарьинской области было развито скотоводство, в основном разводили овец каракулевой породы. В горных зонах разводили овец гиссарской породы, в степных зонах - верблюдов, на равнинах – коров и лошадей. В связи с этим, основным транспортным средством в Кашкадарье являлись лошади, верблюды, ослы и волы. В начале XX столетия в Кашкадарье, также как и на всей территории Бухарского эмирата, население, разъярённое налогами и другими пошлинами бухарского эмира поднималось на восстание.

В 1909 году в Каршинском, Шахрисабзском и Гузарском бекствах были зафиксированы движения сопротивления. В феврале 1917 года в России началась Февральская революция. После свержения с трона Николая II в Бухаре началось реформаторство [5:14].

В пятницу 7 апреля 1917 года Бухарский эмир, объявив народу указ о реформе, обещал внести в документ ряд преимуществ, облегчающих положение народа. Копии указа были разосланы хакимам областей. Однако в документе не было указаний о должных действиях [1:317]. В связи с этим, в Каршинском, Шахрисабзском, Китабском, Гузарском, Яккабагском, Чиракчинском бекствах не было открыто объявлено об указе народу.

В Бухарском эмирате молодёжь, не одобрявшая этот указ, вышла на улицу. После этого случая по всем областям эмирата был разослан приказ об арестах молодёжи, начался повсеместный арест тех, кто не был согласен с указаниями эмирата.

Дядя эмира, Акрамхон Тура, бывший на тот момент хакимом Гузара, с большим рвением взялся за это дело. Говоря словами С.Айни, «каждого, кто шёл через Гузар, брали под арест, называя «джадидом» [1:317].

Правительство Бухары воспользовалось антиреволюционными движениями, происходившими в стране после октябрьской революции в России, и не признало власть большевиков.

К концу 1917 – началу 1918 гг. население Карши и близлежащих кишлаков в неорганизованном порядке восстало против налоговой политики Бухарского эмира. В этом деле большую роль сыграла агитация большевиков, вставших у власти после февральской революции и октябрьского переворота 1917 года. Большевики, планируя захват Бухарского эмирата, держали эту цель в центре внимания.

Председатель Совета Народных Комиссаров Туркестанской республики Ф.И.Колесов 2 марта 1918 года прибыл в Бухарский эмират с отрядом красногвардейцев из 500 человек [4:46].

25 марта 1918 года в Кызылтепе был заключён договор. Бухарская железная дорога от Амирабада до Термеза, от Карши до Шахрисабза была выведена из строя. Эти трагические события коснулись и районных местностей. С началом войны Казыкалон Бурханиддин и Кушбеги Усманбек, написав письмо хакиму Карши, сажают в тюрьму Казы Мирзо Шарифа и убивают его племянника Абдувакила. Написав письмо в Гузар, они упрятали за решётку 70-летнего домлу Икрама и погубили его сына Абдурахмана. Были и другие жертвы из Карши и Гузара. Дядя эмира, Тогайхон, бывший в должности бека в Карши, наказывал задержанных подозрительных неместных лиц, называя их джадидами [2:11–12].

В 1919 году каршинские городские ремесленники и местные дехкане, вооружившись серпами, лопатами и палками, ворвались в резиденцию бека Карши. Бек Тогайхан применил силу против толпы народа. Натянутость в общественно-экономических отношениях в эмирате, а также в Карши началась с движения сопротивления против власти. Большевики, вставшие у власти в Туркестане, стали вмешиваться в дела Бухарского эмира, став на путь завоевания его территорий. На местах была усилена агитационно-просветительская работа. Они призывали рабочих и молодёжь выбрать путь революции. Обещали народу поддержку в его борьбе против эмирата за народовластие [6:37].

28 августа 1920 года Туркестанская конная дивизия под командованием Я.А.Мелькумова, миновав перевал Тахтакарача, заняла Китабское, Шахрисабзское, Яккабагское, Чиракчинское, Гузарское бекства. В Кашкадарье была установлена Советская власть.

2 сентября 1920 года был свергнут Бухарский эмират. На этом закончилась эпоха правления эмиров.

6 октября 1920 года была образована Бухарская Советская Народная республика, и намечены области, районы и сёла, которые будут в её составе. В Кашкадарье были образованы Каршинская, Шахрисабзская и Гузарская области. Города Карши, Шахрисабз и Гузар были утверждены как областные центры [3:15].

Богатые люди и служители религии из Карши, Шахрисабза, Гузара и близлежащих кишлаков были против Советской власти и поднялись на борьбу. В рядах движения сопротивления были курбаши Берди Додхо, Хужа Раззок, Жаббор, Авлиякул, Бахромбек, Хужамбек и присоединившиеся к ним Мулла Жума, Бердикабул, ТурдитуксабоАхмадбек, Хуррам Сафаров, Яхшинур, Бойли, Намоз, Умр, палвон Ризакул, Туйчи Эшмуродов, палван Журакул Туракулов, Холмурод Турсунов.

К 1922 году в составе Каршинского областного комитета Бухарской КП действовали Касанский, Бешкентский, Чимский районные комитеты. В связи с малочисленностью членов партии в Гузарской области, вместо областного комитета партии был образован районный комитет, который вёл свою деятельность в составе Каршинского областного комитета.

18 августа 1923 года Центральный комитет Бухарской КП назначил Ж.Закирова на должность ответственного секретаря, Т. Вадудова – заведующим орг. отдела, Вахидова – заведующим отдела агитации и пропаганды, Назарова и Хоменко – членами Каршинского областного комитета. В Шахрисабзском областном комитете Бухарской КП были утверждены: Назимов - на должность ответственного секретаря, Х. Рашидов – на должность зав. отдела, Рахимов – заведующим отделом агитации и пропаганды [6:80–93].

К ноябрю 1923 года в Карши существовало 5 профсоюзных организаций, насчитывавших 11000 членов. После чистки, проведенной в ноябре 1923 года, количество членов профсоюза составило 697 человек.

В ноябре 1923 года председатель Всебухарского Центрального Исполкома Файзулло Ходжаев побывал в Каршинской, Шахрисабзской, Гузарской областях и в районах, встречался и беседовал с представителями народа, рабочими и дехканами .

В конце 1924 года состоялся I съезд советов Кашкадарьинской области, были избраны исполкомы областных советов, перед ними поставлены следующие задачи:

1. Основываясь на новом административном делении в области и её нижней части, прекратить деятельность старых органов управления;

2. Разработать областной и местный бюджеты и на этой основе, организовать работу;

3. Остановить басмаческое движение и начать против него серьёзную борьбу;

4. Обеспечить внедрение законов, указов и приказов Центрального комитета;

5. Восстановить и направить по правильному пути дехканское хозяйство.

По Кашкадарьинской области было организовано 50 сельсоветов.[6:93–95].

Началась работа, направленная на становление деятельности и внедрение в жизнь политики новоорганизованных сельских советов. В сельсоветы Кашкадарьи были избраны 2 тыс. 801 человек. Из них 349 женщин.

Таким образом, установление Советской власти в областях Узбекистана сталкивалось с серьёзным сопротивлением и противоречиями. В частности, с приходом Советов к власти в Кашкадарьинской области были введены новые порядки, реализованы преобразования в политической, экономической, социальной культурной сферах жизни, свойственные новому политическому режиму.

Список литературы

1. Айни С. Танланган асарлар. 1. т. – Т.: Фан, 1963. – 317 с.
2. Амир Олимхон. Бухоро халкининг ҳасрати тарихи. – Т.: Фан, 1991. –11–12 с.
3. Жўрақулов О., Раҳматов А., Шахрисабз йилномаси. Летопись Шахрисабза. Chronicle of Shakhrisabz. – Т.: Фан, 1997. –15 с.
4. Жўрақулов О. Қашқадарё манғитлари. – Т.: Фан, 1993. – 46 б.
5. Ишанов А.И. Бухарская народная советская республика. –Т.: Узбекистан, 1969. – 63 с.
6. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. –Т.: Фан, 1968. –14 с.
7. Чариев А., Ачилов М. Кашкадарьинская область. –Т.: Фан, 1974. – 52.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ тарихий воқеалар хусусида фикр юритилди. Шунингдек, Қарши беқлигида қаршилиқ ҳаракати ва унинг оқибатларига доир маълумотлар таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматриваются исторические события, связанные с установлением Советской власти в Кашкадарье, приводится анализ сведений о движении сопротивления в Каршинском бекстве и о его последствиях.

SUMMARY

In this article Kashkadarya oasis in connection with the establishment of Soviet power in this article refers to views on historical events. In addition, principality against the resistance and its impact on the analysis of data.

Рекомендовано к печати проф. Б.Эшовым

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА СОВЕТ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА АДАБИЁТ ВА САНЪАТГА МУНОСАБАТ

Соҳибова М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *янги* ("советча") услуб, "социалистик реализм" услуби, коммунизм, сталинизм, қатагонлик, "ижтимоий буюртма", буржуа мафкураси, партиявий мафкура.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида Ватан тарихининг барча даврларини таҳлил этиш, уларни янги назарий-методологик асосда баён қилиш, ҳолис хулосалар чиқариш тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Маълумки, ҳар бир халқ маданиятининг таркибий қисми адабиёт ва санъат ҳисобланади. Адабиётда халқнинг муайян тарихий ҳаётидаги ва руҳиятидаги хусусиятлари акс эттирилади. Совет ҳукмронлиги ва маъмурий буйруқбозлик тузумининг яқка ҳокимлиги шароитида Ўзбекистонда, жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарёда миллий-анъанавий кадриятларга зид бўлган янги "ўзбек совет адабиёти" шаклланди. Таъкидлаш жоизки, маъмурий буйруқбозлик тузуми ғояларини кенг ёйишда адабиёт асосий қуроллардан бири вазифасини ўтади.

Халқнинг маърифатга, миллий анъана ва маънавиятга бўлган интилиши советларга хос бўлган сиёсий манфаатлар йўлига бурилди. Янги авлодни шакллантиришда сиёсий манфаатлар устувор қилиб қўйилди. Эски адабий муҳитдан воз кечиш ана шундай мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Бадиий асарлардаги халқнинг тарихи, диний, миллий кадриятларини улуғлашга бўлган интилиши ҳукмрон мафкура томонидан тўсқинликка учради. Жумладан, II жаҳон урушидан кейинги йилларда халқ онгидан қадимий адабий меросни чиқариб ташлаб, янги "советча" услубдаги бадиий асарларни сингдириш йўлидаги ҳаракат давом эттирилди.

Совет ҳукумати 1946–1948 йилларда адабиёт ва санъатга оид мафкуравий тазйик характерига эга бўлган бир қатор қарорлар қабул қилди. Ёзувчи, шоир, рассом ва ҳайкалтарошларга совет жамиятидаги ижобий кўринишлар, халқнинг кўтаринки "жанговар" кайфиятини акс эттирувчи асарларни яратиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Шу даврда бошқа совет миллий адиблари каби ўзбек адиблари орасида ҳам, шунингдек, айрим шоирларнинг шеърларида ҳам маълум норозилик кайфиятидаги мулоҳазалар, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган салбий кўринишларга қаршилик ҳолатлари кўрина бошланган эди.

Ўзбекистон Компартияси МК директив ҳужжатларида ёзувчи ва шоирлар ижодидаги сустреклик ва ғоясизлик қаттиқ танқид остига олинди, уларни бартараф қилиш учун эса махсус чора-тадбирлар белгиланди.

1949 йил 12 июндаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Пленумида республика ёзувчилар уюшмаси фаолияти муҳокама қилиниб, кейинги пайтларда бадиий асарларда кўпроқ миллийликка эътибор қаратилаётганлиги, ўтмиш маданиятини идеаллаштириш кучайганлиги танқид остига олинди. Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаҳҳор, Шухрат ва бошқа бир қатор адибларга ғоявий ва сиёсий айблар қўйилди.

Бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларида ҳудудий хусусиятдан келиб чиқиб, ўзига хос адабий муҳит шаклланган эди.

Қашқадарё воҳасида XX асрнинг 40–50-йилларида Зоҳир шоир, Бобомурод Даминов, Шарофжон Орифий, Тўра Жуман, Чори Ҳамро, Қамар Нажимов, Азим бахши Хўжаев, Сувон Сокиев, Солиҳ Юлдошев, Очил Тоғаев, Умаржон Исмоилов, Орол Мўминов, Сожида Ибрагимова сингари қатор адиб ва шоирлар ижод қилдилар [1].

Сурхондарёда эса Болтажон Содиков, Умаржон Ҳалимов, Холмуҳаммад Қулниёзов, Абдумажид Қориев, Низомжон Пардаев, Тошкўзи Нарзуллаев, Хуррам Мақсудкулов, Қўчқор Баҳромбоев каби ижодкорлар ҳам шу даврда яшаб, миллий адабиёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

СССР Ёзувчилар уюшмаси низомида "социалистик реализм" услуби кўп миллатли совет адабиёти ва адабий танқидининг асосий услуби эканлиги қайд этилади. Мазкур "социалистик реализм" услуби маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асосий инъикоси сифатида мавжуд бўлиб келди ва адиблар тафаккури ва ижод эркинлиги чекланди.

Аммо бир вақтнинг ўзида таъкидлаш жоизки, бу даврда яратилган асарлар ичида бадиий савияси нисбатан юқори бўлган адабиётлар ҳам юзага келди. Қашқадарёлик адиблар қаламига мансуб "Ота ва ўғил", "Меҳнат ва садоқат", "Тозагул", "Қувнок болалар", "Қабр гуллари", "Ёр меҳри", "Лирик лавҳалар" каби турли жанрларда ёзилган асарларни юқоридаги адабиётлар сирасига киритиш мумкин.

Маълумки, шахсга сиғиниш авж олган даврда мустақил фикрга эга бўлган, миллийликни улуғлаган ижодкорлар қатағон қилинди, улардаги ижодий маҳорат ва ташаббускорлик яқсон этилди. Шу боис адабий муҳит аҳли ҳам коммунистик партия қарор ва буйруқларини бажариб марксча-ленинча назарияга асосланган асарлар яратдилар. Бу йилларда, шубҳасиз, Ленин сиймоси, коммунистик партия, Сталинни мадҳ этувчи адабиёт, асар ва мақолалар кенг тарқалди.

С.Қодировнинг "Партия", Ч.Ҳамроевнинг "Колхоз қишлоқлари", Т.Жумановнинг "Янги рассом ва янги портрет", Н.Солаевнинг "Бу менинг Ватаним", С.Ахмедованинг "Ватан" шеърлари ва бошқа кўплаб адабиёт ва асарларда бу жараёни кўриш мумкин эди.

1958 йилда Қашқадарё вилоятида "Куртак" деб номланган шеърый тўплам чоп этилди. Тўпламда У.Исмоиловнинг "Чўпон", Ш.Орифийнинг "Уруш ҳақида эсдаликлар", А.Каримовнинг "Дарё қирғоғида", М.Даминованинг "Боғ бўлади", С.Нуровнинг "Чинар и цыплята", Ахадулланинг "Воспоминания и радость", С.Абдумуродовнинг "Мир в руках народа" сингари шеърлари киритилди.

Шарофжон Орифийнинг (1924–1995 йй.) илк шеърлари иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонида туғилди. У ўз фаолияти давомида "Шалола", "Най садоси", "Қатра қон", "Қалбим кўшиғи", "Соғинч", "Умидли соғинч", "Жангчи кўшиқлари", "Оқ тилаклар" каби қатор шеърый тўпламларини нашр қилдирди [2].

Сурхондарёдаги ижодкор Р.Узоқованинг 1948 йили "Коммунизм сари" номли шеърый тўпламига ғоявий мазмундаги шеърлар киритилган эди. Шунингдек, бу даврда ўзбек халқининг қадимий қадриятлари, урф-одатлари ва халқчил ғояларини акс эттирган халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам синфийлик, партиявийлик нуқтаи назарида танқидий тарзда баҳо берилди.

1956 йилдан, айниқса, КПСС XX съезидан сўнг сталинизмнинг қатағонлик сиёсати танқидга учраб, бутун советлар мамлакатида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ижод эркинлиги борасида маълум ижобий муҳит юзага кела бошлади. Сталин вафотидан сўнг, шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш, қонунчиликни тиклаш йўлида маълум чоратадбирлар амалга оширилди. Жумладан, маънавий ҳаёт жабҳасидаги сиёсат юмшатилади, эркин ижодий фикрлашга маълум имконият яратилди.

XX асрнинг 60-йилларида Қашқадарё ва Сурхондарё адабий муҳити янги босқичга кўтарилди. Бу даврга келиб Хосият Лутфуллаева, Гелди Бердиев, Теша Сайдалиев, Низомжон Парда, Қодир бахши Раҳимов, Мардонқул бахши Авлиёкул ўғли, Чори бахши, Саодат Тожи ва бошқа шоир ва ёзувчилар сермахсул тарзда ижод қилдилар.

Ўзбекистонлик кўпгина ижодкорлар қатори қашқадарёлик ва сурхондарёлик адиблар меҳнатқаш халқ ҳаётини тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Шулардан бири Гелди Бердиев (1941–1987 йй) ҳисобланади. Унинг дастлабки шеърлари XX аср 70-йилларининг бошлариданоқ Қашқадарё адабий муҳитида янги бир талқин касб этди. Г.Бердиевнинг "Биринчи қор" шеърый тўпламида инсон мавзуси улуғланади. Унинг шеърларида ҳақиқат ва эзгулик тантанаси йўлида курашиб яшаган курашчан шоир тасвири гавдаланади. Г.Бердиев 70-йиллардаёқ ўзбек халқининг азалий орзуси бўлган мустақилликка интилиш, ўз қадриятларини тиклаш каби ғояларни ўзида мужассам этган шеърларни ёзди. Унинг "Мулоқот" шеъри юқоридаги фикрнинг яққол далили ҳисобланади [3].

II жаҳон урушидан кейинги йилларда санъат ҳам адабиёт сингари оммага партия яққа ҳокимлиги мафқурасини тарғиб этувчи асосий муассаса сифатида фаолият кўрсатди. Санъатда социалистик реализм услубининг мустаҳкамланганлиги туфайли театрнинг миллий-анъанавий асосларда ривожланишига тўсқинлик қилди.

1946 йил 16 августда ВКП (б) Марказий Кўмитасининг "Драма театрларининг репертуари ва бу репертуарни яхшилаш тўғрисида" қабул қилган қарорига мувофиқ республикадаги барча театрларнинг репертуарлари жиддий кўриб чиқилди.

Театрлар репертуаридаги "Фарҳод ва Ширин", "Навоий", "Лайли ва Мажнун", "Алпомиш" каби сахна спектакллари ўрнига рус ва Европа муаллифлари асарлари, жумладан "Уйланиш", "Седая девушка", "Воровство в полночь", "Голубой Дунай", "Коммунист" сингари спектакллар асосий сахна асарлари мақомига эришдилар. Бу жараён Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари театрларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Қашқадарё вилоятидаги Мулла-Тўйчи Тошмухаммедов номидаги мусикали драма театри 1932 йилда ташкил этилган бўлса [4], Сурхондарё вилоятидаги Маннон Уйғур номидаги театр 1935 йилда ўз фаолиятини бошлади [5].

Театрларда рус ва Европа драматургларининг асарларини сахналаштириш орқали миллий-анъанавий маданият анча орқага суриб қўйилди. Аммо ғарб муаллифларининг асарларини мусика ва комедия театрларида сахнага қўйиш мураккаблиги сабабли, республикадаги вилоят комедия ва мусикали драма театрларига айлантириш борасида махсус чора-тадбирлар кўрилди ва бу ҳақида 1947 йил 12 мартда "Қизил Ўзбекистон" газетасида қуйидаги фикрлар баён қилинади: "Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантиришга ҳалал бераётган жиддий омиллардан бири музикали драма ва музикали комедия жанрларининг драма жанридан устунлигидир. Бундан ташқари, музикали драма ва комедия жанри репертуарини сунъий равишда чеклаб қўйишга сабаб бўлмоқда, чунки кўп театрлар тажриба қилинган рус ва Ғарбий Европа пьесаларини қўйиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда ва ўз ижодий жамоаларининг бадиий маҳоратини юксалтира олмай қолаётир. Ҳозирги ўзбек театрини янгидан шакллантириш ёки драма театри ёки музика театр қилиб шакллантириш вақти етди. Санъат ишлар бошқармаси Наманган, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Қарши ва Термиздаги ўзбек театрларини музикали драма театрларига айлантиришга қарор қилди" [6].

Қарорга мувофиқ Қашқадарё вилояти музикали театри ўз иш фаолияти мазмунини ўзгартирди. Бу даврда театрда Қудрат Тўраев, Шариф Соҳибов, Қурбон Ражабов, Шариф Тўхтаев, Саломат Рўзиева, Икрома Болтаева каби таниқли актёрлар ижод қилдилар.

"Ижтимоий буюртма" натижасида Қашқадарё ва Сурхондарё театр сахнасида Карло Гашиннинг "Маликаи Турандот", Шекспирнинг "Отелло", Гоголнинг "Уйланиш", Ҳамзанин "Бой ила хизматчи", "Ғунчалар", "Коммунистлар", Комил Яшиннинг "Даврон ота", "Икки коммунист", Н.Сафаровнинг "Уйғониш" сингари пьесалари қўйилди.

Бундан ташқари, 1978 йилда Сурхондарё вилояти театри ўзбек театрларида рус тилида асар қўйиш ташаббускори бўлиб чиқди [7]. Бу ташаббус М.Байжиевнинг "Куёв ва келин" драмаси билан бошланди. А.Арбузовнинг "Старомодная комедия", Т.Минуллиннинг "Одинокая", А.Гелманнинг "Наедине со всеми" асарлари рус тилида сахналаштирилди.

1983 йилда Ўзбекистон КП МК "Театр санъатининг аҳволи ва уни янада такомиллаштириш ҳамда республика меҳнатқашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилди [8]. Қарорга мувофиқ театр жамоалари, драматурглар, режиссёрлар зиммасига дастлаб инқилобий совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар сонини кўпайтиришга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги белгиланди. Миллий-тарихий мавзудаги асарларга "буржуа мафқурасига сажда қилиш" деб баҳоланди.

Шу тариқа театрларнинг миллийлик кўриниши ва руҳи сўна бошланди. Сахналаштирилган асарларда халқона руҳнинг етишмаслиги, қуруқ сиёсат тарғибидан иборатлиги туфайли кенг халқ оммасига манзур бўлмади.

Хуллас, совет ҳукмронлиги йилларида маданиятнинг асосий тармоқларидан бири бўлган адабиёт ва санъатнинг аҳволини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги хулосага келинди: адабиёт ва санъатни ривожлантириш бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларни баҳолашга кескин партиявий мафкура нуқтаи назардан ёндашилиши натижасида маданий ҳаёт катта зарар кўрди.

Адабиёт ва санъат соҳаси ходимлари фаолияти бир хил қолипга солиниб, унда "социалистик реализм" ҳукмронлик қилди ва ижод аҳли унинг тамойиллари асосида асарлар яратишга мажбур бўлди. Бу даврда яратилган бадиий асарлар халқ ижтимоий-маиший, ижтимоий-маданий ва рухий хусусиятларидан, муаммоларидан анча узоқ эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қашқадарё вилоят партархиви. 1-жамғарма, 83-рўйхат, 101-иш, 71-варақ.
2. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Т.: Шарқ, 1998. –Б.124.
3. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Т.: Шарқ, 1998. –Б. 134.
4. Қашқадарё ВДА. 390-жамғарма, 2-рўйхат, 12-иш, 1-варақ.
5. Сурхондарё ВДА. 95-жамғарма. 1-рўйхат, 15-иш, 28-варақ.
6. Қизил Ўзбекистон, 1947, 12 март.
7. Ўзбекистон театрларида. –Тошкент, 1985. – № 10. – Б. 7–8.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада XX асрнинг 40-йиллари ўрталаридан 80-йиллар ўртасигача Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги маданий ва маънавий ҳаёт ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещена культурная и духовная жизнь Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей с середины 40-х до середины 80-х годов XX века.

RESUME

Cultural and spiritual life of Kashkadarya and Surkhandarya from the middle of the 40-s of the XX century till the 80 th.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

ҚАДИМГИ ЧОЧ-ИЛОҚ УРБАНИЗАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳакимов А. (АДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Бургулик, қадимги тарих, Чоч, Илоқ, Сирдарё-Яксарт, Қанқа, Шоштепа*

Чоч-Илоқ воҳасининг қадимий тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда дастлабки зироатчилик манзилгоҳлари тахминан бундан уч минг йиллар муқаддам пайдо бўлганига амин бўламиз. Милоддан аввалги IX–VII асрларда ҳозирги Туябўғиз сув омбори ўрнида илк деҳқонларнинг манзилгоҳлари мавжуд эди. Уларнинг моддий маданияти Бургулик (Бурканлик) сой бўйидан илк маротаба аниқланиб, шу ном остидаги маданият сифатида фанга киритилган (1).

Илк ёзма манбалар Сирдарё-Яксарт ҳавзасини деҳқончилик аҳолиси ва кўчманчилар ўртасидаги чегара сифатида изоҳлайди. Страбоннинг маълумот беришича, Яксарт суғдийлар ва кўчманчиларни ажратиб туради (2). Дионисий Перигет эса Суғдиёна ортида Яксарт оқими бўйлаб саклар жойлашганлиги ҳақида ёзади (3).

Милоддан аввалги I минг йиллик Тошкент воҳасидаги кўчманчи аҳоли ҳақида маълумотларга эга бўлсак-да, Оҳангарон ва Чирчиқ воҳаларида Бургулик маданияти мисолида ўтроқлашган зироатчилар масканлари кузатилади. Бу маданиятга оид турар-жойлар ертўла ва ярим ертўлалардан иборат бўлса, моддий маданият буюмлари қўлда ишланган сопол идишлар, бронза меҳнат қуролилари, жанговар қуролилар ва тақинчоқлар-

дан иборат (4). Уларнинг моддий маданияти ғарбда – Сирдарёнинг чап қирғоғи, шарқда – Еттисув, Олтой ва Сибиргача бўлган ҳудудлардаги маданият билан ўхшашлик топади.

Бургулик маданиятининг сўнгги босқичида Тошкент воҳасининг жануби-ғарбидаги ярим ертўлалар ўрнида мустақкам қалъа ва қалъа деворларига эга бўлган шаҳар қад кўтаради. Ушбу кўҳна шаҳарнинг деворлари ва миноралари квадрат шаклидаги ғиштлар ва пахсалардан бунёд этилади. Кўҳна шаҳарнинг режавий тузилиши, мудофаа иншоотлари услублари ва бу қатламдан топилган сопол буюмлар қадимги деҳқончилик маданиятининг Ғарб антик меъморчилик анъаналарини эслатади. Бундан хулоса чиқарган Ю.Ф. Буряков, ушбу кўҳна шаҳарни манбаларда эслатилган ва милоддан аввалги IV–III асрлар қалъаси Яксарт орти Антиохияси билан боғлайди (5).

Юқорида таъкидлаганимиздек, антик давр муаллифлари Яксарт-Сирдарёни суғдийлар ва саклар ўртасидаги чегара сифатида тасвирлаб, ўтроқ суғдийлардан фарқ қилган ҳолда, сакларнинг кўчманчи турмуш тарзида ҳаёт кечирганлигини таъкидлайдилар. Археологик маълумотлар натижаларига кўра, кўчманчи саклар ўтроқлашиб, Бургулик маданиятига асос соладилар. Аммо милоддан аввалги III асрга келиб, бу маданият қишлоқлари бўшаб қолади. Чунки айнан мана шу даврда Евроосиё даштларидаги халқларнинг катта кўчишлари (миграция) бўлиб ўтади ва бу миграция жараёнлари Ўрта Осиё ҳудудларига янги этник гуруҳларнинг кириб келишига сабаб бўлади.

Ўзма манбалар маълумотларига кўра, Сирдарё-Яксартнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳасига қадимги дунёнинг кучли уюшмаларидан бири бўлган даҳлар конфедерациясига кирувчи қабилалар гуруҳи кириб келади. Бу конфедерацияга кирувчи айрим қабилалар Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Қадимги Хоразм цивилизацияси таъсирида бўлмагани боис милоддан аввалги IV–II асрлардаёқ улар шаҳар маданиятидан хабардор эдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Тошкент воҳасига кириб келган кўчманчилар тўлқини Бургулик маданияти қишлоқларига чек қўяди (6). Шу билан биргаликда, бу ҳудудларда кўп сонли аҳолининг ўз маданияти, деҳқон-чорвачилик кўринишидаги анъаналари асосидаги ўтроқлашув жараёнлари бўлиб ўтади.

Бу воҳага илк шаҳарсозликни Сирдарё-Яксартнинг қуйи оқимларидан чиққан, ўзлари билан хом ғишт ва пахса қурилиши анъаналарига эга аҳоли олиб келди. Нисбатан қадимги шаҳарлардан бири Сирдарё-Яксартдан 80 км узоқликда, унинг ўнг қирғоғида бунёд этилган Қанқ шаҳридир. Айрим тадқиқотчилар бу кўҳна шаҳарни Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудларида ҳам милоддан аввалги II асрга келиб, шаҳар – манзилгоҳга асос солинади. Тошкент ҳудудидаги халқа деворлар билан ўраб олинган Шоштепа айнан милоддан аввалги II асрга оиддир.

Хитой манбаларидан “Катта Хан сулоласи тарихи” маълумотларига кўра, Тошкент воҳаси Юни ёки Юйничен номи остида тилга олинади (7). Йоша (Яксарт) дарёси бўйидаги бу мулк ярим кўчманчи Қанғ иттифоқининг бешта кичик мулки таркибида бўлган. Қанғ таркибида Юнинг кўплаб мустақкамланган қишлоқлари ва шаҳарлари бўлган урбанизациялашган мулклардан бири ҳисобланган.

Тошкент воҳасининг Қанғ таркибида бўлиши ички иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига туртки бўлган бўлса, унинг қарвон савдо йўллари туташган жойда жойлашганлиги урбанизация жараёнларининг ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл Хитой ва Шарқий Туркистондан Ўрта Осиё воҳалари орқали Яқин Шарқ, Кавказ, Жанубий ва Шарқий Европага олиб борган. Илк босқичларда асосий трассалар Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида шаклланган бўлса-да, айни вақтда, ўша илк шаклланган даврдан бошлаб, савдо йўлининг тармоқларидан бири Сирдарё орқали ўтган. Бу йўллар маданиятлар алмашинуви ва иқтисодий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолатни Тошкент воҳасидаги урбанизация жараёнларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Урбанизация жараёнларининг илк босқичларида Юни мулкининг нисбатан йирик илк шаҳарлари Қанқа, Шоҳрухия кабилар бунёд этилади. Юни мулкининг пойтахти Юйничен шаҳрини айрим тадқиқотчилар ҳозирги Тошкент ўрнида жойлаштирадилар (8), айримлари Йоша-Яксарт воҳасидаги Қанқа ўрнида деб биладилар (9). Фикримизча, иккинчи тахмин тўғри бўлиши мумкин. Чунки ёзма манбалар ҳам бу даврга оид шу ҳудудлардаги ягона шаҳар маркази ҳақида маълумотлар беради. Айнан милoddан аввалги III аср бошларидан бошлаб, бу кўхна шаҳар кенгайиб боради ва Қовунчи маданияти даврига келиб, майдони 150 гектарга етади. Қанқа Бақтрия ва Суғднинг шаҳарлари каби, куйи ва ўрта Сирдарё ҳавзасидаги энг йирик шаҳарлардан бири эди.

Айрим тадқиқотчилар Қанқани Қанғ ҳукмдорларининг қишки қароргоҳи бўлган, деб ҳисоблайдилар. Хан сулоласи тарихига оид Хитой солномаларидан маълумот берилишича, “Қанғ ҳукмдори Қанқага тез-тез ташриф буюришдан мамнун бўлган”(10).

Сосонийлар даври манбаларида Тошкент воҳаси Чоч (Чочистон) номи билан тилга олинади. Бу воҳа кўп қиррали иқтисодиёт ва урбанизация жараёнларининг ривожини учун қулай ҳудуд ҳисобланган. Шу билан бирга, муҳим савдо-иқтисодий алоқалар ва этник кўчишлар чорраҳасида жойлашган. Минтақа тоғлари турли фойдали қазилмалар ва маъданларга, аввало, олтин ва қумуш ҳамда фойдали минералларга ниҳоятда бой эди.

Археолог М.И. Филанович ёзма ва моддий маълумотларни қиёсий ўрганиши асосида милoddан аввалги I аср охирида Тошкент ўрнида шаҳар мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳулоса чиқаради. Унинг фикрича, бу даврда шаҳар Мингўрик ҳудудларидан чиқиб, анча кенгайди. Пойтахт кўчишининг асосий сабабларидан бири бу Буюк ипак йўли асосий тармоқларидан бири йўналиши-нинг шимол томонга ўзгариши ҳисобланади. Хитой манбаларида ҳозирги Тошкент ўрнидаги шаҳар Ши номи билан тилга олинади. Манбалардан маълумки, бу мулк келиб чиқиши маҳаллий қабилалардан бўлган зодагонлар томонидан бошқарилган.

Ши даставвал Қанғ таркибига кирган бўлиб, III–VI асрнинг бошларида бу давлат кичик мулкларга бўлиниб кетгач, Ши-Чоч унча катта бўлмаган мустақил давлатга айланади. Аммо орадан кўп ўтмасдан Ўрта Осиё ҳудудларида улкан давлатга асос солган эфталитлар томонидан босиб олинади.

Чоч воҳасининг қадимги ажралмас қисми Оҳангарон водийсидаги Илоқ эди. Мустақил сиёсий уюшма сифатида Илоқ илк ўрта асрлар, яъни VII асрга оид манбаларда эслатилади. 630 йилда Чоч орқали ўтган Хитойлик миссионер-будда дини тарғиботчиси Сюан-Цзяннинг маълумот беришича, Илоқда “ўз ҳарбий гуруҳларига эга бўлган зодагонлар вакиллари кўп, улар ўзаро урушлар олиб борадилар ва асосан Турк хоқонига бўйсундилар”(11). Афтидан, айнан мана шу даврдан бошлаб, Илоқдаги “ҳукмрон деҳқон”ларнинг салоҳияти иқтисодий ҳаётда, биринчи галда, олтин ва қумуш конларига сафарбар этилади. Илк ўрта асрлар Оҳангарон водийсида тоғ-кон ишларининг жадал ривожланиши шаҳарсозлик маданиятига ҳам таъсир этди. Таъкидлаш лозимки, тоғ-кон ишларининг ривожини Араб халифалиги учун ҳам муҳим эди. Чунки араблар Мовароуннахрни босиб олгач, VIII асрдаёқ мулклардан марказий ҳокимият фойдасига махсус солиқлар жорий этилган. Қизиғи шундаки, ушбу мулклар орасида Чоч-Илоқ ва унинг қумуш конлари алоҳида солиқ тўловчи мулк сифатида ажратилган. Маълумотларга кўра, Чоч мулки 180 минг дирҳам солиқ тўлаган бўлса, унинг конлари уч марта ортиқча, 607 минг дирҳамгача солиқ тўлаган (12).

Асосий конлар Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, улардаги қазилмалар Илоқ тоғ-кон хунармандчилигининг асосини ташкил этган.

IX–X асрларга оид араб географларининг асарларида Илоқнинг Чочдан мустақил сиёсий вилоят бўлганлиги нисбатан аниқроқ кузатилади. Аммо ҳар иккала вилоят ушбу манбаларда биргаликда, ягона тарихий-маданий ва сиёсий уюшма сифатида эслатилади. Булар орасида X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик араб географларидан бири

Истахрийнинг маълумотлари айниқса диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, Мовароуннахрда Чоч ва Илоқ вилоятлари мавжуд бўлиб, ҳар иккала вилоятнинг ҳудуди 2–3 кунлик йўл ва “... бутун Мовароуннахрда аҳоли сонига кўра бу вилоятларга тенг келадиган вилоят йўк”. Истахрий асарининг араб тилидаги матнида берилишича, “бу вилоятларда қишлоқлар, ўзлаштирилган ерлар ва жомеъ масжидлари (арабларда масжидлар шаҳарларнинг асосий белгилари ҳисобланган –Х. А.) жуда кўп ва улар текисликда жойлашмаган, яйловлари ва чорвалари ҳам жуда кўп. Чочда (арабчада – Шош) ва Илоқда дарвозалари, деворлари, работлари ва қалъалари бўлган шаҳарлар кўп, каналлар шаҳарлар ичидан оқиб ўтади” (13).

Истахрий ўз асарида ҳар иккала вилоятнинг умумий чегараларини бериб, барча шаҳарларни санаб ўтади ва Туркистонда Шошдан катта вилоят йўқлигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, “Шош ва Илоқ қўшилган бўлиб, улар ўртасида ҳеч қандай бўлиниш йўқ. Қурилишлар, боғлар, бўстонлар Илоқдан то Чоч воҳасигача (форс матнида) узлуксиз чўзилиб боради. Илоқда олтин ва кумуш конлари жойлашган” (14).

Орадан ярим аср ўтгач, бу минтақани яхши билган яна бир араб географи Абулқосим ибн Ҳавқал Истахрий маълумотларини деярли тўлиқ такрорлайди. Чоч ва Илоқ ҳақида гапирар экан, Ибн Ҳавқал бу вилоятларда бой шаҳарлар кўплигини таъкидлайди (15).

Чоч-Илоқнинг шаҳар маданияти ривожини асосан, тоғ-кон металлургияси ишлаб чиқариши билан боғланади. Воҳадаги шаҳарларнинг нисбатан тўлиқ рўйхати ва уларнинг таснифи, шаҳар маданиятининг гуллаб яшнаши X аср географлари томонидан (10 дан 17 тагача шаҳар марказлари) эслатилади (16).

Тадқиқотчилар томонидан айрим шаҳар марказлари Тункет, Абрлиғ, Намудлиғ, Кухисим кабиларни ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилган.

Айрим шаҳарлар тадқиқотчи минтақадаги кон марказлари ҳақида олинган янги маълумотлар натижасида Илоқ шаҳарсозлигини янги асосларда ўрганиш ва уни Чоч-Илоқ урбанизацияси ривожланишидаги ўрнини белгилаш имконини берди.

Хуллас, воҳада илк шаҳарсозлик Сирдарёнинг маданий зонасида шаклланади. Бу сиёсий-иқтисодий ҳамда этномаданий алоқаларда катта аҳамият касб этади. Чирчиқ ва Оҳангароннинг ўрта оқимларида Чоч ва Илоқнинг асоси бўлган шаҳарсозлик маданиятининг жадал ривожланиши хунармандчилик, тоғ-кон соҳасининг ривожини билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Филанович М.И. Ташкент: зарожение и развитие города и городской культуры. – Ташкент, 1983.
2. Страбон. География в 17 книгах // Пер. и коммент. Г. А. Стратановского. – М., 1964. XI. 8.8.
3. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. - VI в. н.э.). – Ташкент, 1940. – С. 23.
4. Дукан Х. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. – Ташкент, 1982.
5. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982.
6. Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории. – Ташкент: Фан, 2001. – С.13.
7. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. – М. – Л., 1950. – С. 184.
8. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. – Ташкент, 1954. – С. 107; Филанович М.И. Зарожение и развитие города и городской культуры Ташкента. – Ташкент, 1983. – С. 35, 174–176.
9. Буряков Ю.Ф. Чач в свете новых письменных и археологических источников // Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2008. – 104 б.
10. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах.... – Т. 2. – С. 184.
11. Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.Р. Археологические памятники Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 49.
12. Давидович Е.А. О загадочных дирхамах Мусейяби и Титрифи. Из истории монетного дела в Средней Азии IX–X вв. // Труды XXV Международного конгресса востоковедов. – М.: Наука, 1960. – С. 90.
13. Давидович Е.А. О загадочных дирхамах Мусейяби и Титрифи. Из истории монетного

дела в Средней Азии IX–X вв. // Труды XXV Международного конгресса востоковедов. – М.: Наука, 1960. – С. 91.

14. Истахри. Китаб масалик ал-мамалик. Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана. – Бишкек, 2002. – С. 24, 33–35.

15. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Вып. – Ташкент, 1957. – С. 22–24.

16. Буряков Ю.Ф. К исторической топографии средневекового Илака // СА. 1972. – № 2. – С. 51–62.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада археологик маълумотлар асосида қадимги Чоч-Илоқ урбанизацияси жараёнлари тарихи ўрганилган. Муаллиф Чоч-Илоқ воҳасидаги шаҳар маданиятини Ўрта Осиё цивилизациясида туган ўрнини кўрсатиб берган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе археологических сведений изучен процесс урбанизации древнего Чача-Илака. Автор показывает роль городской культуры оазиса Чача-Илака в цивилизации Центральной Азии.

SUMMARY

In this article in the basis of archaeological data learnt process of urbanization of antic Chach-Ilaq. After shows the role of urban culture in oasis Chach-Ilaq in civilization of Central Asia.

Наширға проф Б.Эшов тавсия этган

ЮРТ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО ВА КОНФЕССИЯЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Омонова С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва тушунчалар: *Хельсинки, Яқунловчи акт, миллатлараро иноқлик, ижтимоий ҳаётдаги тенглик, конфессиялараро муносабатлар, кўпмиллатлилик, бағрикенглик, миллатлар, миллий манфаатлар.*

Ҳар қандай кўпмиллатли ва кўпконфессияли давлатда, жумладан, ана шундай мамлакатлар сирасига кирувчи бизнинг республикамызда ҳам миллатлараро тотувлик ва динлараро ҳамжиҳатлик жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга мустаҳкам замин яратувчи, унинг истиқболини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир.

Республикамызда миллатлараро тотувликни таъминлаш орқали тинчлик ва ҳамжиҳатликни тобора мустаҳкамлаб бориш ғояси давлатимизнинг устувор ғояси бўлиб келмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзбек миллий сиёсати «Кўпмиллатлилик – Ўзбекистоннинг бойлиги» деган ғояга асосланди. 1991 йилнинг 31 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни кафолатлаши, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қатъиян қарши чиқиши ҳақидаги қоиди ўз аксини топди.

1992 йил 26 февралда Хельсинки Яқунловчи актига имзо чекиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов сўзга чиқиб: «Мен халқ ва ҳукумат номидан: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ички бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий кафолати бўлмиш фуқаролар ва миллатлараро иноқликни, фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини сақлаб қоламиз ва ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, деб айтаман ва бунга қатъий кафолат бераман», – деб таъкидлаган эди.

Шавкат Мирзиёев танланган йўлга содиқлигини билдириб, ўзининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: “Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр оқибат муҳитини кўз

корачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман»[1] – деб таъкидлади.

Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг қафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланмоқда. Дунёнинг баъзи давлатларида миллий-этниқ муносабатлар мураккаблашиб, айрим илғор давлатларда ҳам оз сонли миллат вакилларини камситиш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда, 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 конфессия [2] вакиллари ҳамжиҳатлик, ҳамкорликда ягона оила фарзандларидек иноқ яшаётган Ўзбекистон чиндан ҳам бугун бошқаларга намуна бўлиши, шубҳасиз.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги арафасида, яъни 80-йилларнинг охирида келиб, турли миллат вакиллари ўртасида атайлаб ишончсизлик туғдиришга ва республикада вазиятни издан чиқарувчи кескинликнинг доимий манбаини вужудга келтиришга интилувчи кучларнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида Фарғона вилоятидаги фожиали воқеалар содир бўлди ва республикадаги вазият кескинлашиб, бу барча соҳаларга ўзининг салбий таъсирини ўткази бошлаган эди.

Давлатимиз ижтимоий мураккаб жараёнларни бошидан кечириётган айнан мана шу даврда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг аниқ мавқеи ва сиёсий иродаси туфайли 1980-йиллар охирида Фарғона ва Ўш, 2010 йил Қирғизистоннинг Жалолобод ва Ўш вилоятларида уюштирилган нотинчликлар, этник кескинликлар бартараф этилди. Мамлакатимизда бундай воқеалар содир бўлишининг олди олинди ва халқимиз орасидаги ҳамжиҳатлик ва яқдиллик муҳити учун мустаҳкам асос яратилди.

Миллатни ўткинчи тарихий ҳодиса, кўпмиллатлилиқни салбий ҳолат сифатида баҳолаб, йирик миллатлар замирида янги халқни шакллантириш, фуқаровий мансублиқни улуғлаш, иқтисодий фаровонлиқни таъминлаш орқали этносларни қориштириб юборишга қаратилган ҳаракатлар йўлидаги уринишлар, айрим йирик давлатларнинг парчаланиб кетишига олиб келган. Юқоридаги миллий сиёсат моделларидан фарқли равишда, ўзбек миллий сиёсат моделида уни яратувчилик кудратига эга омил сифатида тан олиш, миллий мансублиқидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётдаги тенг ҳуқуқли иштирокини қафолатлаш тамойилларига амал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу хусусда шундай дейилади: «Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор. Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлиқидан жудо бўлиши шубҳасиз» [3].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай дейди: «Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни янада ривожлантириш, қайси миллат ва эътиқодга мансублиқидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш, уларнинг ўртасида нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди».[4]

Кўп миллатли давлатлар ҳар доим ўз худудида истиқомат қилаётганлар турли халқ ва миллатларнинг ҳамжиҳатлиқидан бевосита манфаатдор бўладилар. Зеро, бу кўп миллатли давлатнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Турли халқлар, миллатларни умумий, муштарак мақсадлар, ғояларгина бирлаштириши мумкин. Шунинг учун юрт тинчлигини таъминлашда фуқароларнинг миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларининг жамият тараққиётини таъминловчи омил сифатида ўрганишга бугунги кунда эҳтиёж катта.

Республикамизнинг барча вилоятлари, туман, шаҳарларининг аҳолиси кўп миллатлидир. Ҳар бир ўзбекистонлик ўзаро ҳамжиҳатлик катта кучга эғалигини яхши билади.

Демак, ана шу ҳамжихатликни, тотувликни таъминловчи муҳим омил сифатида ўрганиш, хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш сўзсиз долзарб аҳамиятга эга. Шу билан бирга, миллатлар ўртасида турли низоларни келтириб чиқаришга уринишларнинг тўхтамаётганлигини ҳам унутиб бўлмайди.

Маълумки, тарихда фуқароларнинг миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлари масаласи ҳамда тарихи ўз мазмуни, моҳияти, илмий-амалий аҳамиятига кўра умуминсоний ва бутун дунё микёсидаги энг долзарб масала бўлиб келган. Шунинг учун ҳам 1995 йил 16 ноябрь куни Парижда ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 28 сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” қабул қилиниши катта умуминсоний тарихий воқелик бўлиши билан бирга бу соҳадаги тадқиқот ишларининг методологик асоси бўлиб қолди.

Дин билан дунёвий ҳаёт, дин билан илм-фан ўртасида мўътадил муносабат бўлиши керак. Буни биринчидан, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” деган таълимоти, иккинчидан эса Ислом Каримовнинг қуйидаги ўта муҳим фалсафий-методологик фикрлари исботлаб турибди: “Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак”. [5]

Юртимизда ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар тарихан ёнма-ён яшаб келган, бу динларга маълум халқларнинг ўз диний амалларини эркин бажаришлари учун етарлича шароитлар яратилган.

Жумладан, биргина Кушон империясида, айниқса, Канишка даврида динларнинг ривожи учун кенг имкониятлар яратиб берилганлиги диний бағрикенгликка эркин мисолдир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизни таҳлил этиш мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ўзбек миллий сиёсат моделининг нақадар тўғри эканини ва бу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М.. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курагимиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Адолат” газетаси. 2016 йил, 16 декабр. – № 53 (1117). – Б. 2.

2. Ўша манба.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008, – Б. 51–52.

4. Мирзиёев Ш.М.. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курагимиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Адолат” газетаси. 2016 йил, 16 декабр. – № 53 (1117). – Б. 2.

5. “Фидокор” газетаси, 2000 йил 8 июнь.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланган. Шунингдек, мазкур масала юзасидан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, мавзунини ўрганишнинг долзарблиги асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена вопросам межнациональных отношений в Узбекистане в годы Независимости, а также отношению к этой проблеме первого президента Узбекистана И.А.Каримова.

SUMMARY

This article devoted to relation with different nations in Uzbekistan. In this article described our 1-st President's ideas, clues and how important to learn it.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИ (ФИЛОГЕНЕЗИК ТАҲЛИЛ)

Бердикулов С.Н. (ЎзР ИИВ А)

Таянч сўз ва иборалар: *сиёсий партия, кўппартиявийлик тизими, жадиждчилик ҳаракатлари, жамиятлар, сиёсий ташкилотлар, демократия, маъмурий-буйруқбозлик тузуми*

Жаҳонда сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи узоқ ва мураккаб жараёнларни қамраб олади. Чунончи, шаклан замонавий моҳиятга эга партиялар Европада буржуа инқилобларидан сўнг вужудга кела бошлаган бўлса-да, мазмунан партияга оид бирлашмалар, гуруҳлар, уюшмалар инсоният тарихининг қадимги даврларида пайдо бўлганлиги маълум.

Жумладан, қадимги Юнонистонда вужудга келган дастлабки «партиявий гуруҳлар» ҳозирги партияларга хос хусусиятлардан фарқ қилган. Улар муайян ҳудуд ёки минтақа аҳолисининг манфаат, эҳтиёж, хохиш-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилган. Юнон файласуфи Арасту милоддан аввалги VI асрда қадимги Афинадаги олигархларнинг турли ҳаракатлар (ҳозирги сиёсий партияларга ўхшаш) орқали ҳокимиятни эгаллашлари, талончиларга қарши курашлари ҳақида фикр билдирган [2:539]. Ёки айрим манбаларда эрамиздан аввалги VI асрда Атикада паралийлар, диакрийлар ва бошқа «партиялар» бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [9:14].

Қадимги Афинада ташкил этилган бошқа баъзи гуруҳлар (гетерийлар – юнонча *hetaireia* – дўстлик, ҳамкорлик)ни ҳам ўз даврининг «партиялари» деса бўлади. Маълумки, қадимги Юнонистонда доимий ва легитим (қонуний) фаолият юритадиган партиялар бўлмай, халфана тарзида ташкил этилган зиёфатларга доимий йиғилиб турган дўстлик тўғарақлари, ёшлигидан таниш ва бир-бирига ишонадиган эркаклар жамиятлари бўлган. Уларда дўстона суҳбатлар сиёсий мавзуларни ҳам қамраб олган. Мана шундай дўстлик тўғарақлари гетерийлар деб аталган. Айнан гетерийларда кўпинча сиёсий фитналар пиширилган, улар оппозициядаги ташкилотлар марказида турган [6:43].

Қадимги даврдаги «партиявий гуруҳлар»га хос белгиларни ифодалаган, уларга нисбатан мукамалроқ уюшмалар ўрта асрларда янада кўпайган. Масалан, бундай уюшмаларга Францияда Генерал Штатларнинг шаклланишида қатнашган турли табақаларни, Англияда «Оқ атиргуллар» ва «Қизил атиргуллар»ни, Йорклар ва Ланкастерларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ўрта асрларда шаклланган баъзи бир уюшмалар, кейинчалик замонавий кўринишдаги оммавий партияларга айланган. Хусусан, Англияда вигилар ва торилар партияси, Италияда гвельфлар ва гебеллинлар партияси ҳам шундай уюшмалардан бўлган [8:16–19]. Буржуа инқилоблари (XVII–XVIII асрлар) даврида вужудга келган «партиялар» сиёсий уюшма сифатида мустақил сиёсат юритмаган, балки улар диний, табақавий, уруғ-оилавий жамоалар таъсири остида қолган. Англияда 1831 йилда консерваторлар томонидан Чарльтон клуб (Carlton club) ва 1836 йилда либераллар томонидан Реформ клуб (Reform club) тузилади. Англияда клубларнинг вужудга келиши XVII асрга тўғри келса-да, ушбу клублар расмий равишда партиявий фаолият олиб бордилар [13:84–85].

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими яқин янги тарихда, яъни мустақилликка эришилгандан сўнггина пайдо бўлгани йўқ. Бу тарихий-сиёсий жараённи Ўзбекистон халқининг сиёсий онги ва маданиятлиги даражаси билан боғлаш мумкин. Маълумки, «...партияларнинг ўтмишдошлари ҳам гоҳ дунёвий, гоҳ диний шаклларда дастлаб Марказий Осиёда қарор топгани ҳам тарихдан аён» [8:90]. XX аср бош-

ларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг фаолияти кучайди. Ушбу ҳаракатларнинг фаолият юритиши учун сиёсий дастур зарур эди. «Марказий Осиёда сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёни 1905–1907 йиллардаги инқилобдан сўнг жаидларнинг ижтимоий ва маърифий-маданий ҳаракатлари асосида бошланди» [15:276]. Жумладан, бу даврда Туркистон тараққийпарвар жаидлари илк миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотларига асос солдилар. Бу вақтда «ёш сартлар партияси ҳали вужудга келмаган, шаклланмаган бўлса-да, айна вақтда ушбу йўналишда иш олиб борилмоқда эди» [17, И-1. р.31. й.ж. 540. 23 в.]. Жаидлар томонидан «Тарбия-йи атфол», «Падаркуш», «Умид», «Нашри-маориф», «Баракат», «Ғайрат», «Тараққийпарвар» каби жамият ва ташкилотлари тузилади.

Жаидлар сиёсий қарашларининг шаклланишига Мунавварқори Абдурашидхоннинг миллатларнинг маънавий ва иқтисодий тараққиётига икки таянч керак: биринчиси мактаб, иккинчиси жамиятдир [10:151], деган фикри, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг жамият ва миллатнинг равнақи учун иттифоқлар тузиш, жамиятлар ташкил қилиш лозимлиги ёки Россияда ўша вақтдаги мавжуд партиялар [5:147–151, 161, 208] ҳақидаги фикрлари жиддий таъсир кўрсатган.

Илк маротаба Туркистонда тузилган миллий ташкилотлар ўзининг етарли даражада мукамал дастурларига эга эмас эди, бундан ташқари, уларнинг аъзоларида профессионализм ва сиёсий малака етишмасди. 1913 йил охирларида Қўқонда «Ғайрат» жамияти тузилади [4:41]. Бу ташкилотнинг «Туркистон ўлкаси» номли газетаси нашр қилинган. Ушбу ташкилотнинг раҳбари ҳамда «Туркистон ўлкаси» газетасининг муҳаррири Шоислом Шоаҳмедов бўлиб, у миллий газета ва журналларни чиқаришни мўлжаллаган эди. Бундан тушган маблағ Туркияда ислом динини қўллаб-қувватлайдиган кучларга сарфланган [17, И-461. р.1. й.ж.2115. 91 в.]. Шуни таъкидлаш лозимки, «Ғайрат» жамияти Туркиядаги партиялар билан узвий алоқани амалга оширган.

Биринчи ўзбек адвокати Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев раҳбарлигида «Тараққийпарвар» партияси тузилади ва унинг «Садои Туркистон» газетаси нашр этилади. Манбаларда келтирилишича, 1915–1916 йилларда Фарғона водийсининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида «Падаркуш» ва «Тараққийпарвар» партиялари фаол роль ўйнаган. Бу жараёнда айниқса, «Садои Туркистон» газетасининг муҳаррири А.А.Чайкин, У.Асадуллахўжаев, муҳбири И.Я.Шапиронинг ўрни жуда катта бўлган [17, И-461. р.1. й.ж.2023. 10-в.]. «Охранка» агентлари «Тараққийпарвар» партияси аъзоларининг жамиятда тутган ўрнини ўзларининг газетада бераётган маълумотлари орқали аҳолини доводиратиб, Россиянинг кучсизлиги ҳақидаги турли миш-мишларни тарқатиб, унинг таркибидан чиқиб кетиб, мустақил давлатчилик» [17, И-461. р.1. й.ж.1968. 31-в.] ка эга бўлишга интилиш деб баҳолайди. Шундан сўнг Туркистондаги айрим партияларнинг раҳбарларига нисбатан турли жазо чоралари қўлланилган. Хусусан, 1917 йилнинг бошида Туркистон генерал-губернаторининг «Падаркуш» ва «Тараққийпарвар» партиялари раҳбарларидан бири У.Хўжаевнинг Тошкент ва Андижон шаҳарларида яшашини тақиқлаган фармойиши чиққан [17, И-461. р.1. й.ж.2023. 70-в.].

1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкилоти тузилади [18:24; 3:36]. «Шўрои Исломия» Туркистон сиёсий саҳнасида мусулмон аҳолисининг манфаатларини кўзловчи ташкилот сифатида пайдо бўлди. Бу мақсад ташкилотнинг дастурий низомида, ҳокимият учун курашларида, ўз сафларини кенгайтиришга бўлган интилишлари ва бошқа ҳолатларда намоён бўлди. «Шўрои Исломия» ташкилоти ўз олдида Туркистон мусулмонлари ўртасида замонавий тараққий этган ижтимоий-сиёсий ва илмий қарашларни тарғиб қилиш; умумий мақсад йўлида барча мусулмонларни бирлаштириш; Таъсис мажлисига тайёрланиш; барча шаҳар, қишлоқ ва овулларда митинг ва намойишлар ўтказиш, илмий-оммабоп маърузалар ва сиёсий ахборотлар ўқиш; эски вакиллик органини янгисига алмаштиришда аҳолига ёрдам кўрсатиш; миллий низоларга қарши курашиш; ўлканинг

барча халқлари билан алоқани ўрнатиш ҳамда уларга мусулмонларнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида маълумотни етказиш [12; 18:24] каби вазифаларни қўйган эди. Бу ташкилотнинг етакчилари М. Абдурашидхонов, Абдувоҳид қори, М. Мўминбоев, У.Асадуллаҳўжаев кабилар эдилар. Мустафо Чўқай ўғли фикрича, «Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида «Шўрои Исломия» янги давр амри билан турмуш талаблари ва юртимизнинг ёт истило асоратларидан вужудга келган шароитни кўзда тутиб, ислохот режасини ўртага ташлаган эди. Туркия, Афғонистон, Миср ва бошқа араб ўлкалари каби хур, мустақил ва ярим мустақил ислом мамлакатларида кечирилаётган тажрибалар миллий ҳаракатимизнинг қайси йўл ва истиқоматда бориши лозимлигини очик кўрсатмоқда эди» [3:39; 11:28]. Туркистоннинг деярли катта шаҳарларида «Шўрои Исломия»нинг қуйи ташкилотлари ҳам тузилган эди. 1917 йилнинг 16–21 апрель кунлари «Шўрои Исломия»нинг I қурултойи очилади [3:38; 18:31; 8:96]. Қурултойда «Шўрои Исломия» жамиятининг дастурини ишлаб чиқиш кун тартибидаги энг муҳим масала сифатида қўйилган. Дастур тўрт қисмдан иборат бўлиши, биринчи қисмида ташкилотнинг мақсади, иккинчи қисмида эса аъзолик, учинчи қисмида молиявий ҳолати, тўртинчи қисмида хизмат вазифалари белгиланиши таъкидланган.

«Шўрои Исломия»нинг низомига мувофиқ, унинг таркибига деҳқон ва хизматчилар ҳам аъзо бўлиб кирган эдилар. Ташкилот фаоллари маҳаллий аҳоли орасида оммавий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. «Улуғ Туркистон» газетасида, Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкил этилган илк кунларида аъзоларининг сони 100 нафардан ортиб кетганлиги, улар орасида турли миллат вакилларининг борлиги ҳақида хабар берилган [16, 1917. 25.04].

1917 йил июнь ойида «Шўрои Исломия»дан «Шўрои Уламо» ташкилоти ажралиб чиқади. Айниқса, бу ташкилотнинг тарафдорлари сони Тошкентда жуда кўпчиликни ташкил этарди. Ташкилотнинг дастури ва низоми июль ойининг бошларида тасдиқланди. Серали Лапин ташкилот дастури ва низомининг энг асосий муаллифи эди. Серали Лапин ва «Шўрои Уламо» ташкилоти вакиллари ғояларида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса-да, улар ўз даврида Туркистондаги миллий ҳаракатлар лидери ва йирик сиёсий фигуралардан бири ҳисобланарди.

Туркистон партияларининг шаклланишида Россия партиялари ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бу даврда Туркистон аҳолиснинг илғор зиёлилари тафаккури уйғонган, мамлакатни ислоҳ қилиш истаги кучайган эди. Бундан ташқари, Туркистоннинг кўп миллатли аҳолисининг таркиби партияларнинг турли-туманлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланган [15:10]. Шу сабабли ҳам бу ерда маҳаллий партиялар билан бир қаторда социал-демократлар, социал-революционерлар, монархистлар, конституцион-демократлар, Алаш Ўрда, арманларнинг Дашнакцутюн, яхудийларнинг БУНД каби партия-лари фаолият кўрсатган. Ўз навбатида, бу партиялар Туркистонда ижтимоий ҳаракат ва ташкилотларнинг сиёсийлашган ҳаракат ва партия даражасига кўтарилишига маълум даражада таъсир кўрсатган деган фикрга келиш имконини беради.

Бу пайтда Туркистон ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеа Туркистон федералистлар (Турк адами марказият фирқаси) илк мусулмон партиясининг тузилиши эди. 1917 йил 12–14 июлда Скобелев (ҳозирги Фарғона)да партиянинг дастури тасдиқланди [3:103; 18:34]. Партиянинг дастури Озарбайжондаги «Мусават» федералистлар партиясининг дастуридаги ғояларга ўхшаш бўлган. Унда Туркистонда ва Россиянинг бошқа туркийзабон минтақаларида миллий мухторият тузиш асосий сиёсий мақсад эканлиги баён этилган. Бундан ташқари, партия дастурида фуқаро ҳуқуқлари, иқтисодий ҳаёт, ер, ишчилар ҳуқуқи, таълим олиш, суд-ҳуқуқ масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган [3, Б.103-106; 18, Б.34-37]. «Турк эли» газетаси партиянинг нашри бўлган.

1917 йил сентябрь ойида Туркистонда ишчи ва солдатларнинг митинги бўлиб ўтади. Ушбу митинг РСДРП (б) IV съездининг қарори қабул қилинади [1:41]. Бу қарор

ўлкадаги мавжуд сиёсий ташкилот ва ҳаракатларнинг танкидига учради. Бунинг натижа-сида 1917 йилнинг 17–20 сентябрь кунлари Туркистон ва козоқ мусулмонларидан иборат 500 нафардан ортиқ делегатларнинг съезди бўлиб ўтди. Съездда «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» ва бошқа ташкилотларни бирлаштириш йўли билан «Иттифоки муслимин» сиёсий партиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди [3:115-117; 18:39].

Бу пайтда нафақат Тошкент, Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларда, балки Бухоро ва Хивада ҳам сиёсий фаоллиги кучайган ташкилот ҳамда партиялар вужудга келди. XX аср бошларида Бухорода жадидларнинг ҳаракати билан «Ёш фикрлилар» ташкилоти тузилади. Бу ташкилот раҳбарларидан бири Файзулла Хўжаев партия ривожига катта ҳисса қўшди. Хива хонлигида ҳам шу пайтда «Ёш хиваликлар» ташкилоти тузилади. Ушбу ташкилотга Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобохон Салимов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов кабилар йўлбошчилик қилдилар. «1917 йил 5 апрелда «Ёш хиваликлар» иштирокида 50 кишидан иборат Олий Мажлис» [8:97] тузилади. Ушбу ташкилот «1904–1905 йилларда ҳамфикр, 1910 йил бошларида манфаатлар гуруҳи (сиёсий партия) сифатида шаклланган. Амалдорлар, маърифатли бойлар, миллий буржуазия, зиёлилардан иборат бўлган ёш хиваликлар 1917 йилда Хива хонига муҳолифатда бўлган бўлса, 1918 йил майда эса расмий партия сифатида ташкил топди» [14:26]. Демак, фикримизнинг исботи сифатида шу даврда нафақат ҳозирги Ўзбекистон муайян ҳудудларида, балки барча минтақаларида халқнинг сиёсий фаоллигини оширишга интилувчи куч ва ҳаракат (партия)лар вужудга келганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Туркистондаги фаол сиёсий ҳаракатлар натижасида жадид тараққийпарварлар партияси ва «Эрк» социалистик партияси тузилиб, улар халқнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини оширишга, мустақилликни қўлга киритишга қаратилган жуда кўплаб тадбирларни амалга оширади. «Эрк» партияси 9 банддан, жадид партияси 19 банддан иборат дастурига эга эди, ҳар икки партиянинг дастурида ҳам демократик жараёнлар билан боғлиқ бўлган — мустақил давлатчилик, уни идора этиш усули, шахс ҳуқуқи, иқтисодий эркинлик, дин ва маориф ишлари, ички ва ҳарбий сиёсат ҳамда бошқа ташкилий масалалар ўз аксини топган эди [4:110-113; 8:99-102]. Шубҳасиз, ушбу дастурларда ўз даврининг илғор ғоялари баён этилган, мафкуравий жиҳатдан жадидлар партияси либерал, «Эрк»чилар социалистик йўналишни танлаганлиги кўриниб турарди.

Кейинчалик (1922 йил июлда) Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси («Туркистон Миллий бирлиги» жамияти) тузилади [4:114-115]. Ушбу жамият етти моддадан иборат дастурини қабул қилади. Дастурда мамлакат мустақиллиги, идора усули, иқтисодиёт, маориф, дин, кўшин ва табиий ресурслардан фойдаланиш каби масалалар ўз аксини топган эди.

Умуман олганда, XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир қанча жамият, ташкилот, ҳаракат ва партиялар вужудга кела бошлади. Бизнинг фикримизча, қуйидаги ҳолатлар Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган партиялар тарихини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади: *биринчидан*, Туркистон аҳолиси орасида ишчилар салмоғи жуда камчиликни ташкил этган. У ҳам бўлса, асосан, шаҳарлар ёки темир йўл ёқалаб жойлашган аҳоли манзилгоҳларида жойлашган; *иккинчидан*, шаҳарнинг ўрта қатлами – зиёлилар, мансабдор шахслар, мулкдорлар, хунармандлар – сиёсий ҳаётда роль ўйнаган; *учинчидан*, дин ва сиёсат бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этилмаган. Диндорлар сиёсий майдонда, аҳоли орасида катта таъсир кучига эга бўлган; *тўртинчидан*, деҳқонлар мамлакат сиёсий ҳаётига тобора кенгроқ тортила бошлаган; *бешинчидан*, Туркистон сиёсий партияларининг шаклланиши ва ривожланишида ташқи омил, кучлар ўз таъсирини ўтказган.

1920 йилдан сўнг большевиклар партияси Туркистонда демократиянинг муҳим унсурларидан бири бўлган кўппартиявийлик тизимига барҳам бериб, яккапартиявийлик ва пролетар диктатурасини ўрнатди. Аммо 1985 йилда собиқ Иттифоқ ҳудудида «қайта

қуриш», «ошкоралик», «демократия» шиорлари остида бошланган жараёнлар Ўзбекистонга ҳам таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян ўзгаришлар юз бера бошлади. Республикада коммунистик партия билан бир қаторда жамоат ташкилотлари – оммавий ҳаракатлар, сиёсий партиялар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тарзда вужудга келиб, тегишли давлат органлари томонидан рўйхатдан ўта бошлади. Аммо ҳаракат дастур ва низомларида белгиланган мақсадлар тор доира манфаатларини кўзлаганлиги, буйруқбозлик тузумини қўллаб-қувватлаганлиги учун ҳам халқ ичида танилмади, халқни ўз ортидан эргаштира олмади. 1991 йилда Ўзбекистон мустақиллик эришгандан сўнг, маъмурий-буйруқбозлик тизимига, яқка (коммунистик) партия ҳукмронлигига узил-кесил нукта қўйилди.

Ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кўппартиявийлик тизими қарор топган. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими вужудга келиши ва ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Республикада партиялар фаолият юритиши, улар ўртасидаги конструктив муҳолифат, соғлом рақобат юзага келиши учун ҳуқуқий асослар мавжуд. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда электорати манфаатини рўёбга чиқаришда амалий ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 41.
2. Аристотель. Сочинения: В 4-х томах. Т.4. – М., Мысль, 1983. – С. 539.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 38; 39; 103; 103-106; 115–117.
4. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинггани бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 41; 110–113; 114–115.
5. Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 147–151.
6. Исаев Б.А. Теория партий и партийных систем: Учеб. пособие для студентов вузов /Б.А. Исаев. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 43.
7. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараккиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. –Б.74.
8. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.16–19; 90; 96; 97; 99–102; 116.
9. Мавлянова С.Н. Многопартийность – несущая конструкция политического плюрализма в Арабской Республике Египет и Республике Узбекистан: Автореф. дис... канд. полит. наук. – Ташкент: ТГИВ, 2004. – С.14.
10. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б.151.
11. Мустафо Чўкай ўғли. Истиқлол жаллодлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёти ва санъат нашриёти 1992. – Б.28.
12. Нажот. – 1917. – 28 апрел.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.24.
13. Острогорский М.Я. Демократия и политические партии. – М.: Российская политическая энциклопедия, 1997. – С. 84–85.
14. Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йиллар): Тарих фан. номз. олиш учун дисс. ... автореф. – Тошкент, 2005. –Б.26.
15. Политические партии России: история и современность /Под ред. проф. А. И. Зевелева, проф. Ю. П. Свириденко, проф. В. В. Шелохаева. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2000. – С. 10; 276.
16. “Улуғ Туркистон” газетаси. 1917йил 25 апрель
17. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. И-461. р.1. й.ж.1260. 51-53 в.
18. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 24; 31; 34; 34-37; 39.
19. «Эрк» демократик партиясининг низоми ва дастури. – Тошкент, 1991. – Б. 15. // Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент: Шарқ, 1998. Б.117.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещены вопросы становления и развития многопартийной системы в Узбекистане.

SUMMARY

This article deals with the problems of formation and development of multiparty system in Uzbekistan.

Наширға фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ: ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ

Худойбердиев Д. (ҚарДУ)

Асосий тушунчалар: *истеъмолчилик, истеъмолчилик психологияси, истеъмолчилик психологияси шаклланиши жараёни.*

Кейинги йилларда янги аср кишиси дунёқарашида истеъмолчилик психологиясининг илдиз отаётгани тез-тез эътироф этилаётир. Шу муносабат билан Ватанимиз келажакга бўлган ёшларимиз дунёқарашини ушбу иллатдан муҳофаза қилиш масаласи устида ҳам бош қотиришга зарурият туғилмоқда. Бунинг учун эса, энг аввало, истеъмолчилик кайфиятининг вужудга келиши тарихига бир назар ташлаш зарур бўлади.

Истеъмолчилик психологияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб цивилизацияси негизида вужудга келиб, унинг турли тенденцияларига мос ҳолда ўзгариб борди. Ижтимоий системадаги у ёки бу тенденция кишиларнинг руҳиятига, хусусан, уларнинг маҳсулотларни истеъмол қилишга бўлган мойиллигига ҳам таъсир ўтказди. Оқибатда истеъмолчилик психологияси турли даврларда турли характерга ва функционал хусусиятларга эга бўлди. Унинг ижтимоий аҳамияти ва қўлланилиши кўлами ҳам айнан ижтимоий системадаги тенденцияларга мутаносиб равишда ўзгара борди. Ушбу асосга таяниб таҳлил қилсак, истеъмолчилик психологияси уч босқичда шаклланганини кўрамиз: а) XIX асрнинг иккинчи ярмидан иккинчи жаҳон уруши бошлангунигача қадар бўлган давр; б) иккинчи жаҳон уруши тугаган пайтдан бошлаб ўтган асрнинг 70-йилларигача бўлган давр; в) XX асрнинг 70-йилларидан кейинги давр. Ушбу даврлардаги ижтимоий тенденцияларнинг истеъмолчилик психологиясининг шаклланиши жараёнига таъсирини батафсил таҳлил қилсак.

Омма учун мўлжалланган маҳсулотлар XIX асрга қадар ҳам бўлган, албатта. Бирок айнан XIX асрга келибгина бу неъматлар системавий аҳамият касб эта бошлади. Бунга, биринчи навбатда, фан ва техниканинг шу даврдаги мислсиз тараққиёти замин ҳозирлади. 1844 йилда Сэмюэл Ф.Б. Морзе электр телеграфини такомиллаштирди, Александр Грехэм Белл эса 1876 йилда телефонни кашф этди. Бу кашфиётлар алоқа сифатининг тубдан яхшиланишига олиб келди. Шундан кейинги ярим аср мобайнида, масалан, АҚШда 16 миллион телефон аппарати ишлаб чиқарилди. 1867 йилда ёзув машинкаси, 1888 йилда арифмометр, 1897 йилда касса аппаратлари кашф қилинди.¹ Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабелликни ошириш, маҳсулотдан келадиган даромадни кўпайтиришга алоҳида эътибор берган корхона эгалари бу кашфиётлардан бажонидил фойдалана бошладилар.

Бунинг устига, янги кашфиётлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини англаб етган мулк эгалари фан ва техника тараққиётига миллионлаб доллар маблағларни

¹ Қаранг: Краткая история США. /Перевод Б.М. Шпотова. - М., ППП (Проза. Поэзия. Публицистика), 1993.- С.56.

сарфлай бошладилар. Бу, бир томондан, истеъмол маҳсулотларини оммавий ишлаб чиқариш имконини берган бўлса, иккинчи томондан, фуқароларнинг иш ҳақини оширди ва харид қилиш имкониятларини кенгайтди. Натижада шу пайтга қадар санокли кишиларгина фойдалана олган маҳсулотлар кундалик истеъмол маҳсулотларига айланди. Масалан, 1920-йилларга келиб ўртача иш ҳақи йилига 1236 доллар бўлган бир шароитда бир дона эркаклар костюми 15,85 доллар турадиган бўлди.² Г. Форд заводларидаги линиялар минглаб автомобилларни ишлаб чиқара бошлади. 1909 йилда тайёрланган илк “Т” модели 900 доллар турган бўлса, ишлаб чиқариш технологияларининг муттасил такомиллашиб боргани туфайли 1916 йилга келиб бир дона автомобиль нархи 345 долларга тушди. Натижада илк бор оила йиллик даромадининг 10-20 фоизига харид қилса бўладиган маҳсулот оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланди.³ 1923 йилга келиб, “Форд” автомобили харид қилишнинг ҳафталик режаси” эълон қилинди. Унга кўра, ҳар бир талабгор ҳафтасига 5 доллардан тўлаб борар, зарурий маблағ тўланганидан сўнг автомобиль харид қиларди. Ушбу режа шарофати билан 131 минг киши шахсий автомобиль эгасига айландилар.⁴

Бундай жараёнлар оқибати ўлароқ оммага мўлжалланган маҳсулотларнинг бутун бошли бозори юзага келди. Илк супермаркетлар ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб бу маҳсулотларни кенг оммага фаол тарқата бошладилар. Масалан, Сан-Францискода 1923 йилда очилган супермаркет (супермаркет деганда йиллик маҳсулот айланиши 1 миллион долларни ташкил этадиган дўкон тушуниларди) 68 квадрат футлик савдо майдонига жойлашганди. Супермаркет озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тамаки маҳсулотлари, ичимликлар билан савдо қилар, унинг майдонида сартарошхона, косметика салони, кийимларни кимё ёрдамида тозалаш пункти, кир ювиш пунктини ўз ичига оларди. 1937 йилга келиб, бу дўконда соатига 51 минг фунт шакар, йилига 200 тонна лимон, 250 тонна апельсин, 300 тонна олма сотарди.⁵

Айни пайтда Ғарбий Европа ва АҚШда кишиларнинг гедонистик интилишларини, истеъмолчилик кайфиятини оқловчи, улуғловчи таълимотлар ҳам ривожлана борди. Аниқ мақсадга бўйсундирилган фаолиятни ҳаётий стратегияга айлантириш, акли муваффақиятга эришиш тактикасини рўёбга чиқарувчи кадрият сифатида баҳолаш, борлиқ асосларини аниқлашга эмас, муаммовий ҳолатни бартараф этиш ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш имконини берадиган услубларни излаб топишга интилиш, ҳақиқатни маълум манфаатга бўйсунадиган нисбий тушунча деб билиш, шахс ижтимоий мақомини яхшилашга хизмат қиладиган оқилона этикадан фойдаланиш, шахс эҳтиёж ва манфаатларини бирламчи кадрият деб билиш – инструментализм, операционализм, прагматизм, позитивизм (кейинчалик неопозитивизм, постпозитивизм) каби таълимотларнинг ушбу принциплари инсоннинг оламга истеъмолчилик муносабатини асослаб берди, истеъмолчилик кайфиятининг кенг илдиз отишига пойдевор яратди.⁶ АҚШда эса прагматизм ва позитивизм таълимотлари кишиларнинг дунёқарашини, эҳтиёж ва манфаатлари характерини шакллантирувчи асосий манбага айланди. Бу ҳодисанинг аристократик маданиятнинг изи ҳам сақлаб қолинмаган мамлакатда содир бўлиши қонуний ҳол эди.⁷ Ушбу таълимотлар шарофати билан истеъмолчилик кайфиятининг кучайиши турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни ошириб бораверди, эҳтиёжнинг ошиши оммавий маданият артефактларини ишлаб чиқаришни ҳам кенгайтираверди.

Истеъмолчилик психологияси шаклланишининг иккинчи босқичи АҚШ ва Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушидан сўнг содир бўлган иқтисодий ўсиш билан боғлиқ. Хусусан, АҚШда иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашишига уч асосий омил пойде-

² Қаранг: The Roaring Twenties// American Cultural History// <http://kclibrary.nhmccd.edu>.

³ Қаранг: Бурстин Д. Американцы: демократический опыт.- М.: Прогресс, 1993.- С. 560.

⁴ Қаранг: ўша ерда.- 562-б.

⁵ Қаранг: Бурстин Д. Американцы: демократический опыт.- М.: Прогресс, 1993.- С. 570.

⁶ Қаранг: Костина А. Массовая культура как феномен постиндустриального общества.- М.:Изд. ЛКИ, 2011.- С. 89-90.

⁷ Қаранг: Конен В. Третий пласт. Новые массовые жанры в музыке XX века.- М.: Музыка, 1994.- С. 51.

вор яратди. Биринчидан, урушдан кейинги йилларда мамлакатда автосаноат жадал ривожланди. 1946 йилдан 1955 йилга қадар автомобиль ишлаб чиқариш 4 баробарга кўпайди. Конгресс қарори билан автомобиль йўллари қуришга 26 миллиард доллар маблағ ажратилди.⁸ Иккинчидан, маҳсулотларни кредитга олиш имкониятлари юзага келди. 1960-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШ оилаларининг ярми автомобиль ва техника воситаларини кредитга олишга одатландилар.⁹ Учинчидан, харидорларга турли маҳсулот ва хизматлар таклиф қилувчи савдо марказлари кўпайди. Урушдан кейин бундай марказлар атиги 8 та бўлган бўлса, 1960 йилга келиб 3480 тага етди.¹⁰ Ушбу омиллар таъсирида 1950 йилда мамлакат ялпи миллий маҳсулоти 300 миллиардга, 1960 йилда 500 миллиардга етди.¹¹

Ғарбий Европа мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш нисбатан бошқача кечди. Уруш оқибатлари, жумладан мамлакатлар ҳудудининг вайрон бўлгани, sanoatнинг издан чиқиб кетгани, меҳнат ресурслари танқислиги ва бошқа сабаблар бу мамлакатлар иқтисодиёти-ни мустақил тиклаш ва ривожлантириш имкониятларини чеклаб қўйган эди. Шу боисдан АҚШ ҳукмрон доиралари бу мамлакатлар иқтисодиётига мўлжаллаб, Маршалл режасини (7 июнь 1947 йил) ишлаб чиқдилар ва таклиф этдилар. Ушбу режага асосан Европа мамлакатлари иқтисодиётига 17 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилди.¹² Бундан ташқари, Ғарбий Европа мамлакатларига Америка капитали оқиб кела бошлади. Мазкур омиллар қисқа муддатда бу мамлакатлар иқтисодиётини тиклади. 1950–1970 йилларда эса Ғарбий Европада бозор муносабатларини жорий қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Натижада 1948 йилдан 1969 йилга қадар Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётининг ўртача йиллик ўсиш темплари 4,78 фоизни ташкил қилди.¹³

Иқтисодиётнинг бундай гуркираб ривожланиши, биринчидан, кенг оммага мўлжалланган автомобиллар, маиший техника воситалари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорини кескин кўпайтирди. Уларни харидорга етказиш билан шуғулланадиган савдо индустрияси кенг қулоч ёйди. Иккинчидан, моддий неъматларга эга бўлиш, уларни истеъмол қилиш кайфияти кучайди. Йигирманчи асрнинг 60–70-йилларига келиб, АҚШ ва Ғарбий Европада аҳолининг барча табақалари моддий неъматлар истеъмолчиларига айландилар. Истеъмолчиликни турмуш тарзига айлантирган бутун бошли авлод шаклланди.¹⁴ Учинчидан, аср мобайнида кундалик истеъмол маҳсулотлари ҳаммабоплигининг ўсиб бориши нафақат маҳсулот кадр-қимматини, балки уни харид қилган кишининг мақомини ҳам тубдан ўзгартирди. Аввал маҳсулот кадр-қиммати унинг бетакрорлиги билан белгиланган бўлса, энди фойдаланилиши меъёри ва кўлами асосида аниқландиган бўлди. Бошқача айтадиган бўлсак, қайси маҳсулот кўпроқ харидорғир бўлса, шу маҳсулот кадрлироқ саналди, уни ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилди. Маҳсулотнинг ўзи эса – кийим-кечагу озиқ-овқатдан тортиб маиший техника воситалари ва уй-жойга қадар барча-барчаси – кишиларнинг ижтимоий мақоми ва турмуш даражасини белгилайдиган кадриятга айланди. Кишиларга эса уларнинг эътиқод ва фазилатларига қараб эмас, истеъмол қилаётган маҳсулотларига қараб баҳо берадиган бўлдилар.¹⁵

Айни пайтда истеъмолчилик кайфияти турли газета, журнал, кинофильмларни ўз ичига олган қудратли индустрия ёрдамида муттасил сингдириб борилди. Бу индустрияда

⁸ Қаранг: Послевоенная Америка.//<http://us.info.state.gov>.

⁹ Қаранг: Бурстин Д. Американцы: демократический опыт. – М.: Прогресс, 1993. – С. 539.

¹⁰ Қаранг: Краткая история США./Перевод Б.М.Шпотова.-М.,ППП(Проза. Поэзия. Публицистика), 1993. – С. 53.

¹¹ Қаранг: Послевоенная Америка.//<http://us.info.state.gov>.

¹² Қаранг: Экономика стран Западной Европы.// <http://ecsocman.hse.ru/data/294/690/1219/Glava-4.pdf>.

¹³ Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: ПРИОР, 2007. – С. 93.

¹⁴ Қаранг: Воссок R. Consumption. – N.Y., 1993. – Pp. 27–28.

¹⁵ Қаранг: Болховитинов Н. Н. Американская цивилизация как исторический феномен// Американская цивилизация как исторический феномен: Восприятие США в американской, западноевропейской и русской общественной мысли / Отв. ред. Н. Н. Болховитинов. – М.: Наука, 2001. – С. 9–15.

газеталар алоҳида ўрин тутди. Урушдан кейинги йилларда газета олами икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳни тор доираларнинг (сиёсатчилар, тадбиркорлар, амалдорлар ва х.к.) манфаатларига мос бўлган ва улар учунгина аҳамиятли ахборотларни нашр қилувчи газеталар (“The Wall Street Journal”, “USA Today”, “New York Times”, “Washington Post” ва б.) ташкил этдилар. Бу газеталардаги мақолалар ўзининг объективлиги, маълумотларнинг текширилганлиги билан ажралиб турарди. Иккинчи гуруҳга эса Ж.Пулитцер ва Р.Херст анъаналарини давом эттирган газеталар бирлашдилар. Бу гуруҳ кейинчалик “сарик матбуот” номини олади. Истеъмолчилик психологиясининг илдиз отишида айнан ана шу газеталарнинг “хизмати” катта бўлди. Мазкур газеталар ўқувчини маънавий жиҳатдан ўсишга эмас, истеъмол қилишга, кўнгил очишга, хордиқ чиқаришга ундарди.

Газета оламида “кашф этилган” ғоявий вазифалар, иқтисодий услублар урушдан кейинги йилларда гуркираб ривожланган киноиндустрия томонидан муваффақиятли рўёбга чиқарилди. Аввалига у бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини тасвираб беришга интилди. Бироқ тез орада киноиндустрия магнатлари томошабинларни кинозалларга жалб этишнинг муҳим йўли уларга “орзулар дунёсини” тасвираб бериш билан боғлиқлигини англаб етдилар. Кино инсон орзуларига мос бўлган ҳаёлий воқеликни чизиб бераркан, кишиларни воқеликдан қочишга, кино қаҳрамонлари ҳаёти билан яшашга, уларга тақлид қилишга одатлантирди.

Истеъмолчилик психологияси шаклланишининг учинчи босқичи ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб АҚШ ва Ғарбий Европада постиндустриал жамиятнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлди. Бу даврда ахборот узатишнинг мутлақо янги воситалари ва технологиялари ривожланди. Янги ахборот технологияларининг ривожланиши том маънода инқилобий натижаларни вужудга келтирди. Масалан, кинофильмлар ишлаб чиқариш жараёни тубдан ўзгарди. Ўтган асрнинг биринчи ярмида бир тўлиқ метражли кинофильмни суратга тушириш жараёни қарийб бир йилга қадар чўзилган, бир эпизодни суратга олиш учун бир неча дубль талаб қилинган бўлса, янги ахборот технологияларининг ривожланиши бу жараённи кескин қисқартирди.

Интернетнинг вужудга келиши ва унинг ижтимоий оқибатлари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. АҚШ мудофаага оид илғор тадқиқот лойиҳалари Агентлиги таклифи асосида 1957 йилдан шакллана бошлаган компьютер тармоғи ўтган асрнинг 70-йилларидан кейингина шиддат билан ривожлана бошлади. Асрнинг 90-йилларига келиб Интернет бирлашган компьютер тармоқларининг умумсайёравий системаси сифатида қарор топди. Айнан шу пайтдан (аниқроғи, 1991 йилдан) Интернет тармоғи ҳамма фойдалана оладиган манбага айланди.

Оммавий коммуникация воситалари ривожини ривожланган мамлакатлар фуқароларининг дунёқараши ҳамда хулқ-атворини ҳам ўзгартирди. Кишилар жамиятда мавжуд маданият типига, унинг артефактларига мослашувчан бўлиб қолдилар. Мослашувчанлик кайфияти ёки, фалсафий тилда баён қилганда, конформизм (индивид дунёқараши ва хулқ-атворининг жамиятда мавжуд норма ва принципларга мос ва мутаносиб равишда ўзгариши) юзага келди. Ўтган асрнинг 70-йилларида вужудга кела бошлаган конформистик кайфиятнинг ўзига хос хусусиятлари Эрих Фромм томонидан айниқса ёрқин ифода-лаб берилган. Унинг фикрига кўра, конформизм бугунги кун кишиси хулқ-атворининг, замонавий жамиятдаги фаолиятининг муҳим шаклидир. Ижтимоий конформизмга берилган киши ўзлигини батамом йўқотиб, мавжуд маданият модели таклиф қилаётган шахс типини тугал ўзлаштиради. У ўзгаларга ўхшашга, ўзгалардек яшашга, ўзгалардек фикрлашга одатланади. Фроммнинг фикрига кўра, бундай фаолият уни ёлғизлик ва ташвишлардан халос қилади, бироқ бунинг эвазига у ўз “Мен”идан жудо бўлади.¹⁶ Конформистик кайфият бутун бошли авлодни лоқайдликка, бефарқликка ўргатди. Ўтган асрнинг 60-йилларидаги авлод рокерлар, хиппилар, панклар ёки битниклар тарзида мавжуд

¹⁶ Қаранг: Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: АСТ, 2011.

маданият типига норозилик билдиришни одат қилган бўлса, 2000 йилларда шаклланган авлод жамиятдан ажралмасликка, турли маданият типларига бефарқ муносабатда бўлишга одатланди. Ж.-Ф. Лиотар таъбири билан айтганда, бугун радиодан регги тинглайдилар, кинотеатрларда вестерн томоша қиладилар, қорин тўйғизгани Макдональдсга борадилар, маҳаллий пазандачиликка асосланган ресторанда тушлик қиладилар, Токиода тайёрланган паришча духини ишлатадилар ва Гонгконгда ретро услубида тикилган кийимларни киядилар.¹ Ушбу конформистик кайфият оммавий коммуникация воситалари шарофати билан умумсайёравий микёсда тарқалиб кетди.

Хуллас, истеъмолчилик психологиясининг юзага келиши узоқ давом этган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларини муфассал таҳлил қилиш ёшларимиз дунёқарашини ушбу иллатдан ҳимояловчи механизмни ишлаб чиқишда қўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Краткая история США. /Перевод Б.М. Шпотова. –М., ППП (Проза. Поэзия. Публицистика), 1993. – С. 56.
2. Бурстин Д. Американцы: демократический опыт. – М.: Прогресс, 1993. – С. 560.
3. Бурстин Д. Американцы: демократический опыт. – М.: Прогресс, 1993. – С. 570.
4. Костина А. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. – М.:Изд. ЛКИ, 2011. – С.89–90.
5. Конен В. Третий пласт. Новые массовые жанры в музыке XX века. – М.: Музыка, 1994.– С. 51.
6. Бурстин Д. Американцы: демократический опыт. – М.: Прогресс, 1993. – С. 539.
7. Краткая история США./Перевод Б.М.Шпотова.-М.,ППП(Проза. Поэзия. Публицистика), 1993. – С. 53.
8. Экономика стран Западной Европы.// <http://ecsocman.hse.ru/data/294/690/1219/Glava-4.pdf>.
9. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения.- М.: ПРИОР, 2007. – С. 93.
10. Болховитинов Н. Н. Американская цивилизация как исторический феномен// Американская цивилизация как исторический феномен: Восприятие США в американской, западноевропейской и русской общественной мысли / Отв. ред. Н. Н. Болховитинов. – М.: Наука, 2001. – С. 9–15.
11. Костина А.В. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. – М.: Изд. ЛКИ, 2011. – С.111–112.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф истеъмолчилик психологиясининг шаклланиши тарихи ҳақида мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, бу кайфиятнинг шаклланиши уч босқичда содир бўлган.

РЕЗЮМЕ

В статье автор размышляет об истории формирования психологии потребительства. По мнению автора, процесс ее формирования можно разделить на три этапа.

RESUME

In this article the author considered about development of conspicuous psychology. In this view, the development of this spirits occurred at three stages.

Наишга фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ОТА ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

Тўраева А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *глобаллашув, оилавий муҳит, оилавий муносабатлар, ота мавқеи, интеграциялашув, меҳнат миграцияси, отанинг ижтимоий мақоми.*

¹ Қаранг: Костина А.В. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. – М.: Изд. ЛКИ, 2011. – С.111–112.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёни оилавий муҳитга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, бу таъсир эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлмоқда. Глобаллашув отанинг оиладаги ўрни ва нуфузига таъсир ўтказувчи бир қатор омилларни юзага келтирмоқда.

Биринчидан. Жаҳонда ўтган асрнинг сўнгги 10 йили ва янги асрнинг бошларида содир бўлган глобаллашув жараёнлари ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациясини юзага келтирди, халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантирди. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кучайди ва жадаллашди. Бу жараён миллий иқтисодиётлар тараққиётига ҳам таъсир кўрсатапти, албатта. Жумладан, глобаллашув натижасида меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, унинг натижаларини баҳолаш билан боғлиқ тамойиллар, ёндашувлар янги тус олди, мураккаблашди. Оддий қилиб айтганда, ҳам ишлаб чиқариш соҳасида, ҳам ноишлаб чиқариш секторида ишлаш мураккаб характер касб этмоқда. Бунинг устига, ўтган асрнинг бошларида олий ўқув юртини битирган киши 30–40 йил бемалол ишлаш имконини берадиган малакага эга бўлган бўлса, бугун вазият тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгариб бораётгани ходим олдига қўйиладиган талабларни ҳам мураккаблаштирмоқда. Натижада, бир томондан, хизмат вазифаларининг мураккаблашиб бораётгани билан боғлиқ объектив сабаб, иккинчи томондан, иш жойини йўқотиб қўйиш, ишсиз қолиш хавфи ходимни тез-тез малакасини ошириб туришга ундамоқда. Масалан, Узлуксиз тиббий таълим концепциясида қайд қилинишича, шифокорлар ҳар беш йилда 288 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириб туришлари шарт.¹ Бундай шароитда меҳнат қилиш ходимнинг меҳнат малакасини такомиллаштириши ҳамда масъулиятини ошириши билан бирга унинг кайфиятини ўзгартирапти, дунёқарашига янги тус берапти, асаб системасига ҳам жиддий таъсир кўрсатапти.

Шу сабабдан кейинги йилларда кишиларда депрессия касаллигининг (кайфиятнинг тушкунлиги) кўпайиб бораётгани қайд қилинмоқда. Ўтган асрда депрессия асосан 40–45 ёшдан кейин кузатилган бўлса, ҳозирги кунда 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ҳам учрамоқда. Бунинг натижасида атроф-муҳитга бефарқлик вужудга келади, ҳаётга бўлган қизиқиш йўқолади.² Депрессив кайфият отанинг оила аъзоларига муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Хизмат масъулиятларидан чарчаб уйга қайтган ота турмуш ўртоғи, фарзандлари орзу-умидлари, эҳтиёж ва манфаатларига етарли эътибор бера олмаяпти.

Иккинчидан. Глобаллашув натижасида фан ва техниканинг тараққий топиши, ижтимоий турмушимизнинг мураккаблашиши, шунингдек, мустақиллик йилларида маиший ва табиий-физиологик эҳтиёжларни қондириш имкониятларининг кенгайиши кишиларнинг иш вақти ва ишдан ташқари вақти меъёрининг ўзгача тус олишига сабаб бўлди. Хусусан, ходимнинг иш учун сарфлайдиган вақти миқдори кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, меҳнат қилиш норма ва қоидаларининг мураккаблашиши, ишсиз қолиш хавфи ходимдан ўз вақти ва имкониятларининг катта қисмини иш учун сарфлашни талаб этмоқда. Натижада унинг ишдан ташқари вақти миқдори камаймоқда.

Маълумки, ишдан ташқари вақт деганда ишга бориш ва қайтиш учун кетган вақт, тушлик учун кетган вақт, рўзгор ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун кетган вақт, табиий-физиологик эҳтиёжларни (овқатланиш, ором олиш, гигиена тадбирлари) қондириш учун кетган вақт ва бўш вақт назарда тутилади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу вақт миқдори муттасил камайиб келмоқда. Бунга ижтимоий тараққиётнинг жадаллашуви ва кескинлашуви сабаб бўлгани маълум. Бунинг устига, ижтимоий турмуш шакли, характери ва суръатидаги ўзгаришлар ишдан ташқари вақтнинг ҳажмигагина эмас, унинг характерига ҳам таъсир ўтказди.

Энг ташвишланарлиси, кишилар бўш вақти миқдори, яъни ўқиш, ўз-ўзига таҳсил бериш, жамоатчилик топшириқларини бажариш, фарзандларни тарбиялаш, хордиқ чиқа-

¹ Соғлом миллат буюк келажак қуришга қодир.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2008. – №3. – 15-б.

² Қаранг: <http://tib.islom.uz/islomiy-tib/368-depressiya-tib.html>.

риш, ижодий фаолият билан шуғулланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан машғул бўлиш учун кетадиган вақти камайиб борапти. Ота шундоқ ҳам камайган бўш вақтини оила аъзолари билан мулоқотга эмас, ўз касбий малакасини оширишга, хизмат вазифаси билан боғлиқ бошқа юмушларни бажаришга сарфламоқда. Бўш вақт миқдорининг кескин камайиб бораётгани аксарият ҳолларда отанинг оилавий муносабатлардан четда қолишига сабаб бўлмоқда. Эндиликда муттасил иш билан машғул ота фарзандлари дунёкарашининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омил бўлмаяпти.

Учинчидан. Ўтган асрнинг охирига келиб, ривожланган мамлакатлардаги аҳоли таркиби тубдан ўзгарди. Мамлакат аҳолиси таркибида кекса кишилар сони кўпайиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларда ўлиш коэффициентларининг туғилиш коэффициентларидан катталиги кузатилади. Буларнинг барчаси халқ хўжалигининг турли соҳаларига таъсир кўрсатмай қолмади. Жумладан, бу мамлакатларда ишчи кучига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга кучайиб кетмоқда. Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ишчи кучи импортига боғлиқ бўлиб қолди. Ривожланган мамлакатлардаги вазиятнинг оддий визуал кузатуви ҳам бунга амин бўлиш имконини беради.

Ривожланмаган ва ривожланаётган мамлакатлар эса туғилиш миқдори катталиги билан ажралиб туради. Бунинг натижасида бу мамлакатларнинг кўплаб минтақаларида ортиқча ишчи кучи юзага келмоқда. Ривожланмаган мамлакатлардаги иқтисодий қоқлик, ривожланаётган мамлакатлардаги ишлаб чиқариш модернизацияси бу жараёнларни янада чуқурлаштирмоқда. Оқибатда ортиқча ишчи кучининг ривожланган мамлакатларга оқиб бориши, яъни меҳнат миграцияси тенденция даражасига кўтарилди. Бугунги кунда ривожланмаган мамлакатлардан ташриф буюрган мигрантлар Ғарб давлатларидаги халқ хўжалигининг бутун-бутун тармоқлари фаолиятини ўз назоратлари остига олмақдалар.

Глобаллашув меҳнат миграцияси билан боғлиқ ушбу тенденцияни янада кучайтирмоқда, бу жараёнга Ўзбекистон каби кўплаб ривожланаётган мамлакатларни жалб қилмоқда. Зотан, шу мавзуга бағишланган тадқиқотларда қайд қилинишича, Ўзбекистонда ҳам меҳнат миграцияси кўлами ортиб бормоқда. “Меҳнатга яроқли аҳоли орасида ўзга мамлакатлардан иш излаш тенденцияси, яъни меҳнат миграцияси юзага келаяпти. Айрим маълумотларга қараганда, меҳнат миграцияси мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳолининг 7–8 фоизини қамраб олмақда. Бу оқим асосан Россиянинг турли минтақаларига ва Қозғистоннинг жанубий вилоятларига йўналган.

Мамлакатимизда меҳнат миграциясининг жиддийлашуви айрим оилаларда отанинг узоқ муддатга ўз оила аъзоларидан ажралиб қолишига, оилавий муносабатларнинг отасиз кечишига сабаб бўлмоқда. Бунинг устига, ўзга мамлакатда меҳнат қилиб қайтган ота миллий кадрларимизга мос тушмайдиган айрим тамойилларни ўз оиласига олиб кириши хавфи кучаймоқда.

Меҳнат миграцияси бошқа хавф-хатарларни ҳам юзага келтирмоқда. Маълумки, кейинги йилларда жаҳонда одам савдоси умумбашар аҳамиятига молик муаммога айланмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги трансплантология тараққиёти, арзон ишчи кучидан фойдаланишга интилишнинг авж олгани, ахлоқсизликнинг авж олгани туфайли фоҳиша-бозликнинг кучайиши, шунга ўхшаш кўплаб омиллар бу муаммони янада жиддийлаштирмоқда. Одам савдоси билан шуғулланаётган кишилар диққат марказига биринчи галда меҳнат мигрантлари тушиб қолиши мумкинлиги ҳам янгилик эмас. Бинобарин, оила бошлигининг ўзга мамлакатга иш излаб кетиши оиланинг келажагига ҳам таҳдид солади.

Тўртинчидан. Ўзбек оиласида азал-азалдан ота улуғлаб келинган. Отанинг оиладаги нуфузи ва ўрни ниҳоятда баланд бўлган. Оила турмуши билан боғлиқ барча масала ота маслаҳати, иштироки асосида ҳал қилинган. Ота розилигисиз иш қилиш нафақат оила аъзолари, балки маҳалла аҳли томонидан қаттиқ қораланган. “Ота рози – Худо рози” деган нақлнинг келиб чиқиши ҳам шундан. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ота образининг чуқур ҳурмат ва катта эҳтирос билан ёритилиши ҳам шундан далолат беради.

Глобаллашувнинг кўплаб миллий анъана ва кадриятларга салбий таъсир кўрсатгани каби отанинг оиладаги нуфузи билан боғлиқ кадриятларга ҳам ўзгача тус бермоқда. Жаҳонда содир бўлаётган ушбу жараён ўзга миллатларга айрим салбий хусусиятларнинг мамлакатимизга кириб келишига замин ҳозирлади. Ёшларимиз оммавий ахборот воситалари, турли китоблар, санъат асарлари ёрдамида Ғарб мамлакатларида кенг тарқалаётган отага, кексаларга муносабат тарзидан воқиф бўлмоқдалар. Вахоланки, бу муносабат ҳаммиша ҳам инсоний характерда эмас. Кексаларнинг ўз умрини ғарибхоналарда яқунлаши, кўплаб ота ва оналарнинг умр якунида ёлғиз яшаши, моддий кўмаксиз қолганида фарзандларга эмас, хайрия жамғармаларига мурожаат қилиши, мулк устидан ота-она ва фарзандларнинг талашиб юриши бу мамлакатларда ҳайрат туғдирмайди. Масалан, Голливудда ишлаб чиқарилган фильмлар орасида фарзанднинг отасини беҳурмат қилиши, унинг устидан кулиши, ҳақорат этиши саҳналарини истаганча топиш мумкин. Бундай ёндашувни одатий ҳол сифатида баён қилувчи фильм ёки китоб билан танишиш ёшларимизнинг отага бўлган юксак ҳурматида раҳна солмоқда. Бугунги кунда ота насиҳатида эътиборсиз муносабатда бўлаётган, отани ягона авторитет деб билмайдиган ёшларимиз йўқ эмас. Тўғри, бу ёшларнинг фоизи ниҳоятда кичкина кўрсаткични ташкил қилади. Бироқ бу масаланинг мазкур жиҳатини эътиборсиз қолдиришга асос бўла олмайди. Чунки оилада ота нуфузига путур етиши, ота ва фарзандлар ўртасида нифокнинг юзага келиши оилавий муносабатлардаги инсонпарварлик ва адолат тамойилларини емиради, оилавий муҳитнинг носоғлом тус олишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Соғлом миллат – буюк келажак куришга қодир. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2008. 3-сон, 15-бет Антонов А.И. Микросоциология семьи. – Москва: Изд. Дом «Nota Bene», 1998.
2. Антонов А.И. Современная семья: два взгляда на одну проблему // Семья в России. – 2001. – № 1–2. – С. 30–40.
3. Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи. – Москва: Изд-во МГУ, 2003.
4. Қаранг: <http://tib.islom.uz/islomiy-tib/368-depressiya-tib.html>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада глобаллашув жараёнида вужудга келган оилавий муҳит трансформацияси, хусусан, ота ижтимоий мақомининг ўзгариши ва унинг оилавий муҳитга таъсири тўғрисида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье автор рассуждает об особенностях трансформации семейной среды в условиях глобализации, в частности об изменениях социального статуса отца и его влиянии на среду в семье.

RESUME

In this article an idea was given about family transformation which comes into being in globalization, especially, changing of father social position and his influencing on family.

Наишга фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

ЗЎРАВОНЛИК: МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАНИШИ САБАБЛАРИ

Бекмуродова Г. (ҚарДУ)

Асосий тушунчалар: *оммавий маданият, оммавий маданият атрибутлари, зўравонлик, зўравонлик шакллари.*

Янги асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири оммавий маданиятнинг кенг илдиз отгани билан боғлиқлиги бизга яхши маълум. Бироқ унинг табиатини жўн тушуниш соддадилликдан ўзга нарса эмас. Кейинги йилларда мамлакатимизда пайдо бўлиб қолган замонавий оммавий маданият элементлари орасида эзгу ниятларни, умуминсоний кадриятларни тарғиб қиладигани ҳам талайгина. Бунга мисол қилиб қатор фильм ва мультфильмларни, роман ва телекўрсатувларни келтиришимиз мумкин. Масалан, режис-

сер Том Шедьякнинг 1997 йилда “Imagine Entertainment” киностудиясида суратга олинган “Liar Liar” (“Ёлгончи, ёлгончи”) бадий фильмини олайлик. Ёлгон ботқоғига ботган ва ўз касби ёрдамида мўмай даромад олишга муккасидан кетган адвокат Флэтчер Риди оиласини кадрламай қўйган. Аҳвол шу даражага бориб етадики, қахрамон хотини ва фарзанди манфаатлари ва хохиш-истакларига мутлақо эътибор бермай қўяди. Оила инкироз арафасига келиб қолади. Бир кун мобайнида содир бўлган кўплаб аянчли воқеаларгина унинг оиласига муносабатини тубдан ўзгартиради. Фильм давомида унинг ижодкорлари оила тинчлиги ва хотиржамлиги нақадар катта қадрият эканлигини, фарзанд рухий ҳолати кўп жихатдан ота хулқ-атвориغا боғлиқлигини тасвирлаб беришга муваффақ бўлганлар. Ушбу сахна асари оилавий қадриятларни, оила аъзолари ўртасидаги соғлом муносабатларни тарғиб қилишда жиддий роль ўйнайди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз бозорида эзгу ниятларни тарғиб қилувчи ва болалар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатувчи кўплаб мультфильмлар ҳам пайдо бўлди. Улар туркумига, хусусан, режиссерлар Денис Чернов, Жангир Сулаймонов, Олег Мусин, Роман Соколов, Алексей Минченюк ва бошқалар томонидан “СКА Петербург” студиясида “Зўравонликдан холи дунё” рукни остида суратга олинган “Смешарики” (“Қувноқ пуфаклар”) номли болалар телевизион мультипликацион сериалини киритиш мумкин. Мультсериал қахрамонлари ўзининг олижаноблиги билан ажралиб туради. Унда, ёвуз Лосяшни инобатга олмаганда, бирор салбий қахрамон йўқ. Ҳар бир серияда бола ҳаётида учрайдиган маълум муаммовий вазият ва ундан чиқиш йўллари ёритилади. Оддий сюжет анчайин жиддий муаммоларни ҳам баён қилгани боис уни болалар қаторида етук ёшдагилар ҳам кўришлари мумкин.¹ Мультсериал ҳам ижтимоий-тарбиявий, ҳам маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

Замонавий оммавий маданиятнинг ижобий характердаги артефактлари ҳақида гап кетганда бир қатор телекўрсатувларни ҳам тилга олиб ўтиш зарур. Жумладан, мамлакатимизда трансляция қилинаётган Россиянинг 1-каналдаги “Познер”, “Россия-1” каналдаги “Городок”, “СТС” каналдаги “Галилео”, “Культура” каналдаги “Мировые сокровища культуры”, “Россия-24” каналдаги “Формула власти” каби кўрсатувларни олайлик. Ушбу телекўрсатувлар юқори маҳорат билан тайёрланганлиги, жиддий ижтимоий муаммоларга бағишланганлиги, маърифий характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Табиийки, оммага мўлжалланган ушбу кўрсатувлар маърифат тарқатиш, томошабин ижтимоий дунёқарашини инсонпарварлаштириш мақсадида тайёрланган.

Хуллас, мустақиллик йилларида мамлакатимизга хориждан кириб келган замонавий оммавий маданият элементларининг барчаси ҳам негатив хусусиятга эга эмас. Улар орасида эзгулик ва инсонпарварликни тарғиб қилувчи, маърифат тарқатувчи, шахс маънавий қиёфасини шакллантирувчи фильм, кўрсатув, китоб ва суратларни топиш қийин эмас. Мазкур артефактлар кенг оммага мўлжалланганлиги ва тижорат характериغا эгаллиги билан ажралиб туради, холос.

Бирок ушбу хусусиятларни замонавий оммавий маданиятнинг барча артефактларига хос, дея олмаймиз. Улар орасида негатив характердаги элементлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Чунки бугунги кунда Ғарб мамлакатларида “оммавий маданият” ниқоби остида қатор вайронкор ғояларни тарғиб қилувчи китоблар, фильмлар, суратларни тарқатишга зўр бермоқдалар. “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидланганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.”²

¹ Қаранг: Краткая история США. /Перевод Б.М. Шпотова.- М., ППП (Проза. Поэзия. Публицистика), 1993. – С. 56.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 117-б.

Янги аср арафасига келиб, айниқса, зўравонлик ғоялари тарғиботи кучайиб кетди. Бунга XX аср охирида Ғарбда анча кенг илдиз отган ижтимоий дарвинизм таълимоти замин ҳозирлади. Таълимот тарафдорлари табиатга хос бўлган “яшаш учун кураш” қонуниятини ижтимоий ҳаётга ҳам хос, деб ҳисоблайдилар. Демак, яшаб қолиш учун муттасил курашиш, зўравонлик кўрсатиш зарур.

Мазкур ёндашув зўравонликни оқловчи фильмлар миқдорини кескин ошириб юборди. Маълумотларга қараганда, тасодифий олинган бир кунда телеканалларда намоёйиш қилинган фильмларда 160 муштлашув, 202 қотиллик, 6 ўғирлик, 10 зўрлаш, 66 ичкиликбозлик саҳналари бор экан.

Зўравонлик ғоялари тарғиботида Голливуд киностудияларида ишлаб чиқиладиган бадиий фильмлар алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу фильмларда зўравонликнинг қуйидаги кўринишлари намоёйиш этилади:

а) таъсир кўрсатиш тамойилига кўра: жисмоний, руҳий, ҳиссий, жинсий зўравонлик. Кейинги йилларда айниқса руҳий зўравонликни намоёйиш қилувчи фильмлар кўпаймоқда. Одатда руҳий зўравонлик махсус тайёрланган ва режа асосида иш олиб бораётган гуруҳ томонидан аниқ бир шахсга нисбатан амалга оширилади. Энг эътиборлиси, фильм муаллифлари бундай руҳий зўравонликни қораламайдилар: аксарият фильмларда зўравонлар жазоланмай қоладилар. Аксинча, баъзи фильмларда тил бириктириб зўравонлик кўрсатган бирор бир гуруҳнинг жазодан қутулиб қолиши уларнинг маҳоратидан дарак берувчи ҳолат сифатида намоёйиш этилади;

б) ижтимоий хусусиятларига кўра: сиёсий, диний, маиший зўравонлик, болаларга нисбатан зўравонлик, ҳайвонларга кўрсатилган зўравонлик. Қизиғи шундаки, жаҳонда содир бўлган у ёки бу сиёсий воқеа сиёсий зўравонликни тарғиб қилувчи янги бадиий фильмнинг вужудга келишига замин яратади. Масалан, АҚШнинг Афғонистон ва Ироқда амалга оширган сиёсий-ҳарбий акцияси мавзуга доир юзлаб фильмларнинг суратга олинишига асос бўлди. Уларнинг барчасида сиёсий зўравонлик элементларини топиш қийин эмас. Бу зўравонлик АҚШ сиёсатдонлари ва ҳарбийлари томонидан амалга оширилса, сиёсий зарурият сифатида, муҳолифлар ва маҳаллий аҳоли ёрдамида бажарилса, зулм сифатида баҳоланади;

в) қурбонлар миқдorigа кўра: оммавий, гуруҳий ва индивидуал зўравонлик. Санъатнинг тижоратлашуви, унинг даромад манбаига айланиши оммавий зўравонлик тарғиботига бағишланган жангари фильмлар миқдорини айниқса кўпайтирмоқда. Фильм муаллифлари ва продюсерларининг фикрига кўра, экранда қанча кўп қурбонлик бўлса, даромад салмоғи шунча юқори бўлади. Шунинг учун улар бутун-бутун шаҳарлардаги қирғинбаротни суратга олиш учун маблағ ва моддий-техникавий имкониятларни аямайдилар. Бундай саҳналар тўлиб-тошган айрим фильмлар эса (масалан, машҳур “Рембо” номли жангари фильмга ўхшаганлари) бир неча йиллар давомида қўшимча сериялар билан тўлдириб борилади;

г) етказилган зарар шаклига кўра: таҳдид, терроризм, зўрлаш, талончилик. Таҳдид ва терроризмни намоёйиш қилувчи фильмларнинг бир хусусияти яққол кўзга ташланади: бу фильмларда таҳдид солувчи субъект ёки террорчи аксарият ҳолларда мусулмон дунёси вакили бўлади. Бунинг устига, улардаги Осиё, Лотин Америкаси ва Африка вакилининг бирортаси ижобий қаҳрамон бўлмайди. Энг қизиғи, кейинги йилларда Ғарб мамлакатларида айнан ана шу шаклдаги зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар кўпайганидан кўпайди. Бу фильмлар бўлғуси зўравонлар учун дастуриламал бўлаётгани эса ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди;

д) зўравоннинг шахсига кўра (зўравон жиноятчи, ўзга сайёрадан келган мавжудот, нариги дунё вакили ва шу қабила бўлиши мумкин). Кейинги йилларда кино бозорида нариги дунёдан келган мавжудот томонидан амалга оширилган зўравонликни намоёйиш қилувчи фильмлар миқдори кескин кўпайди. Сирасини айтганда, бундай фильмларни суратга олишнинг асл мақсадини тушуниб бўлмайди. Афтидан, асосий мақсад томошабинни ҳайратга солиш ва даромад қилиш бўлса керак.

Энг ташвишланарлиси, ушбу ғояларни тарғиб қилувчи махсулотлар мамлакатимизга ҳам кириб келмоқда. Бу жараён мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган қатор воқеалар ва ижтимоий тенденцияларнинг объектив натижаси бўлмоқда. Бу ўринда, энг аввало, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши жараёнини тилга олиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, образли қилиб айтганда, мамлакатга жаҳон цивилизациясининг эшикларини очиб берди. Мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айланганидан сўнг жаҳон маданий тараққиётига хос бўлган хусусиятлар ва тенденциялар Ўзбекистонда ҳам намоён бўла бошлади. Масалан, Ғарб мамлакатларига хос бўлган маданият типлари ва артефактлари, маданият махсулларига тижорат нуқтаи назаридан ёндашиш кайфияти Ўзбекистонга кириб келди. Шу тарзда “ижтимоий ва маданий тараққиётнинг юксак чўққиларини эгаллашга ҳаракат қилиб, шу мақсад сари интилиб яшайдиган”¹ ўзбек миллати турмушида замонавий оммавий маданият артефактлари пайдо бўлди. Бирок, афсуски, улар қаторида вайронкор ғояларни ўзида мужассам қилган артефактлар ҳам диёримизга кириб кела бошлади.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам мавжуд. Бир томондан, мустақиллик шарофати билан оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, мамлакат ҳудудида эркин фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар юзага келди. Иккинчи томондан эса, мамлакатимизда аҳолининг харид қобилиятлари муттасил ўсиб борди. Натижада унга мутаносиб равишда телевизорлар, ДВД-плеерлар, рақамли йўлдош антенналари харид қилиш кўрсаткичлари муттасил ошди. Шу тариқа замонавий оммавий маданият артефактларини, хусусан зўравонлик ғояларини Ўзбекистонга олиб кирувчи ва тарқатувчи манбалар ҳам, каналлар ҳам кўпайиб кетди.

Зўравонлик ғоялари тарғиботининг энг даҳшатли оқибати шундаки, у ёшларни умумбашарий ғоя ва қадриятлардан чалғитади. Йигит ва қизларда зўравонлик ижтимоий ҳаётнинг одатий воқеаси, жиддий ижтимоий муаммони ҳал қилишнинг самарали йўли, деган нотўғри хулоса шаклланиши мумкин. Натижада ёшлар ақли эмас, куч ишлатишни аъло қадрият сифатида эътироф этишга одатланишлари мумкин. Бинобарин, Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшларни тарбиялашни вазифа қилиб қўяр эканмиз, зўравонлик ғояси тарғиботига чек қўйишга қодир ижтимоий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий механизмни шакллантириш масаласини кун тартибига қўймоғимиз даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Смешарики // <http://ru.wikipedia.org>.
2. Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 117-б.
3. Каримов И.А. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Ж.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 83-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада зўравонлик замонавий Ғарб оммавий маданиятининг айрим махсуллари тарғиб қиладиган ғоя сифатида талқин қилинади ва унинг шакллари аниқлаб берилади.

РЕЗЮМЕ

В статье насилие толкуется как идея, пропагандируемая отдельными элементами современной западной массовой культуры, а также определяются основные ее формы.

RESUME

In this article, violence was propogandired as the concept of some features of modern Western popular culture and its forms were determined.

Наишга фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

¹ Каримов И.А. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Ж.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 83-б.

ХVIII – ХIХ АСРЛАР ФОНЕТИКАСИ ҲАҚИДА

Жумаев Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *сингармонизм, конвергенция, туркий тиллар фонетикаси, агглютинатив тиллар, сомий тиллар, индифферент унлилар, тил орқа унли, тил олди унли.*

Ўзбек тили тарихига назар ташласак, лисоний хусусиятларининг ўрганилиши жиҳатидан энг заиф ўрганган давр ХVIII асрнинг охири – ХIХ асрнинг бошларига оид ёзма ёдгорликлар тили эканлигини кўриш мумкин. Бу даврда Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо, Ғозий, Шавқий, Паҳлавонқули Равнақ, Муҳаммаднӣз Нишотий, Мунис, Гулҳаний, Махмур, Огаҳий, Мужрим Обидлар ижод қилишган, аммо уларнинг асарлари фонетикаси жуда кам тадқиқот манбаи қилиб олинган.

Туркий тиллар тарихида фонетика энг чигал ва мураккаб соҳадир. Бунинг ҳақиқий (объектив) сабаблари ҳам, ижтимоий сабаблари ҳам мавжуд. Тарихий фонетикани ўрганишдаги қийинчилик шундан иборатки, фонетика талаффуз билан боғлиқ, талаффуз эса ХХ асрнинг ўрталаригача ҳеч қаерда аниқ қайд этилмаган. Шунинг учун товушни, талаффузни аниқ ёзиб олиш ускуналари яратилгунга қадар бўлган даврдаги барча фонетик ҳукм ва хулосалар тахминийдир. Ёзув ҳеч қачон талаффузни тўлиқ ва аниқ акс эттирмайди. Хусусан, туркий халқлар IX асрдан бошлаб фойдаланиб келган араб ёзуви ҳам том маънода Н.М.Дмитриев [1] ва Н.П.Мелиоранский [2] лар таъкидлаб ўтганидек, туркий тиллар тарихий фонетикасининг “гўркови” бўлди. Чунки араб алифбоси атиги 3 унли фонемали (а, у, и) сомий тилларнинг фонетик хусусиятларига мослаштирилган ва 11–12 унлили туркий тиллар фонетик тизимига умуман мос келмайди. Шунинг учун ХVIII асрнинг охири – ХIХ асрнинг ўрталаригача бўлган давр ўзбек адабий тилининг фонетик хусусиятлари ҳақида фикр юритиш жуда қийин. Ўзбек тили тарихида тарихий фонетика муаммолари кам ўрганганлигига асосий сабаб ҳам шундадир. Чунки араб ёзувидаги туркий тилли ёдгорликларнинг фонетик хусусиятлари ҳақида тадқиқотчи бевосита кузатишда берилган моддий, ашёвий далиллар асосида эмас, балки ёзувнинг у ёки бу хусусияти гувоҳлик берадиган имкониятларгагина таянгандир. Туркий тиллар тарихий фонетикасининг барча тадқиқотчилари ўз тақиқотларида шу усулдан фойдаланишган.¹

Туркий сўзларнинг ёзилишидаги, имлосидаги хусусиятлар, асосан, куйидагича харфларни алмаштириб қўллашда ўз аксини топади:

1. Сўз бошида \bar{a} (маддали алиф) билан \bar{a} (маддасиз алиф) нинг ўзаро алмашинуви, орқа қатор, лабланмаган **а** билан унинг лабланган кўриниши \bar{a} (ҳозирга адабий-орфографик **о**) нинг ўзаро алмашиниб турганлигидан далолат беради.

2. Сўз ўртасида ва охирида \bar{a} (алиф)ли ёки \bar{a} (алиф)сиз ёзилиш, шунингдек, \bar{a} (алиф) ёки \bar{a} (ҳойи ҳавваз)нинг алмашинуви ҳеч қандай эътиборга молик фонетик хусусиятдан далолат бермайди. Чунки сўз ўртасида **а** ни \bar{a} (алиф) билан бериш ёки бермаслик эски ўзбек ёзувининг барча даврлари учун хос хусусиятдир. Сўз охирида \bar{a} (алиф) ва \bar{a} (ҳойи ҳавваз) нинг алмашуви ҳам шундай маъно касб этади. Чунки бу ҳақда Алишер Навоий \bar{a} – *аро* сўзини тожикча \bar{a} – *саро* ва \bar{a} – *сара* сўзлари билан бемалол кофияланиши мумкинлиги ҳақида ёзиб қолдирган эди.

¹ А.М.Шчербак, Ф.Абдуллаев, Х. Дониёров, Ҳ.Неъматов, А.Рустамов, Б. Тўйчибоев, Э. Умаровлар шу тамойил асосида илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

² Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатай. Нашрга таёрловчилар – Ойбек ва Порсо Шамсиев.– Тошкент, 1948. – Б. 76.

3. Сўзнинг биринчи бўғинида (сўз бошида) **ا** (алиф) ва **ى** (ёй) ёки **َ** (фатҳа)нинг алмашиб туриши бу сўзда ўрта кенг, олд қатор, лабланмаган **э** ва кенг, олд қатор, лабланмаган **э** товушларининг алмашилиб келишидан гувоҳлик беради.

4. Сўз охирида жарангли ва жарангсиз ундошларнинг алмашиб қўлланиши жарангли ундошлар ҳозирги ўзбек адабий тили талаффузида бўлгани каби тўлиқ жарангсизланмаслигидан гувоҳлик беради.

5. Лабланган ўзакларга тор унлили қўшимчалар қўшилганда **و** (вов) ни ёзиш-ёзмаслик лаб уйғунлигининг (гармониясининг) бузилганлигини кўрсатади. Худди шу сўзнинг қўшимчасида **ى** (ёй)нинг берилиши эса бу тахминни яна бир бор тасдиқлайди.

6. Айна бир сўз қўшимчаларнинг қаттиқ **غ** (ғайн) ли ёки **ق** (қоф) ли ҳамда юмшоқ **ك** (қоф) ли кўринишларини қабул қилиши, шунингдек, қаттиқ ўзакли **ق** (қоф) ли ёки **غ** (ғайн) ли сўзларга **ق** (қоф) ли, аксинча, юмшоқ ўзакли **ك** (қоф) ли сўзларга **ق** (қоф) ли ёки **غ** (ғайн) ли қўшимчаларнинг қўшилиши танглай уйғунлигининг бузилганлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳодиса олд қатор ва орқа қатор унлиларининг оралик (индифферент) унлиларга бирикканлигини кўрсатади. Агар ёдгорликда қаттиқ ўзакли сўзларга **ق** (қоф) ли ва **غ** (ғайн) ли, юмшоқ ўзакли сўзларга **ك** (қоф) ли қўшимчаларнинг қўшилишига қатъий риоя қилинган бўлса, асар муаллифи нутқида олд ва орқа қатор унлилар изчиллик билан фарқланган ва бунинг натижасида танглай гармонияси ҳам у ёки бу даражада сақланган деган хулосага келиш мумкин. Бу фикрни арабча ва форсча **ق** (қоф) ли ва **غ** (ғайн) ли ўзакли сўзларга қаттиқ кўринишли ҳамда **ك** (қоф) ли ўзакли сўзларга юмшоқ кўринишли қўшимчаларнинг қўшилишидаги қатъийлик ва изчиллик ҳам тасдиқлайди. Зероки, таркибида **к, г** ва охирида қисқа **а** мавжуд бўлган форсча ва арабча сўзлар уйғунлашиб, сингармонизмли шеваларда олд қатор унлили сўзлар сифатида қўшимчаларнинг юмшоқ кўринишларини олади. **к, г, х, о** (**ا**) товушли сўзлар эса орқа қатор унлили сўзлар сифатида қўшимчаларнинг қаттиқ вариантларини қабул қилади.

Биз мана шу ҳолатлар асосида XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг ўрталаригача бўлган давр ўзбек адабий тилининг фонетик хусусиятларини таҳлил этишга интиламиз.

а- э масаласи. Бу масала туркий тиллар фонетикасида энг мунозарали муаммолардандир. Маълумки, арабий ва форсий сўзлар бошида **ا** (маддали алиф) билан, сўз ўртаси ва охирида **ا** (алиф) билан ёзиладиган чўзиқ **а** товуши ҳозирги ўзбек тилига мунтазам равишда **ا** билан берилади. Қисқа **а** эса сўз бошида **ا** (алифи мафтуха), сўз ўртасида **َ** (фатҳа), сўз охирида **◌** (ҳойи ҳавваз) билан берилади. Туркий сўзларда **а** ва **э** товушларни сўзнинг бошида **ا** (алифи мамдуда) ва **ا** (алифи мафтуха), сўз ўртасида (алиф) ёки **َ** (фатҳа), сўз охирида **ا** (алиф) ёки **◌** (ҳойи ҳавваз) билан берилишида ҳеч қандай қатъийлик йўқ. Айна бир сўз ҳар уч кўринишда ёзилиши мумкин. Бу хусусиятни ўрганиб чиққан профеесор Э. Умаров ҳам бирор қонуният топишга муваффақ бўлмади. Ваҳоланки, у дақиқ тилшунос Толеъ Ҳиравий ва Мирза Махдийхонларнинг филологик тадқиқотларининг материалларига таянган эди [3].

а - э вазн талабига кўра бемалол ўрин алмашилиши ҳақида дастлаб Алишер Навоий маълумот бериб ўтган эди [3:14]. Биз ўрганаётган манбалар ҳам ўзбек тилининг бошқа манбаларидан бу жиҳатдан фарқ қилмайди, унда **ا** (алифи мамдуда) ҳамда **ا** (алифи мафтуха)нинг ишлатилишида эркинлик билан фойдаланилган. Масалан:

انچه – анча – **آنچه** – онча; **آيه غينه** – ояагина – **ايه غينه** – аяагина; **يالغوز** – йолғуз – **يلغوز** – йалғуз; **فرصتته** – фурсатта – **فرصتده** – фурсатда.

Манбаларимизнинг бу маълумотлари ёдгорлик яратилган давр **а-э** товушларининг ишлатилишида қатъийлик йўқлигидан, бу товушлар тилда маъно фарқловчи алоҳида мустақил фонемала бўлмай, бир фонеманинг икки кўриниши сифатида яшаганлигидан

¹ Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Нашрга тайёрловчилар – Ойбек ва Порсо Шамсиев. – Тошкент, 1948. – Б.114.

далолат беради. Умуман олганда, ёдгорликларда **а** фонемали сўзларни [˘] (фатҳа) ва ^{◌◌} (хойи ҳавваз) билан бериш ^ا (алиф) билан ифода этишдан кўра камроқ тарқалган.

э лашиш масаласи. Фақат биринчи бўғинда қўлланадиган бу товуш мунтазам равишда сўз бошида ^ا (алиф) ва ^ى (ёй) билан, сўз ўртасида ^ى (ёй) била бериледи. Мисоллар:

ايردى – эрди; *ايتيدورلاد* – этибдурлар; *ايلجىنى* – элчини; *بىش* – бэш, *دېب* – дэб, *كىلدى* – кэлди, *تيمورجى* – тэмурчи.

э - ә алмашинуви фақат I ва II шахс бирлик сондаги олмошлардагина учрайди, холос: *مىن* – мэн – *من* – ман; *سەن* – сэн – *سن* – сан

Бу олмошларда **э - ә** алмашинуви ҳозирга ўзбек шеваларида ҳам, ҳатто адабий талаффузимизда ҳам учраб турадиган хусусият бўлганлига сабабли XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг ўрталари тили ҳақида алоҳида бир маълумот бермайди. Шунинг учун XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг ўрталаригача бўлган давр ўзбек адабий тилида эски ўзбек тилининг илк тараққий босқичда шаклланган **э** лашиш ҳодисаси изчиллик билан давом этган.

Товушлар уйғунлашиши (сингармонизм) масаласи. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг ўрталари даврида товуш уйғунлашиши – лаб уйғунлиги ҳам, танглай уйғунлиги ҳам қатъий қонуният сифатида йўқолиб борганлигидан гувоҳлик беради. Ёдгорликларда уйғунлашиш, яъни қўшимчаларнинг лабланган **و** (вов) ли, ва лабланмаган ^ى (ёй) ли, шунингдек, **ق** (коф) ли ёки **غ** (ғайн) ли қаттиқ, ҳамда **ك** (коф) ли юмшоқ кўринишлари учрайди. Шунинг учун қўшимчаларнинг **و** (вов) ли ва ^ى (ёй) ли кўринишлари айна бир сўзнинг ўзига қўшилиб келаверади. Мисоллар: *كوروب* – кўруб – *كوريب* – кўриб; *عمرونك* – умрунг – *عمرىنك* – умринг.

Юқоридага мисоллар асарлар матнида лаб уйғунлигига риоя этиш йўқолганлигидан далолат берса, қўшимчаларнинг қаттиқ ва юмшоқ кўринишларини ишлатишдаги ихтиёрлик танглай уйғунлигининг мавқеи заифлашганлигини кўрсатади. Бунинг ёрқин далили сифатида айна бир сўзга қўшимчанинг ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ кўринишларининг қўшилаверишини келтириш мумкин. Масалан: *پرىشانلىق* – паршанлиқ, *پرىشانلىك* – паршанлик; *مەھرىبانلىق* – мэхрибанлиқ, *مەھرىبانلىك* – мэхрибанлик.

Тарихан қаттиқ ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг юмшоқ кўринишларини ва тарихан юмшоқ ўзакларга қўшимчаларнинг қаттиқ кўринишларини қўшиш танглай уйғунлигининг (гармониясининг) мавқеи заифлашганлигидан далолат беради.

1. Тарихан қаттиқ ўзакларга юмшоқ қўшимчаларнинг қўшилишига мисоллар: *قولىكا* – қўлига; *قالكان* – қолган; *واقىعەكا* – вақзага; *خوبلىك* – хўблик; *ياغدوركان* – йогдурган; *قاشىغە* – қошига.

2. Тарихан юмшоқ ўзакларга қўшимчаларнинг қаттиқ кўринишларининг қўшилишига мисоллар: *كىشىغە* – кишига, *كىلغاي* – кэлгай, *ايلجىغا* – элчига, *يىتماغاي* – йётмагай.

Демак, XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларига келиб ҳозирги ўзбек адабий тилининг унлилар тизими, асосан, шаклланиб бўлган. Тарихан қайд этилган бу тизимнинг шаклланишини нолисоний омиллар – Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши билан боғлаш ҳақиқатдан йироқ далил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дмитриев А.К. Строй тюркских языков. – М.: Наука, 1962. – 606 с.
2. Мелиоранский П.М. Араб-филолог о турецком языке. – СПб, 1900. – С. 85.
3. Умаров Э.А. «Бадаи-ал-лугат» и «Санглах» как лексикографический памятник и источники изучения староузбекского языка XV – XVIII вв. Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Т., 1989. – 46 с.
4. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Нашрга тайёрловчилар – Ойбек ва Порсо Шамсиев. – Тошкент, 1948. – 124 б.
5. Ньёматов Ҳ.Ф. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 92 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврда яратилган бадиий ёзма ёдгорликлар тилининг фонетик хусусиятлари ҳақида маълумот берилди.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются фонетические особенности языка письменных памятников, составленных в конце XVIII - начале XIX вв.

SUMMARY

In article is considered phonetic osobennosy in language written pamyatniik are made the end of XVIII and the beginning of the XIX centuries.

ЯНГИ АСРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲОЛАТ ВА ТИЛ ЛЕКСИКАСИ ТАДҚИҚИ МУАММОЛАРИ

Тожиева Г.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *субстанциал тилшунослик, лугавий-маъновий гуруҳ, систем тадқиқот, идеографик лугат, лингвокультурологик лугат, умумийлик ва хусусийлик, ҳодиса ва моҳият, сабаб ва оқибат, воқелик ва имконият.*

Фан шакллана бошлагандан ўрганиш манбаига система сифатида муносабатда бўлиш бошланган. Чунки у ўрганиш манбаини қандай бўлса, шундай акс эттиришни мақсад қилиб қўяр экан (Имом Ғаззолий), уни барча алоқалари мажмуида, унга боғлиқ бўлган, уни ташкил этган барча нарса ва ҳодисаларнинг унга ва унинг бошқа ҳодисаларга муносабатини очиш биринчи ўринда туради. Бироқ фан тараққий этиши билан ҳар бир давр, фаннинг эгаллаган босқичи ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ равишда унга ўрганиш манбанинг қайси томонига кўпроқ эътибор қаратишни зарур қилиб қўяди. [6]

Янги аср ўзбек тилшунослигининг илк асослари ўтган асрнинг 90-йилларида шаклланган. Ўзбекистон мустақиллигининг пойдевори ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши билан бошланганлиги каби, маънавий-мафкуравий эврилишлар ҳам, аввало, ўзбек тилшунослигидаги туб бурилишлар билан бошланди дейиш ҳақиқатдан йироқ эмас. Хусусан, туркийшунослар томонидан “Советская тюркология” журналида эълон қилинган қатор тезислар, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида босилган туркум мақолалар фикримизнинг далилидир. [5] Шунингдек, тилшунослар М.Миртожиев, Н.Маҳмудов томонидан эълон қилинган “Тил ва “маданият” монографияси бу йўлда қўйилган улкан қадамлардан бўлди дейиш мумкин. [6] Бу қадамлар собиқ иттифоқ худудида миллий уйғонишлар ва маънавий-маърифий эврилишлар бошланиши натижаси бўлди. Тил миллат мулки ва маънавий, маданий бойлигининг ифодаси ва ривожлантирувчиси, миллат яхлитлигини таъминловчи восита эканлиги боис бу давр тилшунослиги олдида икки муҳим вазифа кўндаланг бўлди:

- 1) тилнинг асл ҳолатини тиклаш (амалий вазифа);
- 2) тилнинг асл ҳолатини тиклаш (назарий вазифа).

Бу ҳақда тилшуносларимиз қуйидагича ёзишади: “Кўтарилган масалаларни моҳиятан иккига бўлиш мумкин:

1) ўзбек тилшунослиги олдида 30–40-йилларда қўйилган ва 40–50-йилларда амалга оширган вазифаси – ўзбек тили турли сатҳ бирликларининг замонавий таҳлил усулларида берилган мукамал тавсифи, белгиланган адабий тил меъёрлари, таълимнинг турли босқичи учун яратилган ўқув қўлланмалари, дарслик ҳамда луғатлар асосида тўлақонли назарий тушунчалар ҳосил қилиш; хусусийликларда умумийликни, ҳодисаларда моҳиятни, оқибатларда сабабни, воқеликларда имкониятни очиш даражасига кўтариш;

2) узоқ йиллар давомида ўзбек тили иттифоқдаги туркий, қолаверса, бошқа тиллар каби рус ва Европа тиллари қолиплари асосида ўрганиб келинганлиги сабабли уни ўз ички субстанциал табиатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида миллий яхлитлик сифатида тадқиқ қилиш”. [4:125]

Тилнинг асл ҳолатини тиклаш масаласи ҳақида гап кетганда шуни айтиш лозимки, бу давргача ўзбек тилининг қўлланиш доираси кескин торайиб, унинг лексик таркиби европача ўзлашмалар билан беҳад “бойитилган” эди. Тилнинг онтологик моҳиятини илмий талқинларда тиклашга уринишларнинг куч олиши ўзбек тилшунослиги талқинлари ҳам тилдаги миллий ўзига хосликдан кўра, “байналмилаллик”га асосий эътиборни қаратиб қолганлиги билан белгиланар эди. Тилшунослар М.Миртожиев ва Н.Маҳмудовларнинг таъкидлашларича, “... ўзбек тилининг мавқеи 1917 йилдан кейин маълум шарт-шароитлар таъсирида, ўзбек халқининг қарама-қаршиликларга бой ижтимоий ҳаёти замирида ниҳоятда аянчли бир ҳолга келиб қолди. Бу фақат 1917 йилдан кейингина эмас, ундан олдинроқ турли зарбларнинг таъсирида юзага кела бошлаган эди. Айниқса, 1865 йилдан Туркистонни руслар истило қила бошлаши ўзбек тили учун салбий роль ўйнади”. [1:3]

Бу даврда ўзбек тили лексик структурасининг русча сўзлар билан “бойитилиши”ни икки босқичга бўлиш мумкин:

- 1) 1917 йилдан 60-йилларгача;
- 2) 1960-йиллардан 90-йилларгача.

Биринчи босқич халқларни бир қолипга солиш, ягона мафкурани халқлар онгига зўрлаб сингдириш зарурати натижасида пайдо бўлган бўлса, иккинчи босқич ривожланган социализм шароитида халқлар ва миллатлараро фарқларнинг йўқотилиши натижасида ягона халқ ташкил этувчиси бўлган коммунистик жамиятни барпо этиш ҳаракатлари билан белгиланади. Бу даврга келиб, ўзбек тили расмий доираларда бутунлай муомаладан чиқарилди. Ўзбек тили расмий иш юритиш функциясидан ажралди. Ҳатто юқорида зикр этилган биринчи даврда фаол қўлланган, узоқ замонлар давомида қўлланилишига одатланиб қолинган кўпгина лексик бирликлар янгилари билан алмаштирилди. Масалан *революция* (*инқилоб*), *партия* (*фирқа*), *идея* (*гоя*), *план* (*режа*), *дастур* (*программа*), *идеология* (*мафкура*), *пропаганда* (*ташвиқот*), *агитация* (*тарғибот*), *пионер* (*кашишоф*), *единица* (*бирлик*), *геометрия* (*ҳандаса*), *астрономия* (*фалакиёт*), *форма* (*шакл*), *алфавит* (*алифбо*), *агроном* (*ҳосилот*), *тема* (*мавзу*), *типовой* (*замонавий*), *оппозиция* (*зиддият*), *гражданин* (*фуқаро*), *секретарь* (*котиб*), *совет* (*шўро*), *кооператив* (*ширкат*), *контрреволюцион* (*аксилинқилобий*), *классик* (*мумтоз*), *трагедия* (*фоғжа*), *экономика* (*иқтисод*), *философия* (*фалсафа*), *ижтимоий* (*социал*), *перспектива* (*истиқбол*), *магазин* (*дўкон*), *выставка* (*кўргазма*), *справка* (*маълумотнома*), *диагноз* (*ташхис*), *справочник* (*билдиргич*), *брюшной тиф* (*ич терлама*), *компост* (*гўнг оқизмаси*), *инструкция* (*кўрсатма*), *контроль* (*назорат*), *идентификация* (*бир хиллаштириши*), *интенсификация* (*тезлаштиргич*), *контролёр* (*текиширувчи*), *импульс* (*туртки*) каби.

Сўзларда халқ кечмиши мужассам. Кечмиш эса кадриятлар, халқ дунёқараши, турмуш тарзи каби қатор унсурлардан ташкил топади. Янги муқобилларни тилимизга қиритиб, қўлланиб турганларини сиқиб чиқариш ҳаракатлари даражасини юқорида келтирилган кавсдан ташқаридаги сўзлар тилимизда миқдоран қанча бўлса, кечмишимизнинг тахминан ана шунчасини халқ хотирасидан чиқариш кўрсаткичи сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек тилининг 2 томли изоҳли луғатини янги 5 жилдли луғат билан шу нуқтаи назардан кузатиш ва ўрганиш бу борадаги энг ишончли далилларни тақдим эта олади. Ҳатто 2 томли луғатда миллат ва жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган, бугунги кунда энг фаол лексик бирликлар сифатида амал қилаётган *қадрият*, *мафкура*, *маънавият* каби кўплаб сўзларнинг мавжуд эмаслиги фикримиз далилидир.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги бемисл тараққий этиб, тилимизнинг лексикасини ўрганиш борасида қўлга киритилган ютуқлар фахрланса арзигулик. Ўзбек лексикологияси тараққиёти натижаси ўларок, миллий лексикографиямизнинг юксалиши, бунинг натижасида эса кўплаб луғатларнинг яратилиши, мукаммал изоҳли луғатларнинг тартиб берилиши бунга ишончли далил бўла олади. Сўз семантикасига кириб боришнинг такомиллашуви, сўз семантикасини атомар таҳлил қилишга интилишнинг кучаяётганлиги, биринчидан, фаннинг тараққиёти маҳсули бўлса, иккинчидан, жамиятимиз янгидан-янги типдаги луғатларни тақозо этаётганлиги, уларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурати туғилаётганлиги фикримизнинг исботи. Айниқса, ўзбек лексикографиясида идеографик ва лингвокультурологик луғатчиликнинг шакллана бошлаганлиги ва тараққий этаётганлиги, ўзбек тилининг миллий корпусига талабнинг кучаяётганлиги сўзларнинг семантик структурасини ана шу нуқтаи назар ва талабдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш лозимлигини кун тартибига қўймоқда.

Ўзбек тилшунослигининг назарий босқичида кун тартибига қўйиладиган талаблар тилдаги ҳар бир луғавий-маъновий гуруҳни, жумладан, “маънавиятга оид” архисемали лексемалар ва атов бирликлари тизимини ўрганиш борасида ҳам қатор муаммоларни ҳал этишни кун тартибига қўймоқда. Булар, аввало, ўзбек тилшунослигининг методологик асосларининг тубдан ўзгарганлиги, тилшунослик фанининг ёшлар онгига миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини сингдириш воситаларининг таркибий қисмига айланганлиги, ўрта таълим бўғинларида она тили таълимининг ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстириш, тафаккур маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклларда нутқ шароитига мос равишда баён қилиш малакасини шакллантириш вазифасига бўйсундирилганлиги билан белгиланади.

Ўзбек тилшунослигида лексема ва атов бирликларини луғавий-маъновий гуруҳ сифатида ўрганиш – систем тадқиқотларнинг асосий талаби. Лексемаларнинг системавий муносабати асосида улар қурилишининг тизимийлиги ва унинг мазкур гуруҳдаги ўзига хос хусусиятини очиш, лексемалараро амал қилувчи лексик-семантик муносабатларни тадқиқ қилиш, лексеманинг нутқий ва лисоний маъносини ёритиш, маъноларни воқелантиришда сатҳлараро муносабат ва бошқа сатҳ бирликлари маъносини фарқлаш ҳамда нутқда воқелантиришда муайян маъновий гуруҳ лексема ва атов бирликларининг ўрни ва ролини очиш долзарб вазифадан бири. Ушбу масалалар ечими қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади:

биринчидан, тушунча кўринишларини ифодаловчи лексик система, бу тизимга қирувчи лексема ва атов бирликларининг система ташкил этувчи ва системада юзага чиқувчи белгилари очилади.

иккинчидан, тегишли архисемали лексемаларнинг семантик структураси, лексик-семантик муносабат турларининг бу лексик тизимда воқеланиш хусусияти ўрганилади. Бунда маънодошлик, шаклдошлик, партонимик, градуонимик, иерархионимик, функционимик, гипо-гиперонимик муносабатлар таҳлил этилади.

учинчидан, тегишли архисемали лексемаларнинг таркиби ва тизими, ундаги марказ ва қуршов лексемалари, тузилиш турлари аниқланади.

тўртинчидан, ўзбек тилшунослигида лексемаларнинг лексикографик муносабатлари масаласи ҳам долзарб муаммолардан. Бугунги кунда лисон ва нутқни изчил фарқлаш асосида изоҳли луғатлар тартиб бериш, лексемаларни ўқув изоҳли, даражаланиш, уядошлик, маънодошлик каби луғатларда тавсифлаш масаласи ўта долзарблиги билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
2. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 3.
3. Менглиев Б. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // “Маърифат” газетаси, 2013 йил 15 май.

4. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Қўлланма. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2009. – Б.
5. Нигматов Х., Абдуллаев К., Банару В. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. Тезисы формально-функционального исследования. Советская тюркология, 1984, – № 5. – С. 3–9.
6. Нейматов Х. Қайта қуриш стратегияси ва ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифалари. Тил элементлари ва парадигматика // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, – № 3. – Б. 27–33.
7. Нигматов Х., Халияров Х., Банару В. и др. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса. Тезисы формально-функционального исследования // Советская тюркология, 1988, – № 4. – С. 3–10.
8. Нейматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –Б. 32.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек тилшунослиги тараққиётининг фаҳмий ҳамда идрокий босқич (систем-структур)лари қиёсланади ва ҳозирги тилшуносликнинг ривожланиш омиллари очиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В статье сопоставляются формальный и структурный этапы развития узбекского языкознания, а также факторы его развития на современном этапе.

SUMMARY

In article Uzbek linguistics it is compared between formal and structural system of a stage and it is shown factors in development of modern linguistics.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ВАРИАНТЛИЛИКНИНГ СЕМАСИОЛОГИЯДА ТУТГАН ЎРНИ ҲАҚИДА

Базарова Д. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *вариант, вариантдошлик, дублет, нутқий тежам, нутқий тежам, лингвистика, сўзларда аташ маъноси, меъёр, услуб.*

Тилшунослик фанида вариантдорликининг моҳияти, унинг юзага келиш сабаблари ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Н. Н. Семенюк вариантдорлик тушунчасига куйидагича таъриф беради: “Маълум бир тилда айнан бир лексеманинг, сўз шаклининг, синтактик қурилишининг, ҳеч бўлмаганда иккита ҳар хил формал шаклдаги ҳамда асосий маъноси ўзгариб кетмайдиган конкрет тил бирлигининг бир даврда мавжуд бўлиши вариантдорлик деб аталади” деб ёзади.¹ В.Е.Шетинкин вариантдорликни тилдаги “ортиқчалик” деб билади.²

Бошқа бир гуруҳ тилшунослар фикрича, ‘нормадаги вариантдорлик мулоқот самардорлигини оширишга тўсқинлик қилади ва шу сабабли, вариантлар “керак бўлмаган” нарсалардир. Шу сабабли улар фикрича, тил бирликларини нормаларга солиш жараёнида бундай вариантлар тилдан чиқариб ташланиши керакз.

“Вариантдорлик” атамаси кенг маънода тушунилса, у тилдаги ҳамма ўзгаришларни ўз ичига олади ва полисемия, омонимия, синонимия масалаларни ўз ичига қамрайди.⁴

“Тарихий асосланган (шартланган) вариантларнинг мавжудлига, умуман олганда, шубҳа туғдирмаслиги керак. У адабий тилда юз берувчи эволюцион жараённинг тан олиниши билан боғлиқ. Тарихий асосланган вариантларнинг нормага киритилгани ўз моҳия-

¹ Семенюк Н.Н. Некоторые вопросы изучения вариантности. Проблема формирования норм немецкого языка XVIII столетия. 1967. – С. 49.

² Шетинкин В.Е. О морфологических вариантах во французском языке. Тезисы докл. науч. конф. I МПШИИЯ. 1965,

³ Филин Ф.П. Несколько слов о языковой норме и культуре речи, Вып. 7. 1966.

⁴ Солнцев В.М. Вариатность как общее свойство языковой системы. Вопросы языкознания. 1984. – №2 – С. 34. Ярцева В.Н Проблема вариантности на морфологическом уровне языка. Семантическое и формальное варьирование. 1979. – С. 181.

тига кўра норманинг кодификацияси ва динамикаси ўртасидаги қарама-қаршиликни баргараф қилиш воситаси сифатида қаралмоғи лозим. Норманинг ривожланиши тилда вариантларнинг мавжудлиги билан амалга оширилади...”¹

Вариант тушунчаси нисбатан кенг қамровли ва турли соҳаларга оид бўлиб, унинг нафақат умумистеъмол, ижтимоий-сиёсий ёки лингвистик, балки аниқ фанлар соҳасида ҳам ўзига хос моҳиятга эгаллигини кўриш мумкин. Масалан, физикада у “термодинамик системадаги эркинликлар сонини ифодалайди ёхуд муайян чегараларда фазалар сонини ўзгартирмасдан юз берадиган физик алмашувлар сони”ни англатувчи термин сифатида қўлланади.²

Вариант ва дублет тушунчалари стилистика билан боғлиқ бўлиб, уларнинг истеъмол доирасини ушбу сатҳ белгилайди. Масалан Алишер Навоий асарларида “тупроқ” сўзининг “туфроқ” варианты кенг қўлланилади. Масалан:

Хунарни асрабон неткумдур охир,

Олиб туфроққаму кеткумдур охир (ФШ).

Демак, бу ерда *туфроқ* фақат бадиий услубга хосликни намоён қилиб, уни ҳозирги ўзбек тилидаги бошқа услублар билан алмаштириш мумкин эмас. Ёки “каптар” ҳамда “кабутар” вариантларидан “кабутар” сўзи сўзлашув услубида қўлланмайди.

Вариантдошлик, вариантлилиқ ёхуд вариантдорлик тил меъёри талаблари нуқтаи назаридан баҳоланади. Шунингдек, юқорида зикр этилган эскирганлик ёки янгилик, адабийлик ёхуд шевавийлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш ҳам масалани ойдинлаштирувчи, ҳодисага холис ёндашишдир.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам бошқа тиллар каби вариантларга бойлиги билан характерланади ва ягона “инвариант” шаклини танлаш ҳамда бошқа вариантларни инкор қилиш тилнинг ижтимоий функциясига путур етказилади.

Тилнинг тарихий тараққиёти нуқтаи назаридан муносабатда бўлинса, вариантларнинг яшовчанлиги, қўлланувчанлик даражаси турлича эканлигини кўриш мумкин.

Айрим сўзлар вариантлари қонунийлиги ва яшовчанлиги билан характерланади. Масалан: *подшоҳ – пошшо; бугун – букун; устоз – устод; аллоҳ – олло* каби.

Ҳамида подшонинг кўзи олдида от чопиб ўйнашини тасаввур қилди-ю, бирдан ваҳми келади. (П.Қодиров, Ҳумоюн ва Акбар, 1997, 24-бет). – *Сен чиқ, пошшоликдан чопар келяпти!* – *деди қалби ифтихор ва гурур билан.* (Х.Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши, 2004, 90-бет).

– *Подшоҳ ҳазратлари, сиз ҳақсиз, қулингизни густоҳлигим учун авф этинг!* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. Бобур, 2006, 380-бет);

Ёки бугун (букун) вариантнинг қўлланишига эътибор қилайлик:

Бугун қанақа кун? Чоршанба... Наҳотки жума кун олиб кетишса? (Ч.Айтматов. Эрта қайтган турналар, 2006, 285-286-бетлар). – *Шу букун! Агар шўрлик Бобо Хурмо еган калтакларнинг ўндан бирини еганларида эди жаноблари ҳам ҳибсдан чиқмасданоқ Боги Эрамга нарвоз қилгар эдилар!*” (О. Ёкубов. Кўхна дунё, 2004, 367-бет.)

Сўз вариантлари кўпинча ўзак ҳолидаги сўзлардан юзага келади: *сарвқомат – сарвқомат, устод – устоз, аллоҳ – олло, иймон – имон* каби.

Унинг қулоғига: Ҳеч кимга, ҳеч қачон сени хафа қилдириб қўймайман, қизил дуррачали сарвқоматим! – *деб пичирладим.* (Ч.Айтматов. Эрта қайтган турналар. 2006, 290-бет). *Алвидо, Асал! Алвидо, қизил дуррачали сарвқоматим! Алвидо, севгилим! Бахтли бўлгил...*(Ч.Айтматов. Эрта қайтган турналар, 2006, 386-бет); – *Омон бўлинг, устод. Бу яхшилигингизни тобад унутмаймен!*” (О.Ёкубов. Кўхна дунё, 2004, 372-бет.). *Кашфиёт эмас бу кечиринг, устоз* (А.Орипов. Мен нечун севаман Ўзбекистонни, 2006, 24-бет.); *Қани Аллоҳга эътиқод? Дини имонини олтинга сотиб ейдиган сиздек очкўз одам қандай*

¹ Едличка А. О пражской теории литературного языка. Пражский лингвистический кружок. стр. 553.

² Большая Советская энциклопедия.

қилиб шайхулислом бўла олгай?” (П. Қодиров, Хумоюн ва Акбар, 1997, 110-бет). **Олло раҳмат қилгай! Қачон?** (О.Ёқубов. Кўҳна дунё, 2004, 367-бет.)

Вариантдош бирликларнинг тавсифида уларга махсус талаблар қўйилади, муайян белгилар ажратилиб, вариантдошларни тайинлаш ва фарқлашда улар мезонлар сифатида амал қилади. Уларнинг асосий белгиларидан умумий денотатив маъно ҳамда умумий грамматик маъно, асосан муҳим қийматга эга ҳисобланади.

Умумий грамматик маъно уларнинг бир категориал туркумга мансублигини ифода-лайди. Зеро, масалан, *подшо* ва *подшоҳ* сўзлари вариантдош бўлиб, уларнинг эгалик аффиксларига муносабати турличадир. *Подшо* сўзи товуш орттирилган эгалик шаклини олса (*подшоси*), *подшоҳ* сўзи бундан мустасно. Адабий тилнинг асослари турлича бўлиб, шунга мувофиқ равишда, унинг меъёрлари ҳам миллий соҳибларига генетик жиҳатдан тенг муносабатда бўла олмайди. Айрим адабий меъёр бир лаҳжа вакили учун қулай, унинг шеvasига мос бўлса, бошқаси ўзга шева вакиллари учун қулайлик туғдиради.¹

Фойдаланилган адабиётлар

1. Семенюк Н.Н. Некоторые вопросы изучения вариантности. Проблема формирования норм немецкого языка XVIII столетия. 1967. – С. 49.
2. Шетинкин В.Е. О морфологических вариантах в французском языке. Тезисы докл. науч. конф. I МГПИИЯ. 1965. – С. 196–197.
3. Филин Ф.П. Несколько слов о языковой норме и культуре речи, Вып. 7. – М.: Наука, 1966. – С. 76–77.
4. Солнцев В.М. Вариатность как общее свойство языковой системы. Вопросы языкознания. 1984. – №2 – С. 34.
5. Ярцева В.Н. Проблема вариантности на морфологическом уровне языка. Семантическое и формальное варьирование. 1979 – С. 181.
6. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. I қисм, 1998. – Б. 133.
7. Едличка А. О пражской теории литературного языка. Пражский лингвистический кружок. – М.: Наука, 1987. – С. 553.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек тилида қўлланадиган вариантдош сўзларнинг илмий талқини берилган ҳамда унинг лингвистик хусусиятлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье дается научное толкование вариантов слов узбекского языка, анализируются их лингвистические особенности.

SUMMARY

In article it is proved the scientific and linguistic analysis of variantation of words, and also proivodino their semantic features.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган

ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИ НЕМИС ТИЛИДА

Куванова Ш.О., Холматова К.М (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *эртак*, *қўлёзма*, *таржима*, *тадқиқот*, *ўзбек халқ оғзаки ижоди*, *анъанавий қадриятлар*, *репертуар*, *моҳир таржимон*.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бутун дунё аҳлининг эътиборини жалб этиб келмоқда. Ҳ.Вамбери, Г.Юнгбауер, И.Ланнерова, И.Сиртаутас, М.Шпаду, В.Флайшер, Г.Келлер, И.Балдауф, З.Клайнмихел, К.Райхл каби олимлар ўзбек халқи оғзаки ижодий меросининг қўлёзма, босма нусхаларини тўплаб, таржима ва тадқиқ қилишган. Бонн университети профессори К.Райхл саккизта ўзбек халқ эртаги ҳамда “Равшан” ва “Алпомиш” достонларини немис тилига таржима қилди.

¹Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. II қисм. – Т., 1999, – 140 б.

Ўзбек-немис адабий алоқалари ва таржимашунослиги бўйича Ўзбекистонда Р.Файзуллаева, Я.Эгамова, С.Очил, Ш.Рўзиев, Ш.Каримов, Р.Абдуллаева, Ғ.Хўжаев, У.Сотимов, М.Жавбўриев, Ғ.Маҳмудов, З.Содиқов, С.Жабборовларнинг илмий ишлари мавжуд. Юқорида тилга олинган олимларнинг тадқиқотларида кўтарилган масалалар ўзбек фольклори алоқалари, ҳар икки тилдан бирига таржима қилинган фольклор асарлари таҳлилидан фарқланади.

Миллий тили, диний эътиқоди, менталитети, анъанавий кадриятлари, этноси ва жуғрофий жойлашуви турлича бўлган халқларни бир-бирига яқинлаштиришнинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Бу ўзбек халқ оғзаки ижодини таржимада бериш айрим йўқотишларга олиб келса ҳам, таржима тилини бойитади. Ўзбек тилидан немис тилига таржима қилинган фольклор асарларнинг катта қисмини оғзаки наср намуналари –эртақлар, латифалар, афсоналар, лофлар ва дostonлар ташкил этади.

Эртақ жаҳон халқлари фольклорининг энг қадимий ва кенг тарқалган жанридир. Ўзбек эртақлари оммавийлиги, кенг тарқалганлиги, бошқа халқлар оғзаки ижодига ҳамонанг ўхшаш сюжетларга бойлиги билан ажралиб туради.

Халқ эртақлари узок асрлардан бери тарихчилар, археологлар, этнографлар, ўлкашунослар, географлар, адабиётчилар, тарихшунослар, тилшунослар ва фольклоршуносларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Эртақшунослик фольклористиканинг тараққий этган соҳасидир. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида олимлар эртақларни тўплаш ва ўрганишнинг зарурлиги ҳақида ўз фикрларини баён этганлар ва унинг ажойиб хусусиятларини кўрсатиб ўтганлар.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам халқ эртақларини тўплаш, нашр қилиш, илмий тадқиқ этиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бу борада М.Афзалов, Б.Каримов, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Ғ.Жаҳонгиров ва бошқа олимларнинг хизматлари катта.

Ўзбек фольклори эртақларга жуда бой. Эртақшунослик соҳасида талай ишлар амалга оширилганига қарамай, фольклористикамизда ҳали бу соҳада амалга ошириладиган ишлар анчагина. Шулардан бири ўзбек эртақларининг бошқа тилларга амалга оширилган таржималарини ўрганишдир. Хусусан, ўзбек-немис фольклори алоқаларида эртақларни ўрганиш етакчи ўрин тутаяди. Ўзбек фольклоридан немис тилига таржима қилинган асарлар орасида халқ эртақлари энг кўп қисмини ташкил этади. Ўз навбатида, немис фольклоридан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳам эртақлардир. Бунга ёрқин мисол тариқасида ака-ука Гримлар эртақларини кўрсатишнинг ўзи кифоя. Туркий халқлар эртақлари асосида Европада нашр этилган дастлабки тўпламлардан бири Г.Юнгбауернинг “Туркистон ва Тибет эртақлари”¹ мажмуаси ҳисобланади. Ғ.Хўжаев ўз рисоласида “Жаҳон халқлари адабиёти эртақлари” сериясида нашр этилган бу тўплам Ўзбекистон китоб фондларида бўлмаганидан унинг тўла мазмуни ва структураси ҳақида маълумот бериш қийин”,² деб таъкидлайди.

Мутаржим ва шарқшунос Г.Юнгбауер эртақлар тўпламига сўзбоши ёзар экан, Туркистон ўлкаси тўғрисида қизиқарли этнографик маълумотлар беради. Жумладан, у халқнинг яшаш тарзи, урф-одати, маданияти ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади. Г. Юнгбауер шундай ёзади: “Туркистон халқ эртақларининг тили тўғрисида бирор нарса ёзишим оғир, чунки мен уларни турк тилларида ҳеч қаерда кўра олмадим. Мен ўғирган бу эртақлар рус тилидадир. Ҳозирги кунгача Туркистон халқ оғзаки ижоди фақат Европа олимлари томонидан ўрганилиб, ёзиб олинмоқда ва бошқа тилларга таржима қилинмоқда. Мен Остроумовнинг 1906 йилда нашр этилган “Сказки сартов” эртақлар тўпламидан танладим”³

Тўпламдаги ўзбек халқ эртақлари ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун уларнинг айримларига, яъни П.Остроумов ва Г.Юнгбауерлар берган изоҳларга тўхталиб ўтамиз. Тўплам “Шоҳнинг уч ўғли” эртаги билан бошланади. Бу эртақ Тошкент гимна-

¹ Maerchen aus Usbekistan und Tibet herausgegeben von Gustav Jungbauer, Jena, 1923.

² Нурмуродов Й. Ўзбек фольклори олмон тилида, Тошкент, “ФАН”, 1987

³ Maerchen aus Usbekistan und Tibet herausgegeben von Gustav Jungbauer, Jena, 1923.

зиясининг 6-синф ўқувчиси самарқандлик Фарход Абдурахмон ўгли томонидан ёзиб олинган. Иккинчи эртақ эса “Шайтоннинг хазинаси” деб номланган бўлиб, бу эртақ кўқонлик бир кишидан В.Ф.Васильев томонидан ёзиб олинган. Таржимон бу эртақларни турли халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёслади. Эртақ ичида эртақ усули асосида “Учар гилам”, “Очил дастурхон”, “Қайнаркоса”, “Ур тўқмоқ” эртақларидаги тугунлар бирлашиб, нотабий ҳодисаларни келтириб чиқарган. Эртақ воқеаларининг ҳаммаси кичик шахзода ва гўзал малика – “пари” орасида бўлиб ўтади. Бу эртақнинг тугунида икки хил ахлоқ нормалари бир-бирига зид қўйилади. Натижада ечим турли шаклда намоён бўлади. “Учар гилам” акаларининг олдига олиб борса, “Қайнаркоса” маликани эшакка айлантириб қўяди. Мазкур тугун ечимида асосан, эгрилик ва бузуклик каби ярамас одатлар қораланади, тўғрилиқ ва покизалиқ улуғланади.

Г.Юнгбауер ўзбек эртақларида ўзбек халқининг дунёқараши, ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўзгаришларга бўлган муносабати ифодаланганини тўғри англайди. Жумладан, у “Уч оға-ини шахзодалар” эртагида соф севги, меҳнат, донишмандлик улуғланганини, халқнинг орзу-умидлари бадиий ифодаланганини кўради. Юнгбауер таржима қилган “Уч оға-ини шахзодалар” эртаги ҳозир машҳур бўлган “Уч оға-ини ботирлар” эртагининг тарихий вариантидир. Бу икки эртақ образлар талқини жиҳатдан бирмунча фарқланади. Жумладан, Г.Юнгбауер таржимасида ота – шох, уч ўғил шахзодалар деб талқин қилинади. Эртақнинг кейинги вариантыда эса ота – донишманд чол, уч ўғил – оддий халқ вакиллари сифатида тасвирланади. Г.Юнгбауер ҳар бир эртақ ҳақидаги Н.Остроумовнинг изоҳларини, аниқроғи сарт эртақларининг ўхшаш вариантларига доир изоҳларини немис тилида ҳам аниқ баён қилган ва шу мазмундаги эртақларнинг бошқа халқлар эртақлари мазмунига мос келиши, бу эртақларнинг қайси тўпламларда мавжудлиги тўғрисида ҳам аниқ маълумотлар берган. Бу билан у ўз тўпамининг илмий жиҳатдан пухта бўлишини таъминлаган.

Хулоса қилиб айтганда, Г.Юнгбауернинг немис-ўзбек алоқаларини ривожлантиришда Х. Вамберидан кейинги таржимон сифатида алоҳида ўрни бор. Унинг таржималари немис-ўзбек адабий алоқаларини нафақат фольклористик, балки тилшунослик йўналишида ўрганувчилар учун ҳам қимматли манба бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Имомов К., Мирзаев Т. ва б. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –34 б.
2. Нурмуродов Й. Ўзбек фольклори олмон тилида. –Тошкент: Фан, 1987. –28 б.
3. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1955. – 64 б.
4. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. –25 б.
5. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 44 б.
6. Maerchen aus Usbekistan und Tibet herausgegeben von Gustav Jungbauer, Jena, 1923 –P. 16.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий тили, диний эътиқоди, менталитети, анъанавий қадриятлари, этник мансублиги ва жуғрофий жойлашуви турлича бўлган халқларни бир-бирига яқинлаштиришнинг ўзига хос имкониятлардан бири халқ оғзаки ижоди ва унинг таржимаси эканлиги ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Существуют определенные проблемы в сближении народов, имеющих разные национальные языки, вероисповедание, менталитет, традиционные ценности и географическое расположение. Основная цель работы – анализ успешных переводческих работ узбекских сказок, доступных западных читателям.

SUMMARY

There are existing definite problems in closing peoples, having various national languages, religious, attitudes, mentalities, traditional values and geographical situations. Main goal of work is analyzing of translation of Uzbek stories. Successfully analyzes of Uzbek tales, and favorable for Western readers.

Наишга доц. Ғ.Хўжаев тавсия этган

¹ Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1955.

TA'LIMGA AKMEOLOGIK YONDASHUV – SHAXS
KAMOLOTINING OMILI

G'afforova T.G'. (QarDU), Haydarova O. (TATU)

Tayanch so'z va ibopalar: *ta'lim, globallashuv, intellektual imkoniyatlar, akmeologiya, ta'limning ustuvor vazifasi, yuqori daraja, o'z-o'zini shakllantirish.*

Bugungi fan-texnika taraqqiyoti jamiyatdagi o'zgarishlarning jadallashishiga, jamiyat hayotiga yangiliklarning kirib kelishiga sabab bo'lmoqda. Ayniqsa, ta'lim sohasining jamiyat hayotiga ta'siri, uning o'zgarishi va rivojlanishida asosiy ahamiyati sezilmoqda.

Tezkor o'zgarishlar va texnologiyalarning kirib kelishi, texnik va texnologik taraqqiyotni kuzatish va uzluksiz ta'limda joriy etishni talab etadi. Ta'lim jarayoni jamiyat taraqqiyotining ijtimoiy omili sifatida faoliyat yuritib, jamiyat va uning barcha sohalarini o'zgartirishi va rivojlantirishi lozim. Zamonaviy bilim va malakalarni jamiyat va mehnat faoliyatida joriy etilishi taraqqiyotni harakatlantiradi. Shu ma'noda ta'lim sohasidagi yangiliklar va o'zgarishlar ijtimoiy taraqqiyotning omili hisoblanadi.

Yuksak darajadagi bilimli va malakali kadrlari bo'lmagan jamiyatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish bo'lmaydi.

Demak, jamiyat va ta'lim sohasidagi o'zgarishlar o'zaro uzviy bog'liq bo'lib, birining rivojlanishini ikkinchisi ta'minlab beradi. Shuning uchun ta'limga jamiyat taraqqiyotining samaradorligini ta'minlab beruvchi omillardan biri sifatida qaralsa, hozirgi davrni jamiyatning barcha sohalarini kabi ta'lim sohasida ham katta va tezkor o'zgarishlar davri deb atash mumkin.

“Bugungi kunda, umumiy e'tirofga ko'ra, XXI asr globallashuv va chegaralarning barham topish davri, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va internet asri, jahon maydonida va dunyo bozorida tobora kuchayib borayotgan raqobat asriga aylanib borayotganini isbotlab berishga hojat yo'q, albatta”.¹

Shuning uchun ham hozirgi davrda ta'limga e'tibor qaratish, vatanimiz kelajagi bo'lmish yosh avlodni voyaga yetkazishda ularning intellektual imkoniyatlarini rivojlantirishga qodir ta'lim mazmuni va shakllarini yaratishga e'tibor qaratish, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlab yetkazish dolzarb muammoga aylanib bormoqda. Ertaga maktablarda bolalarga nimani o'qitish va qanday o'qitish kerak, degan savolga javob topish zarur. Bunda fan-texnika taraqqiyoti, ishlab chiqarish va shaxs ehtiyojlari bilan bir qatorda o'quvchining qiziqishlari, intellektual imkoniyatlari va talablarini ham alohida hisobga olish lozim.

Ta'lim jarayoni jamiyat hayotining ustuvor yo'nalishi bo'lib, u yosh avlodni shakllantirish va muntazam rivojlantirish bilan bog'liq bo'lgan bir qator muhim vazifalarni bajarishga yo'naltirilgandir.

“Bugun hech kimga sir emaski, biz yashayotgan XXI asr – intellektual boylik hukmronlik qiladigan asr.

Kimki bu haqiqatni o'z vaqtida anglab olmasa, intellektual bilim, intellektual boylikka intilish har qaysi millat va davlat uchun kundalik hayot mazmuniga aylanmasa – bunday davlat jahon taraqqiyoti yo'lidan chetga chiqib ketishi muqarrar. Buni chuqur anglab olgan davlat, bunday xulosani chiqargan xalqaro hamjamiyat va taraqqiy topgan mamlakatlar qatoriga ko'tarilish uchun harakat qilayotgan jamiyat, birinchi navbatda, bugun unib-o'sib kelayotgan

¹ Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning 2012-yil 17-fevralda “Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash – mamlakatni barqaror taraqqiy ettirish va modernizatsiya qilishning eng muhim sharti” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqidan.

farzandlarining har tomonlama barkamol avlod bo‘lib hayotga kirib borishini o‘zi uchun eng ulug‘, kerak bo‘lsa, eng muqaddas maqsad, deb biladi”¹.

Shuning uchun ham boshlang‘ich sinfdanoq o‘quvchilarning zamon talabi darajasida bilim ko‘nikma va malakalarni egallashlari har qachongidan ham muhimdir. Chunki ta‘limning hamma bosqichlarining yuqori saviyada bo‘lishida boshlang‘ich ta‘lim asos vazifasini bajaradi. Ko‘pgina o‘quvchilarning intellektual imkoniyatlari boshlang‘ich sinfdan boshlab ko‘zga ko‘rina boshlaydi. Bu imkoniyatlarni avaylab rivojlantirish natijasida yuqori malakali kadrlarni tayyorlashga zamin yaratish mumkin. Shuni alohida ta‘kidlash lozimki, insonlardagi intellektual imkoniyat va qobiliyatlar ba‘zan kechroq yuzaga chiqadi. Shuning uchun ham bunday o‘quvchining bilimsizligi haqida darrov xulosa chiqarish ham yaxshi natija bermaydi.

Insonning intellektual imkoniyatlarini rivojlantirishda akmeologik yondashuv katta ahamiyatga ega.

Akmeologiya – *akme* – yuqori, *logos* – ta‘limot degan ma‘noni bildiradi. Bu – psixologiyaning rivojlanish psixologiyasi bo‘limi bo‘lib, individual rivojlanishning yuqori darajasiga erishish (akme) mexanizmi va qonuniyatlarini tadqiq qiladi.

Ta‘limga akmeologik yondashuv o‘quvchilardagi bor intellektual imkoniyatlarni ishga solishga, ulardagi faollikni ishga solish yordamida ular zehning yuqori darajasigacha erishishni ko‘zda tutadi.

Zamonaviy ta‘limning asosiy vazifalaridan biri o‘quvchilardagi bor intellektual imkoniyatlarni yuzaga chiqarish, ularni faollashtirish orqali zamon talabiga javob beradigan kadrlarni yetishtirishdir. Ta‘lim sohasidagi milliy dastur doirasida amalga oshirilayotgan bunyodkorlik ishlari va erishilgan qator ijobiy o‘zgarishlarga qaramasdan, ta‘lim sifat samaradorligi rivojlaniishi dinamikasini yanada jadallashtirish, bunda yaratilgan shart-sharoitlar va imkoniyatlardan samarali foydalanish bugungi kunda eng dolzarb masala hisoblanadi.

Bolalar va o‘smirlarning bilim olish motivatsiyalarini shakllantiruvchi mexanizmlarni va o‘qitishning yangi shakl, noan‘anaviy uslublari orqali ularning bilish jarayonlarini faollashtirish tizimini takomillashtirish hamda indikatorlar tizimi orqali ta‘lim-tarbiya jarayoni sifatini boshqarish mexanizmlarini ishlab chiqib amalga joriy etish zarurati mavjud. Aynan mana shular uzluksiz ta‘lim tizimini mazmunan takomillashtirishni, ta‘lim-tarbiya samaradorligini yangi sifat bosqichiga ko‘tarishga xizmat qiladigan ta‘sirchan choralarni ko‘rishni taqozo qiladi.

Ta‘limning ustuvor vazifalaridan biri ta‘lim oluvchi ongu shuurida milliy va umuminsoniy qadriyatlar qaror toptirish, unda kelajakda jamiyatda o‘z munosib o‘rnini topishi uchun amaliy hayotiy ko‘nikmalarni shakllantirish bilan o‘quvchi yoshlarning ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarga faol kirishishiga zamin hozirlashdir.

Shu nuqtai nazardan, ta‘lim-tarbiya jarayonini nafaqat o‘quvchi yoshlarga fanlar bo‘yicha bilim berish, balki egallagan bilim va malakalarini amalga tatbiq etish, ulardan maishiy hayotda foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirishga yo‘naltirish ham asosiy vazifalardan biridir. Shu ma‘noda ta‘limni takomillashtirish bo‘yicha keng ko‘lamli izlanishlar olib borilmoqda. Shuni unutmazlik kerakki, har qanday taraqqiyot, insonlardagi bilim, intellektual imkoniyatlar va yaratuvchanlik faoliyatlari mahsulidir. Shuning uchun ham hozirgi kunda insonlardagi intellektual imkoniyatlarni maksimal ishga solish sohasidagi izlanishlar muhim ahamiyatga ega. Shunday izlanishlardan biri ta‘limga akmeologik yondashuvdir. Akmeologiya fanini birinchilardan bo‘lib rus olimi N. A. Ribnikov 1928-yilda «...rivojlangan aqlli insonlar haqidagi fan» sifatida ishlab chiqdi.

XX asr o‘rtalarida – B. G. Ananov akmeologiyani inson haqidagi fanlar tizimiga kiritdi. XX asrning 90-yillarida A. A. Derkach va A. A. Bodaleva rahbarligida Rossiya Federatsiyasi Prezidenti huzuridagi Rossiya davlat xizmati akademiyasida birinchi professional faoliyat akmeologiyasi va psixologiyasi kafedrasini tashkil etildi.

¹ I.Karimov. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. – Toshkent: O‘zbekiston, 2015. – 268 b.

Inson tashqi olam bilan doimiy aloqada bo'ladi, doim axborotlar almashadi, undan energiya oladi. Har bir tirik mavjudot o'zi yashab turgan olamda yashash uchun maksimal imkoniyatlarni yaratadi..

Insonning **akme** yo'lida rivojlanish jarayoni bir necha etaplarni tashkil qiladi. Umumiy qilib aytganda, bu jarayon o'z-o'zini boshqarish va hayotga tayyorlashdan iborat bo'ladi. O'z-o'zini tayyorlash bu – o'z-o'zini tarbiyalash va o'z bilimini oshirishdan iboratdir. O'z bilimini oshirish bu maxsus tashkil etilgan o'quv muassasalarida bilim, ko'nikma va malakalar egallash emas, balki o'ziga zarur bo'lgan maqsadlarini amalga oshirishdan iborat turmush saboqlaridan iborat. Insonda ma'lum bilim, ko'nikma va malakalar va axloqiy sifatlar shakllangandan keyin unda o'z-o'zini namoyon qilish boshlanadi.

Bu etapda insonda ijodiy potensial shakllanadi. Mustaqil bilimlarni egallash bu – ta'lim muassasalarida ko'zda tutilganlardan emas, balki insonning o'z maqsadini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalar egallashdir. Insonlarda shakllanadigan ma'lum axloqiy sifatlar – o'z-o'zini tarbiyalash kabi sifatlar insonning o'zi yashab turgan va tarbiyalanayotgan ijtimoiy muhit tomonidan har doim ham berilavermaydi.

Insonda ma'lum bir hayot uchun zarur bilim, ko'nikma va malakalar, axloqiy sifatlar tizimi paydo bo'lgandan keyin uning o'z fikri paydo bo'ladi va o'zi harakat qila boshlaydi. Insonda paydo bo'lgan mustaqil fikr o'zining bilim va professional mahoratini oshirish ustida ishlashga zamin yaratadi. U yangiliklar yarata boshlaydi, o'zini ijodkor sifatida namoyon qiladi, kasbiy mahorat sohasida yuqori cho'qqilarni egallay boshlaydi. Insonning yaratganlari sotsium tomonidan ma'qullanishi va qabul qilinishi lozim. Chunki yuqori darajadagi kasbiy mahorat yuqori baho olishi kerak. Afsuski, hamma vaqt ham shunday bo'lavermaydi.

Bu holat insonning o'z-o'zini shakllantirishi qanday boradi, qanday yo'llar bilan uni bilishning yuqori pog'onasiga ko'tarish mumkin kabilarni akmeologiya fani o'rgatadi.

Tabiiyki, insonning o'z-o'zini shakllantirishi va namoyon qilishiga asos, avvalo, maktab ta'limi yillarida shakllanadi.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalar shakllanadi. Bilim, ko'nikma va malakalar insonning keyingi hayot yo'lida asosiy ko'makchi, boshqaruvchi bo'lmog'i lozim. Hayot davomida ilm, fan va texnologiya, shuning asnosida ishlab chiqarish ham doim rivojlanadi. Bu rivojlanishga moslashish ishlab chiqarish davomida vujudga kelayotgan muammolarni tez hal qila bilishga erishish insonlardan doimiy ravishda o'z ustida ishlashni, o'zining bilim, ko'nikma va malakalarini takomillashtirib borishni talab etadi. Bunga erishish uchun umumta'lim maktablaridanoq o'quvchilarni o'z-o'zini anglashga, kamchiliklarni bartaraf etishga, o'z ustida ishlashga, mustaqil ravishda muammolar yechimini topa bilishga o'rgatmoq zarur.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda motiv hosil qilish ularning bilim egallashlari va o'z ustilarida ishlashlariga qiziqishni hosil qiladi. Motivlarni hosil qilishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

– motiv hosil qilish yo'llarini tanlashda o'quvchilarning yosh va psixologik xususiyatini e'tiborga olish;

– bilimlarni egallashda shaxsiy mas'uliyat hissini yaratish;

– ta'lim jarayonida ishtirokchilarning qiziqishini uyg'otish va saqlab turish;

– orttirilgan bilimlardan hayotda qanday foydalanish mumkinligini tushuntirish;

– o'quvchining harakatlarini ma'qullash, e'tirof etish, rag'batlantirish;

– o'quvchilarni mustaqil, ijodiy ishlashga yo'llash;

– sog'lom raqobat;

лик), ижтимоий интеграциянинг пасайиши ва беқарорлиги ётади. Шахс ва унинг ижтимоий атроф-муҳитдаги ўзаро муносабатларининг бузилиши, шахслараро муносабатларнинг қийинлашуви, яқинлари томонидан субъект эҳтиёжлари, қизиқишлари инобатга олинмаган ҳолда ўтказилган босим, уларда ҳаёт мазмуни, хавфсизлик ва "керак"лилик ҳиссининг йўқолиши кўпинча суицидал хулқ-атвор намоён бўлиш сабабларидан биридир.

Суицидал уриниш муаммосини ўрганиш психология фани тарихида сезиларли ўрин эгаллайди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларида бир гуруҳ олимлар томонидан бутуниттифоқ илмий-услубий суицидологик марказ ташкил этилиб, шу тариқа суицидал ҳолатлар келиб чиқишининг сабабларини ўрганишга нисбатан жиддий ёндашувлар даври бошланди. Шу ўринда Э.Дюркгейм, З.Фрейд, А.Адлер, К.Меннингер, Г.К.Юнг, Г.С. Салливан, К.Роджерс, Э.Шнейдман, Н.Фарбероу ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари самарали натижаларни берган.

Рус психологиясида суицидал хулқ-атворга мойил шахслар психологиясини ўрганиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бу соҳада А.Е.Шир, А.Г.Амбрумова, А.В.Ковалев, А.Е.Личко, Л.Я.Жезлова, Е.М.Вроно, В.Т.Кондрашченко ва бошқалар муваффақиятли илмий изланишлар олиб борганлар. Улар ўзларининг илмий тадқиқотларида кишида суициднинг келиб чиқиш сабаблари ва мотивлари, ёш ва жинсий хусусиятлари, шахс хусусиятларининг суицидга таъсири ҳамда аффектив ҳолатларда суицидал уринишнинг содир этилиши каби масалаларни кенг ёритганлар.

Суицидал хулқ-атвор муаммосини ўрганиш ва унинг олдини олиш борасида мамлакатимиз психологлари томонидан ҳам бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, М.Давлетшин, А.Ахунжанова, Н.Соғинов, Э.Усмонов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида суицид муаммосининг умумий тавсифи, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ижтимоий-психологик омиллари ва кўринишлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўз жонига суиқасд қилиш механизмларининг назарий ва амалий жиҳатдан етарлича асосланмаганлиги, шахс суицидининг психологик, педагогик профилактикаси, диагностикаси, коррекцияси амалиётда кенг қўлланилмаётганлиги, шахс суициди ва унинг олдини олиш тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги, одамлар ўртасида суицидал фаолликни чеклаш ва олдини олиш бўйича тарбиявий чора-тадбирлари етарли натижалар бермаётганлиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда.

Шу боис, тадқиқотимиз жараёнида жаҳон психологияси фанида ушбу муаммонинг ўрганилиши, унинг мотивацияси, суицидал уринишларга сабаб бўлувчи ижтимоий-психологик омиллар ва уларнинг психокоррекцияси ҳақида батафсил маълумот берамиз.

Суицид – лотинча сўздан олинган бўлиб, ўз жонига қасд қилиш, онгли равишда ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш маъносини билдиради. Суицидал хулқ-атвор - суициддан кенгроқ тушунча бўлиб, ўзида суицидал хатти-ҳаракат, ўз жонига қасд қилиш ҳодисаларини қамраб олади. Адабиётларда кўпинча суицидал хатти-ҳаракатлар билан солиштириладиган, “аутоагрессивизм” (ўзига жароҳат етказиш), “аутоагрессив хатти-ҳаракат” терминлари учрайди. Агар аутоагрессив ҳаракатнинг охириги мақсади ўз жонига қасд қилиш бўлса, уни суицидал хатти-ҳаракатларга боғлаш мумкин. Замоनावий, айниқса хорижий адабиётларда “аутодеструктив” (ўзига зарар етказиш билан боғлиқ хулқ-атвор) “ўзини ўзи йўқ қилиш” хулқ-атвори тушунчаси кенг тарқалган. Психологик-руҳий оғриқ, оғир инқирозли ҳолатнинг умумий белгиси ҳисобланади. Кўнгил оғриғига чидай олмаслик, уни ҳар қандай йўл билан тўхтатишга олиб келади, инқирозли вазиятдаги одамга эса суицид ўз муаммолардан қутулиш ва ҳал этиш усулидек кўринади.

Э.Дюркгейм суицид ҳолатларини ўрганиб, уни келтириб чиқарувчи омилларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Э.Дюркгеймнинг ўз жонига қасд қилишнинг ижтимоий назариясига мувофиқ, суицидал фикрлар, аввало, шахснинг ички шахсий алоқаларининг узилиши, ўзи тааллуқли бўлган ижтимоий гуруҳдан бегоналашуви оқибатида пайдо бўлади.

Унинг қарашларига мувофиқ, суициднинг учта асосий кўринишлари мавжуд. Биринчи кўриниши, кўпгина ўз жонига суиқасд ҳаракатлари эгоизмни билдиради ва кўп ҳолатларда ўзини ўзи йўқ қилиш индивиднинг ўзини жамиятдан, оиласи ва дўстларидан бегоналашган ва яккаланган деб ҳис қилиши билан шартлангандир. Иккинчи кўриниши, аномик ўз жонига суиқасд қилиш бўлиб, у шахснинг ижтимоий гуруҳ билан ўзаро алоқасини бузилишига олиб келадиган жамиятдаги ўзгаришларга мослашишдаги муваффақиятсизликларнинг оқибатида юз беради. Улар ижтимоий-иктисодий инқирозлар вақтида кўпаяди, бироқ ижтимоий юксалишда ҳам сақланиб қолади, чунки тараққиётнинг тезлик билан ўсиши олдинги ҳаётий шароитлардан фарқ қилувчи янги муҳитга мослашишни келтириб чиқаради. Муаллиф ўз ҳаётига суиқасднинг охириги, учинчи кўринишини альтруистик суицид деб номлаган. Суициднинг ушбу кўринишида эса инсоннинг жамият ёки гуруҳнинг обрўли шахси (авторитети) томонидан унинг эгоидентлигини бостириши оқибатида у жамият фойдаси, қандайдир ижтимоий, диний ёки фалсафий ғоя учун ўзини қурбон қилиши кўрсатиб ўтилган.

Атоқли психиатр З.Фрейд ва унинг шогирди К.Юнгнинг суицид борасидаги тасаввурлари эса одамдаги мавжуд иккита асосий майл концепциясига асосланади. Бу концепциянинг биринчиси эрос: ҳаёт инстинкти бўлса, иккинчиси эса танатос – ўлим инстинктидир. Олимнинг фикрича, инсон ҳаёти улар ўртасидаги жанг майдони ҳисобланади. Инсон нафақат яшашни, суюкли бўлишни ва ўзининг давомини фарзандларида кўришни истади – шундай даврлар ёки руҳий ҳолатлар бўладикки, бунда ўлим истаги устун бўлади. Ёш ўтиши билан *эрос* ўлиб, *танатос* кучли, қатъиятли бўлиб боради ва одамни ўлимга олиб бориб, ўзини тўлиқ рўёбга чиқаради. Фрейдга мувофиқ суицид ва ўлдириш танатоснинг бузғунчи таъсирининг намоён бўлишидир.

А.Адлер суицид муаммосини ўрганиб, одам бўлиш, аввало, ўзининг номукамаллигини ҳис этишдан иборат бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳаёт анланмаслиги мумкин бўлган мақсадга интилишдан иборат, бироқ у индивиднинг барча ҳаракатларини йўналтиради ва яшаш услубини шакллантиради. Номукамаллик ҳисси илк болалик даврида пайдо бўлади ва турли етишмовчиликлар билан оғирлашадиган жисмоний ва психологик заифликка асосланади.

Америкалик олим К.Меннингер эса суициднинг чуқур мотивларини тадқиқ этиб, З.Фрейднинг бу борадаги тасаввурларини ривожлантиради. У суицидал хулқ-атворни учта таркибий қисмларини ажратди. Унинг фикрига кўра, ўз жонига қасд қилиш учун куйидагилар зарур: ўлдириш хоҳиши – ўз жонига қасд қилувчилар кўпинча инфантил шахс бўлиб, ўз хоҳишларини амалга ошириш йўлидаги тўсиқ ва қийинчиликлардан ғазабга келади; ўлдирилиш истаги – агар қотиллик агрессиянинг охириги шакли бўлса, суицид ўзида тобеликнинг юқори даражасини кўрсатади: одам ахлоқий меъёрларнинг бузилиши оқибатидаги виждон азоби ва қийинчиликларни кўтара олмайди, шунинг учун ҳам айбини ювишни фақатгина ўз ҳаётини тугатишда кўради; ўлиш истаги – у ўз ҳаётини асосиз хавфга солувчи одамлар, шунингдек, ўлим тана ва руҳий азоблардан қутқарувчи ягона дори деб ҳисобловчи беморлар орасида кенг тарқалган.

К.Хорни эса суицидал хулқ-атвор муаммолари билан шуғулланиб, бир қатор ибратли фикрларни баён қилган. Муаллиф психодинамик йўналиш ва эго психологияда суицид борасида шундай фикрни тахмин этган, яъни одамлар ўртасидаги муносабатлар бузилишида базавий хавотирдан келиб чиққан асабий низо пайдо бўлади. У болалик давридаёқ атрофдаги душманликни ҳис этиш билан бошланади. Хавотирликдан ташқари, одам асабий вазиятда ёлғизлик, ожизлик, тобелик ва душманликни ҳис этади.

Америкалик психоаналитик Гарри Стэк Салливэн суицидни ўзининг шахслараро мулоқот назарияси нуқтаи назаридан талқин этган. Унинг фикрича, индивиднинг ўзига ўзи берадиган баҳоси ўзгаларнинг унга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Бундай вазиятга аутоагрессия содир этиш йўли билан азобларни тўхтатиш ва “ёмон мен”ни “мен эмас”га айланиши имконли ёки ягона алтернатив вариант бўлиши мумкин. Бироқ одам

ушбу хатти-ҳаракат билан бир вақтнинг ўзида одамларга ва бутун дунёга ўзининг душманлигини намоён этади.

К.Роджерс ва унинг тарафдорлари эса суицидал хулқ-атворнинг келиб чиқишида хавотирланиш ва бошқа эмоционал кечинмаларнинг роли ҳақида ўз қарашларини илгари сурган. К.Роджерс учун хавотир нафақат белги (симптом) эди, балки турмушнинг экзистенциал кўриниши ва инсон ҳаётидаги муҳим конструктив куч ҳамдир. Олим уни “борлик ва йўқлик учрашувини” кечириш ва “эркинлик ва одамнинг реал борлиги парадокси” деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, ўзини ўлдириш барча тадқиқотчилар томонидан шахснинг низоларни кечириш шароитидаги ижтимоий психологик дезадаптацияси оқибати сифатида қаралган. Бунда суицид ўзида шахснинг фавкулотда вазиятлардаги хулқ-атворининг вариантларидан бирини намоён этади, шу билан бирга, вазиятнинг суиқасдга мослиги билан эмас, балки субъектнинг ўзига хосликлари, унинг ҳаётий тажрибаси, интеллекти, ички шахсий алоқаларнинг мустаҳкамлиги билан аниқланади.

Илмий адабиётлар билан танишиб, олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Суицидал уринишлар содир этган кишиларда шахслилик ва эмоционал жабҳа бузилишлари кузатилади. Суицидент шахсининг мотивацион соҳасини таҳлил этиш содир бўлаётган суицид ходисаларини тушунишда зарур ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Суицидал уринишларга олиб келиши мумкин бўлган, оиладаги ва шахслараро муносабатлардаги низоли вазиятлар, шахсий қадриятларни етарлича ҳис қила олмаслик, ўзини ўзи назорат қилиш ҳамда баҳолашдаги ноадекватлик ҳисобланиб, улардаги долзарб эҳтиёжларнинг қондирилишига тўсқинликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, коррекцион тадбирларни амалга оширишда комплекс ёндашувни талаб этади.

3. Психологик-профилактик тадбирлар замонавий психология фанидаги мавжуд илмий назарияларга асосланган бўлиб, педагоглар, ота-оналар, амалиётчи психологлар, маҳалла фаоллари, тиббиёт ва ижтимоий соҳа вакиллари учун юксак масъулият ҳиссини юклайди.

Умумий олганда, суицид муаммоси бугунги кунда инсониятни таҳликага солувчи масалалардан бири ҳисобланмоқда. Шу боис, ушбу муаммонинг ечимини топиш фан олдида долзарб талабларни қўймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усмонов Э.Ш. Ўзбек хотин-қизлари суицидал хулқининг (ўз-ўзини ёндириш) ижтимоий – психологик ва ёш хусусиятлари. : Психол. фан. номз. дисс. –Тошкент: ТДПИ нашриёти, 1993. – 21–23 б.
2. Суицидология: Прошлое и настоящее: Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психологов, психотерапевтов и в художественных текстах. – М.: «Когито -Центр», 2001. – 569 с.
3. 16.Эйдемилер Э.Г. Диагностика суицидального риска в семье – СПб.: Питер, 2002. – 37 с.
4. Тўлаганова Г. Маҳкум этувчи хулқ ва унинг таснифи // Халқ таълими. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 54–56.
5. Умаров Б.М. Болалар ва ўсмирлар суицидининг ёш ва ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номз. дисс. – Тошкент: ТДПИ, 1993. – 154 б. (возрастные особен. суицида детей и подростков)

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жаҳон психологияси фанида суицид муаммосининг ўрганилиши ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье раскрывается проблема суицида в мировой психологии.

SUMMARY

In this article was reflected to learn the problem of suicides in the world of science psychology.

Нашрга проф. А.Жабборов тавсия этган

ТОҒ ВА ТОҒ ОЛДИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ НАФАС ОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИГА ЭРОЗИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Шадиева Н.И. (Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти),
Қодирова Д.А. (ТДАУ)

Таянч сўз ва тушунчалар: *эрозия, экспозиция, нафас олиш жадаллиги, нафас олиш хусусиятлари, биологик жараёнлар, қиялик элементи, лалми тупроқлар, гумус.*

Кириш

Маълумки, нафас олиш – тупроқнинг муҳим ҳаётий жараёнидир ҳамда биологик фаолликни белгиловчи асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Тупроқнинг нафас олишида атмосферадан кислород олинади ва органик моддаларнинг мураккаб оксидланиб парчаланishi натижасида ўсимликларни углерод билан таъминлаш манбаи ҳисобланувчи карбонат ангидрид гази ажралиб чиқади. Тупроқ юзасидан CO₂ нинг атмосферага ажралиб чиқиши ўзаро узвий алоқадор ҳолда кечадиган жараёнларнинг натижасидир, бунда биологик омиллар ҳал қилувчи ўрин тутаяди [1].

Тупроқнинг нафас олишини ўрганиш тупроқлар биологик жараёнлари фаоллигини таърифлаш имконини беради, чунки унинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади [4].

Бизга маълумки, эрозияланган тупроқларнинг биологик фаоллигини ўрганишга кўпгина ишлар бағишланган бўлиб, ушбу ишларда кўрсатилишича, эрозия экологик мувозанатнинг бузилишига сабабчи омиллардан ҳисобланади. Эрозия жараёнлари натижасида тупроқнинг асосий хоссаларининг ёмонлашуви ҳамда биологик фаоллиқнинг пасайиши кузатилади [2, 3, 6, 7, 8, 9].

Тупроқда рўй берадиган биологик жараёнларни ва улар билан боғлиқ бўлган тупроқнинг асосий хоссаларини ўрганиш тупроқ ҳосил бўлиши ва унинг унумдорлиги қонуниятларини билиб олишдаги энг муҳим бўғиндир. Шу боис тадқиқотларимиз давомида, тоғ ва тоғ олди кўрик ва лалми тупроқларнинг нафас олиш хусусиятини ўрганишни мақсад қилиб олдик.

Тадқиқот объекти ва услублари

Изланишлар Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағри Сангзор ҳавзасида тарқалган эрозияланган оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар ҳамда карбонатли типик ва кучсиз ишқорсизланган тоғ жигар ранг, оч тусли қўнғир-ўтлоқи дашт тупроқларда олиб борилди. Тупроқнинг нафас олиши хусусияти Штатнова усулида О.И.Колешко модификацияси бўйича (1980) аниқланди [5].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Маълумки, тупроқнинг нафас олиш хусусиятига антропоген ҳамда экологик омиллар катта таъсир кўрсатади. Тупроққа ишлов бериш, маданийлаштириш, ўғитлаш, суғориш ва эрозия жараёнлари каби бир қатор омиллар тупроқнинг биологик фаоллигига таъсир кўрсатади. Шу сабабдан изланишлар давомида ўрганилган тупроқлар биологик фаоллигининг тупроқ хоссалари ҳамда экологик омиллар таъсирида ўзгаришини кузатиш мақсадида ҳудуднинг рельефи, қиялик элементи ва экспозицияларини ҳисобга олган ҳолда турли тупроқ типларида бир нечта кесмалар туширилиб, тупроқнинг юқори қатламларидан биологик таҳлиллар учун намуналар олинди.

Тупроқнинг карбонат ангидрид газини ажратиб чиқариши унинг энг зарур биологик фаоллигини, яъни унумдорлик имкониятларини акс эттиради ва бу кўрсаткичлар турли шароитда тарқалган тупроқларда турлича бўлади. Тупроқнинг биологик фаоллиги тупроқ ҳосил бўлиш омилларининг таъсирига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Тадқиқотлар давомида ўрганилган тупроқлар уларнинг тури, географик жойлашуви, таркиби, таш-

қи шарт-шароитлари, ўсимлик қоплами, шунингдек, физик ва кимёвий хоссаларига қараб нафас олиш жадаллиги турличалиги билан бир-биридан фарқланиши аниқланди.

Олинган маълумотларга кўра, тупроқнинг нафас олиш жадаллиги ювилмаган (сув айирғич) тупроқларда энг юқори, ювилганларида эса бир мунча кам миқдорни ташкил қилди. Биологик фаолликнинг эрозияланганлик даражасига қараб, бундай ўзгариш қонуниятни тупроқдаги гумус ва озуқа элементлари миқдори, физик хусусиятлари билан ҳам боғлаш мумкин. Бундан ташқари, ўрганилаётган тоғ ва тоғ олди лалми тупроқларининг вертикал зоналик бўйича тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, уларни қуйидаги пасайиб борувчи қаторга жойлаштириш мумкин. Яъни энг юқори кўрсаткич оч-кўнғир ўтлоқи дашт, кучсиз ишқорсизланган тоғ жигар ранг, типик тоғ жигар ранг тупроқларга тўғри келди, тоғ жигар ранг карбонатли ва тўқ тусли бўз тупроқларда ўртача миқдорни, типик ва оч тусли бўз тупроқларда эса бир мунча камроқ миқдорни ташкил қилди.

Тадқиқотларимиз натижасида тупроқни нафас олиш жадаллигига, биринчи навбатда, тупроқдаги органик моддалар миқдори ва унинг гидротермик шароитлари таъсир этиши кузатилди. Ўрганилган тупроқлар орасида энг юқори нафас олиш жадаллиги ювилмаган кўриқ оч-кўнғир ўтлоқи дашт тупроқда аниқланди ва 8,6-14,4 мг СО₂ ни ташкил этди. Шимолий экспозицияда жойлашган оч-кўнғир ўтлоқи дашт тупроқларида нафас олиш хусусияти жанубий экспозицияга нисбатан анча жадал. СО₂ нинг ажралиб чиқиш интенсивлиги шимолийда 7,4–12,8 мг, жанубийда эса 6,5–11,0 мг га тенг бўлди (жадвал).

Жадв.

Тоғ ва тоғ олди тупроқларининг нафас олиш хусусияти

Тупроқ номи	Қатлам чуқурлиги, см	Нафас олиш жадаллиги, мг СО ₂		
		Сув айирғич	Жанубий экспозиция	Шимолий экспозиция
Кўриқ тупроқлар				
Тўқ тусли бўз тупроқ,	0-10	7,0	6,3	8,2
	10-20	4,2	3,5	5,3
Карбонатли тоғ жигар ранг тупроқ	0-10	-	8,4	10,0
	10-20	-	5,5	6,8
Типик тоғ жигар ранг тупроқ	0-10	-	10,5	11,4
	10-20	-	6,0	7,2
Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигар ранг тупроқ	0-10	9,8	12,0	13,5
	10-20	5,4	6,8	7,9
Оч-кўнғир ўтлоқи дашт тупроқ	0-10	14,4	11,0	12,8
	10-20	8,6	6,5	7,4
Лалми тупроқлар				
Оч тусли бўз тупроқ	0-20	-	3,8	4,8
	20-40	-	2,4	3,0
Типик бўз тупроқ	0-20	5,5	4,8	5,0
	20-40	4,1	3,2	3,5
Тўқ тусли бўз тупроқ,	0-20	6,4	5,7	7,4
	20-40	3,6	3,0	4,8
Карбонатли тоғ жигар ранг тупроқ	0-20	8,6	6,7	7,9
	20-40	6,2	4,5	5,2
Типик тоғ жигар ранг тупроқ	0-20	11,2	8,0	10,1
	20-40	6,4	4,8	5,8
Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигар ранг тупроқ	0-20	12,0	8,5	10,5
	20-40	6,8	4,6	5,5
Оч-кўнғир ўтлоқи дашт тупроқ	0-20	13,6	10,8	11,7
	20-40	7,9	6,0	7,2

Нафас олиш жадаллиги бўйича иккинчи ўринга лалми оч-кўнғир ўтлоқи дашт ва кўриқ кучсиз ишқорсизланган тоғ жигар ранг тупроқлар тўғри келди. Бу ерда қияликнинг

ювилмаган қисмида (сув айиргич) ажралиб чиқган CO_2 ни миқдори 12,0–13,6 мг, шимолий экспозициядаги тупроқларда 10,5–11,7 мг, жанубда эса 8,5–10,8 мг ни ташкил қилди.

Лалми типик ва карбонатли тоғ жигар ранг тупроқлардаги нафас олиш жадаллиги ювилмаган тупроқларда (сув айиргичда) 8,6–11,2 мг, жанубий экспозициянинг ювилган тупроқларида 6,7–8,0 мг, шимолда эса 7,9–10,1 мг CO_2 ни ташкил этди. Тупроқдан карбонат ангидрид газининг ажралиб чиқиш жадаллиги асосан гумусли қатламларда юқорилиги кузатилди.

Тоғ ва тоғ олди этакларида тарқалган типик ва оч тусли бўз тупроқлардаги нафас олиш жадаллиги ҳам ўз навбатида тоғ жигар ранг тупроқларининг нафас олиш жадаллигидан фарқ қилиши кузатилди.

Тупроқдан ажралиб чиқган CO_2 нинг миқдори лалми типик бўз тупроқларнинг ювилмаган қисмида 4,1–5,5 мг, жанубий экспозициянинг ювилган тупроқларида 3,2–4,8 мг ни, шимолда эса 3,5–5,0 мг ни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич оч тусли бўз тупроқларда ўз навбатида гумус миқдорининг камайишига боғлиқ равишда янада пасайиши аниқланди, яъни шимолий экспозицияда тарқалган лалми оч тусли бўз тупроқда нафас олиш жадаллиги 3,0–4,8 мг ни, жанубда эса 2,4–3,8 мг ни ташкил этди. Изланишлар асосида тупроқдан карбонат ангидрид газини ажралиб чиқиши бир қатор мураккаб омиллар (худуднинг географик жойлашиши, микробиологик фаолияти ва б.) таъсирида бўлишлиги кузатилди. Таҳлиллар натижасида нафас олишнинг тупроқдаги гумус миқдори билан ўзаро коррелятив боғлиқлиги аниқланди. Унга кўра, нафас олиш жадаллиги билан гумус миқдори ўртасидаги аниқланган ўзаро алоқадорлик уларни ўзаро чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. Тадқиқотлар натижасида тупроқнинг нафас олиши билан гумус миқдори ўртасида ($r=0,89-0,94$), шунингдек, нафас олиш билан азот ўртасида ($r=0,85-0,96$), фосфор ($r=0,78-0,90$) ва калий ($r=0,80-0,91$) миқдорлари ўртасида яқин боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Вертикал минтақаланиш бўйича тарқалган тоғ тупроқларидан CO_2 газини ажралиб чиқиш миқдори эрозия жараёнларига, тупроқ типи ва типчаларига, органик модданинг миқдори ва бошқа хосса-хусусиятларига боғлиқдир. Тупроқларни нафас олиш хусусияти бўз тупроқлардан тоғ жигар ранг ва оч-қўнғир ўтлоқи дашт тупроқлар, жанубий қиялик тупроқларидан шимолий қиялик тупроқлар, шунингдек, ювилган тупроқлардан ювилмаган (сув айиргич) тупроқлар томон жадаллашиши қайд этилди.

Ўрганилган тупроқларда органик модда билан нафас олиш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги кузатилди. Бу ҳолатни гумус миқдорини биологик фаолликни акс эттирвчи кўрсаткичларга тўғри пропорционаллиги билан тавсифланади.

Тадқиқот олиб борилган барча тупроқларда нафас олиш жадаллигининг юқоридан қуйи қатламлар томон пасайиб бориши кузатилди. Шундай қилиб, эрозияга учраган тупроқларни таҳлил қилиш натижасида тупроқ нафас олиш жадаллиги бўйича қуйидаги қонуният маълум бўлди: қияликнинг ювилмаган (сув айиргич) қисмида бу хусусият максимал кўрсаткични ташкил қилди, бу ҳолатни тупроқ қисмидан ўсимлик қопламнинг қалинлигига, гумус, озуқа элементлари, микроорганизмлар миқдорининг тўпланишига эрозия жараёнининг таъсир этмаганлиги билан тушунтириш мумкин. Қияликнинг ювилган қисмида эса, ушбу кўрсаткич ювилмаганга нисбатан бир оз пасайганлиги кузатилди, нафас олишнинг бу қадар ўзгаришига тупроқ юзасининг эрозия натижасида ювилиши асосий сабаб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Галстян А.Ш. Ферментативная активность почв Армении. Труды НИИ почвоведения и агрохимии МСХ Арм. ССР. Вып.8. Ереван, Айастан, 1974. – 275 с.
2. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях их экологическое состояние и плодородие. дисс...д. б. н. – Ташкент, 1995, –С. 331–351.

3. Гафурова Л.А., Махсудов Х.М., Адел М.Ю. Эрозияга учраган, неоген ётқизикларда шакланган бўз тупроқларнинг биологик фаоллиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 3–95.
4. Джумшудова Н.Ш. Биологическая активность серо-бурых почв Апшерона при внесении удобрений под культуру маслины. Автореф. дисс... канд. с-х наук. – Баку, 1987. – С. 10–18.
5. Звягинцев Д.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. Изд. МГУ, 1980, - 350 с.
6. Кадилова Д.А. Эродированные почвы Туркестанского хребта и их биологическая активность. Автореф. дисс...канд. биол. наук – Т.: 2010. – С. 3–20.
7. Набиева Г.М., Почвы Западных отрогов Чаткальского хребта и их ферментативная активность. Автореф. дисс...канд. биол. наук. – Ташкент, 2008. – С. 7–17.
8. Оландж М.Ф. Влияние эрозионных процессов на биологическую и каталазную активность горно-серо-коричневых почв. В кн.: Почвенноэрозионные процессы и меры борьбы с эрозией почв. – Душанбе, Докши, 1991. – С. 31–35.
9. Содиқова Г.С. Бойсунтоғининг тупроқ-экологик шароитлари, тупроқларнинг биологик фаоллиги ва уларга эрозия жараёнларининг таъсири. Автореф. дисс... б. н. – Тошкент, 2011. – С. 7–24.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Туркистон тоғ тизмасининг тоғ ва тоғ олди минтақаси тупроқларининг нафас олиш жадаллиги тупроқ типиде, экспозицияси ва эрозияланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариши баён этилган. Шунингдек, нафас олиш жадаллиги билан тупроқдаги гумус ва озуқа элементлари микдори ўртасидаги ўзаро алоқадорлик мавжудлигига оид маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены изменения интенсивности дыхания горных и предгорных почв Туркестанского хребта в зависимости от их типа, экспозиции склона и подверженности эрозии. Также приведены сведения о зависимости между интенсивностью дыхания и содержанием в почве гумуса и питательных элементов.

SUMMARY

In this article change of intensity of breathing properties of mountain and sub mountain soils of Turkestan ridge according to their type, slope exposition and erosion degree is described. Also information about relationship between intensity of the breathing and humus, nutrient content of soils is given.

Наширға проф. Л. Ёзиев тавсия этган

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўроқов С., Тошов Ў. (ҚарДУ), **Ахмедов Б.** (Ветеринария ИТИ Қашқадарё тажриба станцияси директори), **Бойбулов Б.** (Чорвачилик паррандачилик балиқчилик ИТИ Қашқадарё филиали).

Таянч сўз ва иборалар: *Шивит қизил гул зоти, Абердин-ангус зоти, Бушув зоти, деҳқон-фермер хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари, омухта ем, зооветеринария шохобчаси.*

Чорвачилик мустақил Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан биридир. Хусусан, ҳозирги кунда чорвачиликка қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад ва истиқболли соҳаси сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Ундан олинadиган маҳсулотлар аҳоли турмуш даражасини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этиши билан бирга, енгил саноат учун қимматбаҳо хом ашё ҳамдир.

Чорвачиликнинг мақсади қишлоқ хўжалиги хайвонларининг бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш, аҳолини гўшт билан, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини чорва маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Республикамиз саноатнинг қарийб барча соҳалари бўйича хом ашё етказиб беради, айниқса, чорвачилик энг кўп маҳсулот ва даромад манбаи ҳисобланади.

Чорвачиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорва молла-

рини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-308-сонли, 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш” ҳақида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорларида чорва молларининг бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, уларни тўла қийматли озиклантириш учун тўйимли омухта ем базасини яратиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Вилоятда чорвачилик соҳасида асосий эътиборни чорва молларини бош сонини ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, наслчиликни яхшилаш сунъий қочирини ҳамда сифатли ем-хашак жамғариш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Чорвачилик соҳаси тараққиёти нафақат мол бош сони, балки наслдорлик ва сермаҳсуллик билан ҳам белгиланади. Хусусан, қорамолларни кўпайтиришда айнан шу жиҳатларининг устун қўйилиши бежизга эмас. Зеро, насл сифати яхшиланиб борган сайин мутаносиб равишда маҳсулдорлик ҳам ошиб боради. Демак, қорамолчиликни ривожлантириш борасида вилоятимизга ана шу нуқтаи назар билан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чорвачиликни ривожлантириш учун, албатта, чорва боқиладиган хўжаликларнинг моддий базасини яратиш, уларнинг йирик механизациялашган комплекс чорвачилик фермаларини ташкил қилишдан иборатдир.

Хўжаликларда чорвачиликни йиллик режа асосида олиб борадилар. Бу режада хайвонлар туёғини кўпайтириш, моллар маҳсулдорлигини ошириш, молларни боқиш ва семиртириш, ем-хашак тайёрлаш, яйловларни суғориш шароитларини яхшилаш, моллар боқиладиган биноларни капитал таъмирлаш ва янгиларини қуриш, чорвадорларнинг меҳнат шароитларини ташкил этиш ҳамда яхшилаш кўзда тутилади ва хоказо.

Чорвадорларнинг меҳнат шароитлари, чорвачиликнинг турли тармоқларида, гигиеник жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади, бироқ ўхшашлик томонлари ҳам кўп, булар бино ҳавосининг турли хилдаги газлар билан ифлосланиши, биноларни тозалашда у ёки бу даражада жисмоний зўриқиш, хайвонларга қараш, суғориш, яйловларда ўтлатиш, ем-хашак тайёрлашдан иборат.

Жорий йилда вилоятимизда қорамоллар бош сони 1 миллион 405 минг бошни ташкил қилиб, шулардан 467,1 бошни сигирлар ташкил қилади. Шунинг тан олиш керакки, мустақиллик йилларида вилоятимизда йирик шохли моллар, наслдорликни ошириш бўйича анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят чорвачилик институти филиалининг берган маълумотларига қараганда, чорва моллари насл сифатини яхшилашнинг асосий мезони сифатида, қаралган сигирларни сунъий уруғлантириш бўйича жорий йилда, зооветеренария шохобчалари томонидан 171,982 минг бошга, насл хизмат корхоналари томонидан 61018 минг бошга, омухта ем бирлашмалари томонидан 34,801 минг бошга, чорвачилик фермер хўжаликлари томонидан 23150 минг бошга бажарилди.

Чорвачиликда наслдор моллар туёқ сонини ошириш мақсадида, Қарши туманига: И.Бозоров МЧЖида Польша давлатидан 802 бош, Сан-интер-Савдо МЧЖида Украина давлатидан 138 бош; Қарши шаҳридаги “Наслчилик” МЧЖ сида Украина, Германия, давлатларидан 4265 бош, Шаҳрисабз туманидаги; “Мўминобод-барака” фермер хўжалигида Чехия, Польша давлатидан 128 бош; Шамил Ал-Акбар фермер хўжалигида Германия давлатидан 33 бош “Кеш-насл чорва“ фермер хўжалигида Германия давлатидан 30 бош; “Сара чорва барака” фермер хўжалигида Эстония давлатидан 30 бош; Қамаш туманидаги “Қамаш истиқлол Агро” МЧЖ да Австрия давлатидан 286 бош – жами вилоят бўйича 5978 зотли қорамоллар келтирилган ва маҳаллий шароитда кўпайтирилмоқда.

Шунинг алоҳида қайд қилиш лозимки, сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарорларнинг амалда ижросини таъминлаш натижасида бир қанча чорвачилиги ривожланган хорижий давлатлардан, келтирилган зотли қорамоллар-

дан сут ва гўшт маҳсулотлари олинмоқда. Жумладан, четдан келтирилган бир бош зотли молдан бир кунда 25–30 л дан сут соғиб олинмоқда. Шунингдек, улардан соғлом ва дуркун бузоқлар олишга эришилмоқда. Хорижий давлатлардан келтирилган зотли қорамоллар орасида, Украина давлатидан келтирилган Швед, Қизил чўл, Қизил ола, Голштен, Қора-ола, Абердин-ангус зотли қорамоллар бизнинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида чидамли эканлиги соҳа мутахассислари томонидан илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Шунга қарамадан, четдан келтирилган зотли қорамолларда туёқ касалликлари ва қон паразитар касалликлари қисман учраб туради. Бунинг олдини олиш ва даволаш мақсадида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мутахассислари зоогиена ва зооветеринария қоидаларига тўлиқ амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республикада яратилган ягона сут йўналишидаги Бушуев зотли қорамоллар иссиқ иқлим шароитида чидамлилиги, сутининг таркибидаги ёғи юқорилиги, қон паразитар касалликларга бардошлилиги ва маҳаллий озуқаларни яхши истеъмол ва ҳазм қилиши билан бошқа қорамол зотларидан алоҳида ажралиб туради.

Мутахассисларнинг фикрича, вилоятимизда йирик шохли чорва молларининг насл сифатини яхшилаш учун энг арзон тушадиган ва самарали, шунингдек, ортиқча, валюта сарфлаш талаб этмайдиган усул – бу қорамолларни зотдор буқалардан олинган уруғ билан сунъий уруғлантиришни кенг йўлга қўйишдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида вилоятимиз чорва хўжаликларида ветеринария ходимлари ёрдамида бу ишлар маълум даражада амалга оширилиб келинмоқда.

Бизга маълумки, вилоятимизда сунъий уруғлантириш режалаштириб, режа асосида ҳар йили сунъий уруғлантириш олиб борилса, яқин 4–5 йил ичида вилоятимиздаги қорамоллар сифатини насли зотлар ҳисобига янгилаб, серсут, маҳсулдорлиги бирмунча юқори бўлган зотдор сигирлар сонини, сифатини яхшилаб олишга эришишимиз мумкин. Агар уруғлантириш четдан келтирилган наслдор ва зотдор, бизнинг иқлим шароитларимизга мос келадиган буқалар ҳисобидан ташкил қилиниб борилса, ишончимиз комилки, вилоятимизда яқин йиллар ичида четдан қимматбаҳоларда зотдор қорамолларни сотиб олиб келишга ҳожат қолмайди.

Айниқса, уруғлантириш ишлари аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, бундан шахсий хўжаликларда боқиладиган қорамоллар четда қолмаслиги керак. Зотдор сигирларни етиштириш шу куннинг талаби эканлигини вилоятимизда ҳамма чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликлар, фермерлар ва кенг аҳолига пухта аниқ ва бу соҳани афзалликларини тушунтириш ва шунга даъват қилиш лозим.

Ана шундагина вилоятимизда сунъий уруғлантиришни кенг йўлга қўйиш орқали наслдор ва маҳсулдор қорамоллар сонини кўпайтириш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, четдан келтирилган зотдор қорамоллар кўп меҳнатдан бизнинг иқлим шароитларига мослашиб кетмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, сунъий уруғлантириш орқали етиштирилган зотдор қорамоллар эса шу минтақа шароитларига яхши жойлашиб, узоқ яшаб, бир неча бор соғлом авлод бериши тажрибаларда синаб кўрилгандир. Чорвадорлар учун энг муҳим мавсум қишлоқ даври ҳисобланади.

Вилоятда 2016–2017 йиллар учун чорва қишлоғига тайёргарлик тадбири талаб даражасида ташкил этилган. Мавжуд чорва молларини бош сони ҳисоб-китоб қилиниб уларга етарли дағал хашак, сомон, беда пичани, табиий хашак, силос, сенаж ва ширали озуқалар жамғарилган. Чорва қишлоғини беталофат ўтказиш мақсадида олдиндан чорвачилик фермер хўжаликлари ва МЧЖ ларда мавжуд бинолар, қўралар қўтонлар таъмирланган.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омили бевосита озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласига боғлиқ бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда вилоятнинг чорвачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ерларида озуқабоп экинларни самарали

жойлаштириш, экин майдонларини кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, вилоятга чорва озукаси учун ажратилган ер майдонларида баҳорги беда, кузги беда, маккажўхори, хашаки лавлаги аралашма ва оралик озукабоп экинлар экиб келинмоқда. Бу ташкил қилинаётган ҳамма ишлар келгусида вилоятимизда қорамолларнинг ривожланиши учун қўл келади.

Вилоятимиздаги қорамолчилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликларидан олинган маълумотларга асосланиб шундай хулосага келиндикки, вилоятимиз аҳолисини сут, сут маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ва четга чиқариш учун сунъий қочиришни давлат хўжаликлари ва шахсий хўжаликлардаги қорамолларни асосий қисмини наслдор уруғлар билан уруғлантириш, шуларни олий даражада ташкил қилиш орқали вилоятда қорамолчиликнинг истиқболларига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдолниёзов Б.А., Худоёров Р.Р. Голштинлаштирилган қизил чўл молини фермер хўжаликларда асраш. – Тошкент: Истиқлол, 2011.
2. Бешинчи халқаро илмий конференция. Хайвон ва паррандаларда ўта хавfli касалликларнинг тарқалиши ва уларга қарши кураш чоралари. – Самарқанд. 2016 йил, 25-26 август.
3. Исоқов О.И., Соипов У.Т. Чорвадорлар ва сут соғувчиларнинг меҳнат гигиенаси. – Тошкент, 1986.
4. Қишлоқ хўжалик хайвонларни маҳсулдорлигини оширишнинг технологик асослари. – Тошкент, 1992.
5. Республикада чорвачиликни ривожлантириш ва суғориладиган майдонларда озукабоп экинларни етиштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция (2014 йил 27 июнь). – Тошкент, 2014.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарёда чорвачиликнинг ривожланиши, айниқса, мустақиллик йилларида қорамолларнинг наслдор зотларини четдан олиб келиш, уларни иқлимлаштириш, уруғлантиришни тўғри ташкил қилиш орқали чорвачилик истиқболларига эришиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся данные о развитии скотоводства Кашкадарьинской области в годы независимости, импорте дойных и мясных пород скота, их акклиматизации в Кашкадарьинском оазисе, путях производства породистого рогатого скота, приспособленного к местным условиям, и достижении таким образом эффективности скотоводства в республике.

SUMMARY

In this article there is learned the information about the cattle-raising in Kashkadarya region, especially, during the independence years, pedigree types of cattle, how to import them, acclimatize them in Kashkadarya oasis, pedigree, giving much milk, meaty sorts, which are suitable for the local condition and by this way to reach the reception of the cattle in the republic.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

**ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ТРАНСМИССИЯ МЕХАНИЗМИДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Якубова Ш.Ш. (ҚарДУ)

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида, энг аввало, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш белгиланган. Бу мақсадларни амалга ошириш борасида макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади [1]. Мазкур вазифаларни амалга оширишда пул-кредит сиёсатининг самарали механизмларини жорий этишнинг замонавий жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш, бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, замонавий назарияда хорижий давлатлар, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг пул-кредит сиёсати ва унинг трансмиссия механизмини ўрганишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Иқтисодий адабиётларда “трансмиссия механизми” атамаси пул-кредит сиёсатининг миллий иқтисодиётга таъсири механизми сифатида изоҳланади. Унинг такомиллашуви пул-кредит сиёсатининг самарадорлик даражасини белгилайди. Бу атама XX асрнинг биринчи ярмида машҳур иқтисодчи-олим Дж. М. Кейнс томонидан фанга киритилган бўлиб, пул массаси ўзгариши ва реал иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликнинг назарий таълимотини акс эттиради. Кейнс таълимотига асосан, иқтисодиётда номинал пул массасини доимий тарзда ошириб бориш номинал фоиз ставкасининг пасайишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, кутиладиган инвестициялар ҳажми ва ялпи харажатларнинг ортишига сабаб бўлади. Охир-оқибатда иқтисодиётдаги реал даромад миқдори кўпайиб, номинал ЯИМ ҳажми ўзгаради [3:8]. Схематик тарзда уни қуйидагича акс эттириш мумкин (1-чизма).

Трансмиссион механизмнинг таркибий тузилиши бир неча “каналлар”дан таркиб топган бўлиб, бу “каналлар” моҳияти жиҳатидан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзига хос “занжирлар”ини акс эттиради. Улар орқали Марказий банк пул-кредит сиёсатининг у ёки бу инструментларини қўллаши натижасида юзага келадиган ўзгаришлар импульси бутун иқтисодиётга тарқалади.


Иқтисодиётда банк ва молия тизимининг ривожланиш даражасига, шунингдек, хўжалик субъектлари ва уй хўжалиқларининг молиявий маблағларнинг тақсимланишида иштирок этиш даражасига қараб, пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмида у ёки бу турдаги каналлар мавжуд бўлиши мумкин.

2006 йил декабрда Халқаро ҳисоб-китоблар Банки томонидан давлатлар марказий банкларининг раҳбарларининг мажлиси ташкил қилинди. Мазкур йиғилиш ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмнинг амал қилиши масалаларига бағишланган эди. Унда қуйидаги давлатлар марказий банкларининг етакчи раҳбарлари иштирок этдилар: Алжир, Аргентина, Бразилия, Чили, Хитой, Колумбия, Чехия Республикаси, Гонконг, Венгрия, Ҳиндистон, Индонезия, Изроил, Ма-

лайзия, Мексика, Перу, Филлипин, Польша, Саудия Арабистони, Сингапур, Таиланд, Туркия, Венесуэла. Бундан ташқари, Халқаро ҳисоб-китоблар Банкининг бош раҳбарлари, иқтисодчилари ва бошқарувчилари ҳам мажлисда қатнашдилар.

1-чизма

Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмининг умумий кўриниши




Йиғилиш яқунларига асосан ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида амал қиладиган монетар сиёсат тизимлари хусусида ҳисобот тайёрланди. Унинг натижаларига кўра, сўнгги ўн йил ичида амал қилаётган монетар сиёсат режимларида катта ўзгаришлар содир бўлган, бу, ўз навбатида, монетар сиёсатнинг трансмиссион механизмида ҳам ўзгаришларга олиб келган. Масалан, ҳозирги кунда Марказий Европанинг аксарият давлатлари марказий банклари монетар сиёсатда инфляцияни таргетлаш тизимини қўлламоқдалар [4]. Лотин Америкасида ҳам санокли давлатлардан ташқари барча мамлакатларда мазкур тизимдан фойдаланилмоқда. Хусусан, Аргентинада 2002 йилда миллий пул бирлигини бириктириш тизимида инқироз юзага келганлиги туфайли, Аргентина Марказий банки пул агрегатларини таргетлаш сиёсатини олиб бормоқда. 2003 йилдан эътиборан Венесуэлада фиксирланган валюта курси тизими амал қилмоқда. Осиё мамлакатларида эса пул-кредит сиёсатининг турли тизимлари мавжуддир. Инқирозни ўз бошидан кечирган бир қанча давлатлар инфляцияни таргетлаш тизимининг ўзгартирилган турини қўллашди. Шунга қарамадан, бошқа давлатлар қаттиқ бошқариладиган валюта курси тизимидан воз кечишни хоҳламайдилар. Масалан, Хитойда квази-фиксирланган валюта курси тизими амал қилса, Ҳиндистонда кўп индикаторли услубдан кенг фойдаланилмоқда. Гонконгда – валюта коридори тизими, Сингапурда – номинал самалари валюта курси тизими мавжуд. Бошқа давлатлардан Изроил, Жанубий Африка ва Туркияда инфляцияни таргетлаш тизими қўлланилса, Саудия Арабистонида фиксирланган валюта курси тизими ҳукм сурмоқда [5] (1-расм).

Инфляция даражасига асосий эътиборни қаратиш натижасида монетар сиёсатнинг бевосита инструментларининг ўрни унинг билвосита бошқарув усуллари эгаллаб боради. Шу сабабли кўпгина давлатларда монетар сиёсатнинг валюта своплари, ҳисоб ставкаси, очиқ бозордаги операциялар каби билвосита инструментлари тобора кенг қўлланилиб бормоқда. Аксарият давлатлар марказий банклари кредит чекловларини қўлламайдилар, шу билан бирга, баъзиларида резерв талаблари ҳамда морал таъсир қилиш усуллари

¹ Султанова Л., Гайсина А. Идентификация трансмиссионного механизма монетарной политики // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. – №8. – Б. 15.

мавжуддир [5]. Кўпгина давлатларда амал қилувчи монетар сиёсат тизимлари саноати ривожланган давлатлар марказий банклари қўллайдиган тизимларга ўхшашдир: марказий банк қисқа муддатли фоиз ставкасини ўрнатади ва унинг асосида бозорларда бошқа фоиз ставкаларининг ўзгаришига имкон беради.

1-расм.



Изоҳ: MT – пул агрегатларини таргетлаш; IT – инфляцияни таргетлаш; ER – валюта курсини таргетлаш; IM – ХВФ дастурлари; OT – пул-кредит сиёсатининг бошқа (классификацияланмайдиган) тизимлари.

Мазкур ўзгаришлар шунга олиб келдики, эгилувчан валюта курси трансмиссион механизмда янги канал шаклланди. Бундан ташқари, пул-кредит сиёсатида бозор операцияларининг қўлланилиши иқтисодиётда фоиз ставкасининг роли ва аҳамиятини янада оширди.

Пул-кредит соҳасини тартибга солишнинг бошқа тизимларига ўтиш натижасида унинг трансмиссия механизмида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, Мексикада 2001 йилда инфляцияни таргетлаш тизимининг киритилишидан сўнг, инфляция суръати барқарорлашди, инфляцион инерциялар пасайди, хусусий секторнинг инфляцион кутилмалари марказий банкнинг инфляцион мақсадларига мос кела бошлади. Чехия Республикасида, Колумбияда, Венгрияда ва Польшада ҳам шунга ўхшаш ижобий силжишлар юз берди. Таиландда, 1997–98 йиллардаги инқироздан сўнг фиксирланган валюта курси тизимидан бошқарилувчи сузиб юривчи курс тизимига ўтилиши ҳам трансмиссион механизмга ижобий таъсир қилди. Малайзияда фоиз ставкасига мўлжалланган пул агрегатларини бошқариш тизимига ўтилиши молиявий бозорларда нархларнинг пул-кредит сиёсатига нисбатан сезувчанлигини оширди. Сингапурда валюта курси хусусидаги ҳукумат қарорларининг трансмиссион механизм орқали жамоатчиликнинг юқори даражада хабардор бўла олиши натижасида иш ҳақи ва инфляцион кутилмалар янада барқарорлашди.

Ҳисоботда қайд этиладики, пул-кредит сиёсатининг турли тизимлари қаторида, трансмиссион механизмга, шунингдек, макроиқтисодий шароитларнинг ўзгариши, давлатнинг молиявий тизимга ва молия бозорларининг ривожланишига камроқ аралашishi каби омиллар ҳам таъсир кўрсатди.

¹ Bank for International Settlements “Transmission Mechanisms for Monetary Policy in Emerging Market Economies” BIS Papers #35, January 2008.

Халқаро амалиётда пул-кредит сиёсати инструментларининг қўлланилиши

	Кредит чекловлари	Мажбурий резервлар/ликв ид активларга талаблар	Ҳисоб (дис- конт) ставкаси	Очиқ бозордаги операциялар	Операции на внутреннем валютном рынке	Морал таъсир	Бошқалар
1	2	3	4	5	6	7	8
Лотин Америкаси							
Аргентина		+	+	+	+		
Чили			+	+	+		
Колумбия				+	+		
Мексика							+ ¹
Перу			+	+	+		
Венесуэла		+		+			
Осиё							
Хитой		+		+		+	
Гонконг			+		+		
Индонезия		+		+	+	+	
Корея			+	+			
Малайзия				+ ²	+ ³		
Филлиппин		+		+			
Сингапур					+ ⁴		+ ⁵
Таиланд				+	+		
Марказий Европа							
Чехия Республикаси				+			
Венгрия				+ ⁶			
Польша		+		+			+ ⁷
Бошқа ўтиш даври иқтисодиёти давлатлари							
Исроил			+				
Саудия Арабистони				+			
Жанубий Африка			+				
Туркия				+ ⁸			
Ривожланган давлатлар							
АҚШ		+	+	+			
Япония		+	+	+			
Еврохудуд		+	+	+			
Буюк Британия		+	+	+			

1. Қисқа муддатли банклараро фоиз ставкасининг қўйи чегараси ҳамда ҳар кунлик ҳисоб-китобларнинг баланс ҳолати талаби. 2. Ўз ичига очиқ тендер орқали қарз олиш. 3. Асосан рингит курсининг кескин тебранишларини камайтириш мақсадида. 4. Сингапур долларини таргетлашда, ташиқ савдо ҳажми асосида тортилган. 5. Параметрлар: валюта коридори, сиёсатнинг йўналиши. 6. Марказий банк, шунингдек, мажбурий резервлар, фоиз ставкаси коридори ва валюта бозоридаги операцияларни қўллайди, лекин улар асосий инструментлар ҳисобланмайди. 7. Депозитлар ва ломбардларни имтиёзлаш, шунингдек, фоиз ставкалари коридори. 8. Пул бозоридаги овернайт ставкаси ва очиқ бозордаги бошқа операциялар.

Қўйидаги 2-жадвалда кўриниб турганидек, аксарият марказий банклар трансмиссиянинг устувор канали сифатида фоиз ставкасини қабул қилиб олишади. Масалан, Мексикада 1990-йилларда инфляциян ўзгаришларнинг 60 фоиздан ортиғи валюта курсининг тебранишлари натижасида бўлган бўлса, 2000 йил бошида мазкур улуш 16 фоизгача камайди. Бундан фарқли равишда, ҳозирда фоиз ставкалари ЯИМ ва инфляциядаги ўрта

¹ Bank for International Settlements “Transmission Mechanisms for Monetary Policy in Emerging Market Economies” BIS Papers #35, January 2008.

ва киска муддатли ўзгаришларнинг катта қисмини аниқлаб беради.

Турли давлатлар тажрибалари турлича бўлишига қарамасдан, юқоридагилардан бир қатор умумий хулосаларни чиқариш мумкин. Мазкур давлатларда фискал сиёсатнинг устунлиги кўп жиҳатдан бартараф қилинган, ҳамда ҳаддан ташқари даражада валюта курсини қайта баҳолаш асосида инфляция суръатини ушлаб туриш ҳаракатлари тўхтатилган.

2-жадв.

**Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмининг устувор каналлари.
Марказий банкларнинг ёндашувлари**

Лотин Америкаси	
Аргентина	Фоиз ставкалари, пул массасининг ўсиши ва номинал алмашув курси механизми
Чили	Фоиз ставкаси, валюта курси, кредит канали ва кутилмалар канали
Колумбия	Кутилмалар канали, харажатлар канали, ялпи талаб канали ва валюта курси канали
Мексика	Номинал фоиз ставкаси
Осиё	
Хитой	Асосан кредит канали
Гонконг	Капитални жалб қилишнинг тўғри харажатлари самараси
Ҳиндистон	Пул массасининг ўсиши, фоиз ставкаси канали ва кредит канали
Малайзия	Кредит канали, фоиз ставкаси канали, валюта курси канали, активлар нархларининг ўзгариши канали
Филлиппин	Пул базаси, фоиз ставкаси канали, валюта курси канали
Сингапур	Валюта курси канали
Таиланд	Фоиз ставкаси канали, алмашув курси канали ва активлар нархи ўзгариши канали
Марказий Европа	
Чехия Республикаси	Фоиз ставкаси канали ва валюта курси канали
Венгрия	Валюта курси канали
Польша	Фоиз ставкаси канали ва валюта курси канали
Бошқа ўтиш даври иқтисодиётлари	
Изроил	Валюта курси канали
Жанубий Африка	Фоиз ставкаси канали ва валюта курси канали
Туркия	Фоиз ставкаси канали ва валюта курси канали, кутилмалар канали ва риск мукофоти канали

Марказий банклар пул-кредит сиёсатини олиб боришда янада эгилувчан йўналишлардан фойдаланмоқдалар. Бундай силжишлар ва уларнинг натижасида баланслар таркибидаги ижобий ҳолатлар фоиз ставкаси каналининг таъсирини янада оширди.

Умуман олганда, пул-кредит сиёсати трансмиссия механизмининг самарали амал қилишида муайян шарт-шароитлар таъминланиши лозимдир. Хусусан, молиявий активлар канали учун фонд бозорларининг ривожланган бўлиши, ҳамда иқтисодий субъектларнинг қимматли қоғозлар билан молиявий операцияларни кенг олиб бориши талаб этилади. Баланс канали ва фаровонлик канали амал қилмаслигининг сабаби эса шундаки, аҳолининг йирик қатлами ўз жамғармасини молиявий активларга жойлаштириш ўрнига уни юқори конвертирланувчи валюта кўринишида сақлашни маъқул топиши мумкин. Фоиз ставкаси каналининг самарасини оширишда барқарор нархлар шarti таъминланиши лозим, яъни инфляциянинг кескин тебранишларига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда фоиз ставкаси ўзгаришининг истеъмол харажатлари ҳамда истеъмол кредитлари ҳажмига таъсир кўрсатиш эҳтимоли ортади.

¹ Bank for International Settlements “Transmission Mechanisms for Monetary Policy in Emerging Market Economies” BIS Papers #35, January, 2008.

Сўнги йилларда бизнинг республикамизда истеъмол кредитларини ошириш ҳамда муомалага пластик карточкаларни киритиш борасида қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида мазкур каналнинг амал қилиши учун мустаҳкам асос яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тақдим қилинган “Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”да барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг тўлов терминаллари билан жиҳозланганлиги, уларнинг узлуксиз ишлашни таъминлаш мақсадида сервис хизматларининг ташкил этилганлиги, барча турдаги товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақини тўлашни пластик карточкалар орқали чекловларсиз амалга оширишнинг йўлга қўйилганлиги натижасида ушбу тўлов воситасининг жозибадорлиги таъминланганлиги қайд этилган [2].

Банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йил 1 январь ҳолатига қўра, уларнинг умумий сони 2016 йилнинг бошига нисбатан 3,2 млн.тага ортиб, 19,5 млн. донадан ошди. 2016 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 53 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан қарийб 70 фоизга ошди [2].

Фикримизча, ҳозирда амал қиладиган каналлар бу валюта курси канали ва банк кредитлаши каналидир. Валюта курси нархлар даражаси, аҳоли жамғармалари, иқтисодий субъектларнинг инфляцион кутилмалари, импорт товарлар нархлари каби кўрсаткичларга таъсир кўрсатади. Шу сабабли айнан валюта курси канали, банк кредитлаши канали ва фоиз ставкаси каналларининг фаолиятини эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиш, уни сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш катта қизиқиш туғдиради. Бу, ўз навбатида, келгусида пул-кредит сиёсатининг механизмларини такомиллаштиришда, илғор замонавий инструментларининг қўламини кенгайтиришда, ҳамда 2017–2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган асосий йўналишларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.
2. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, пул ва кредит // 2017 й. 1-сон.
3. Корищенко К. Н. Структура и основные виды механизма денежной трансмиссии. // Финансы и бизнес. – Москва, 2005. – №3.
4. Aneta Krstevska. The effectiveness of the transmission channels of the monetary policy in the Republic of Macedonia. 2008.
5. Bank for International Settlements “Transmission Mechanisms for Monetary Policy in Emerging Market Economies” BIS Papers #35, January, 2008.
6. Султанова Л., Гайсина А. Идентификация трансмиссионного механизма монетарной политики.// Бозор, пул ва кредит. –Тошкент. 2007. – №8. – Б. 15.

РЕЗЮМЕ

Мақолада пул-кредит сиёсатинининг трансмиссия механизмини қўллашнинг хориж тажрибаси ўрганилган. Хусусан, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида трансмиссия механизми турли каналларининг самарадорлиги таҳлил қилинган. Мамлакатимизда пул-кредит сиёсати трансмиссия механизмларини такомиллаштириш борасида миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучается зарубежный опыт применения трансмиссионного механизма денежно-кредитной политики. В частности, рассматривается эффективность применения различных каналов трансмиссионного механизма в развивающихся странах и странах с переходной экономикой. На основе этого даются рекомендации по дальнейшему совершенствованию механизмов денежно-кредитной политики в нашей стране с учетом специфики и особенностей национальной экономики.

SUMMARY

The article considers the foreign experience of monetary policy transmission mechanism. In particular, the article address the various channels of the transmission mechanism of monetary policy in developing countries and transition economies. On the basis of analyses there given practical recommendations on improving monetary policy in the article.

Наширға доц. Г.Эркаева тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ

Раимова М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *иқтисодий ислохотлар, иқтисодиётни модернизация қилиш, инвестициялар.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва аҳоли моддий фаровонлигини таъминлашнинг ягона ва ишончли йўли – бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий стратегия ва тамойиллари белгилаб берилиб, унинг «Ўзбек модели»га асос солинди.

“Ўзбек модели”да Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислох қилишнинг муҳим беш тамойили ифодалаб берилди:

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги;
2. Давлат бош ислохотчи экани;
3. Қонуннинг устунлиги ва барчага баробарлиги;
4. Кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш;
5. Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

“Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади”¹, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, яъни макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетиши ва оммавий ишсизликка йўл қўймастик, шунингдек, пулнинг қадрсизланиши ва пул эмиссияси бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди.

Иқтисодий ислохотлар стратегиясининг биринчи босқичи (1991–1995 йиллар)да тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, институтционал ва бозор ислохотларини ўтказиш, давлат инвестициявий дастурлари ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш, республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш вазифаларини ҳал этиш мақсад қилиб қўйилди ҳамда бу вазифаларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари, яъни биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш, иккинчи-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, – Б. 7.

дан, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шакллари ва вужудга келтириш, учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш белгилаб берилди. Бу вазифалар доирасида миллий валюта жорий қилиниб, мустақил пул муомаласи йўлга қўйилди, инфляция даражаси назорат қилиш мумкин бўлган даражага туширилди, товарлар ва хизматлар бозорида тўловга қодир жами талаб билан жами таклифни мувозанатини таъминлашга эришилди, қатъий молиявий сиёсатни ўтказиш асосида давлат бюджетидеги камомад йўл қўйилган энг кам даража доирасида ушлаб турилди, ёнилғи-энергетика ресурслари ҳамда ғалла импортини кескин камайтириш, шунингдек, энергетика ресурслари ва рангли металлларни экспорт қилишни ошириш ҳисобига ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.

Иқтисодий ислохотлар стратегиясининг иккинчи босқичи (1996–2000 йиллар)да инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилди ҳамда давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макро-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш йўлини давом эттириш вазифалари белгилаб берилди. Бу вазифаларни самарали амалга оширилиши эвазига мамлакатимизда 1996 йилдан буён барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 1996 йилда – 1,7 фоизни, 1997 йилда – 5,2 фоиз, 1998 ва 1999 йилларда – 4,4 фоиз, 2000 йилда 3,8 – фоизни ташкил қилди, ўртача йиллик инфляция даражаси 1996 йилда – 64,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда – 28,2 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий ислохотлар стратегиясининг учинчи босқичининг асосий негизини иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий ва институционал ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш вазифалари ташкил этади.

Иқтисодий тараққиётнинг биринчи босқичида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг пасайиш тенденцияси кузатилди, яъни бу даврда ЯИМ ўртача 96 фоизни ташкил этган ва бу аҳолининг реал даромадларига ҳам таъсир этган. Иккинчи босқич иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш даври бўлиб, 1996–2003 йилларда ЯИМнинг 101,7 фоиздан 104,2 фоизгача ўсиши, 1991 йилга нисбатан 111,4 фоизга ўсиши кузатилди.

Иқтисодий ўсишнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш даври 2004 йилдан ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олиб, 2004 йилда ЯИМ ўсиш суръати 107,4 фоизни, 2007 йилда 109,5 фоизни, 2010 йилда 108,2 фоизни, 2014 йилда 108,1 фоизни, 2015 йилда 108,0 фоизни, 2016 йилда 107,8 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси 2002 йилда 21,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 7,8 фоизни, 2010 йилда 7,3 фоизни, 2016 йилда 5,7 фоизни ташкил этди. Бу йилларда барқарор ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда. 2016 йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари ҳажми 12,5 фоизга, чакана савдо ҳажми 14,4 фоизга, хизмат кўрсатиш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга ўсди. 2016 йилда 32 мингта (2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп) кичик бизнес корхоналари ташкил этилди, бу соҳанинг улуши ЯИМда 56,9 фоизни, саноатда эса 45 фоизни

ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ўсди, бюджет ташкилотларининг иш ҳақлари 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар эса 12,1 фоизга ўсди, 726 мингта иш ўрни яратилди, шу жумладан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 438,5 мингтаси иш билан таъминланди.

Босиб ўтилган тарихан қисқа давр мамлакатимиз раҳбарияти бошчилигида танланган тараққиёт йўлимизнинг тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда қўлга киритилаётган ютуқлар, ижобий ўзгаришларга эришишда миллий иқтисодий бозор иқтисодиётига ўтказишнинг илмий асосланган ва ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ислохотлар дастурини изчил амалга ошириш ўз натижаларини бермоқда.

“Ўзбек модели” бугунги кунда нуфузли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар ва илмий марказлар томонидан юқори баҳоланаётган ютуқлар ва мамлакат иқтисодиёти ривожлантириш истиқболлари сифатида эътироф этилмоқда. Нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига мувофиқ, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Унда яқин беш йилликда мамлакатимиз забт этиши назарда тутилган улкан довлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизмлари аниқ белгилаб берилган. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгиланган. Булар давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланиши уни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширади. Шу жиҳатдан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

“Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда”, деб таъкидлайди Президент Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида эришилаётган улкан ютуқлар аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий стратегиямизнинг нақадар тўғрилигида ўз исботини топади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Амалга оширилаётган ислохотларнинг бош субъекти бўлган инсон, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар самарасини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида яққол ҳис этмоқда. Буни ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзи, онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга ошири-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.

лаётган ислохотлар, янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларида ҳам кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, – Б. 7.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш босқичларининг муҳим натижалари ва истикболли йўналишлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены этапы развития экономики Узбекистана за годы независимости и перспективные направления её развития.

SUMMARY

The article deals with the stages of development of Uzbekistan during independence and perspective directions of its growth in the future.

Наширға доц. Г.Эркаева тавсия этган

XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА МАРҒИЛОНДА ИПАКЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Усманова З. (ФарПИ)

Таянч сўз ва иборалар: индустриштириш оқибатлари, ишлаб чиқаришни хом ашёга яқинлаштириш, аҳоли бандлиги, кадрлар масаласи, миллий хусусиятларга эътибор бериш, саводсизликни тугатиш, қарамликка чек қўйиш, Марғилон - ипакчилик базаси.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тарихимизга, ўтмишимизга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши натижасида тарихий воқеаларга ҳолисона ёндашиш имконияти туғилди.

Ушбу мақоламизда биз ўзининг 2000 йиллик тўйини нишонлаган қадимий ва навқирон, ҳунармандчилик, айниқса, ипакчилик марказларидан бири бўлган Марғилон шахри тарихининг айрим ўқилмаган саҳифаларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, 1876 йилда Қўқон хонлигининг тугатилиши натижасида ўлкада мустамлакачилик тузуми қарор топди, иқтисодий ресурсларнинг метрополия манфаатларига бўйсундирилиши Марғилон шахрини ҳам қамраб олди. Ҳукумат ўлкадаги бошқа қимматли хом ашё манбалари қаторида ипакчилик маҳсулотларига катта эътибор қаратди. Аммо Қўқон хонлиги даврида жуда сердаромад ва жаҳон бозорида харидоргир бўлган ипакчилик соҳаси XIX асрнинг 80-йилларида кескин оқсай бошлади. Чунки Россия сармоядорларининг ипакчилик маҳсулотларига бўлган талабларининг беҳад ортиб бориши туфайли уни етиштириш ҳажмини ошириш жараёнида сифат кўрсаткичлари пасайиб кетди.

Айнан шундай ҳолат Совет мустамлакачилиги даврида ҳам қайд этилади. Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, 20-йилларнинг ўрталарига келиб халқ хўжалигини тиклаш, асосан, тугатилди. Янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Лекин индустриштириш сиёсатининг авж олиб кетиши туфайли Марказ ўлкамизда кўплаб саноат корхоналари ва тармоқларини яратиш йўли билан, унинг битмас-туғалмас бой табиий ва минерал ресурсларини ишга солиш, арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиш ва охир-оқибатда ўзи учун кўпроқ фойда ундириб олишни мақсад қилиб қўйди.

Бироқ саноат ишлаб чиқаришини маҳаллий хом ашё манбаларига яқинлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш таркибини белгилашда миллий хусусиятлар эътиборга олинмади: марказ эҳтиёжлари асосида ҳал қилинди. Бунга мисол сифатида қуйидаги архив маълумотларини келтириш мумкин:

1933 йилнинг биринчи I чорагида Марғилон шаҳри тўқимачилик саноат таркибида 558 та кооперациялашган хунармандчилик артеллари мавжуд бўлиб, улар ипак йигириш ва тўқишга мўлжалланган эди. Бу корхоналар қуйидагича номланган: 1) Сталин номли артель; 2) “Байналмилал” артели; 3) “Иккинчи беш йиллик” номли шойи тўқиш саноат коммунал хўжалиги; 4) А.Икромов номидаги ипак бўяш, йигириш ва тўқиш фабрикаси; 5) “Ёруғлик” номли тўқимачилик артели [2].

Юқорида номлари келтирилган корхоналарда артель аъзоларининг ишлаб чиқаришда бандлиги масаласини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин:

Ишлаб чиқаришда аъзоларнинг бандлиги масаласида 1-ўринни “Сталин” номли артель эгаллайди. Чунки бу корхонада Марғилон маҳаллий хунармандларининг 42,8 фоиз мавжуд эди. 2-ўринда “Байналмилал” – 35,7 фоизни ташкил этади. Бу иккала артель аъзолари 438 кишидан иборат бўлган [3]. Юқорида кўрсатилган бешала артелларнинг йиллик маҳсулот ҳажми 1932 йил нарҳида 4.545.500 сўмни ташкил этган [4].

Қуйида биз архив ҳужжатларида келтирилган рақамлар асосида 1933 йилнинг 1 январидан 1 октябригача бўлган даврда, белгиланган режанинг артелларда бажарилиши ҳолатига тўхталиб ўтамиз:

№	Артеллар номи	III чораққа туширилган режаси	Бажарилиши	Фоиз ҳисобида бажарилиши
1	Сталин номли	1.689.800	1.045.300	61.87
2	“Байналмилал”	1.235.800	809.600	65.51
3	“Иккинчи беш йиллик”	71.700	61.000	85.08
4	А.Икромов номли	126.500	5.600	4.43
5	“Ёруғлик”	23.400	67.600	28.69
Жами:		3.357.800	1.989.100	59.24

Демак, хунармандчилик саноати артелларида режа топшириқларининг бажарилмай қолишига сабаб хом ашё билан таъминланмаслиги эди. Натижада хунармандларнинг маълум қисми ишлаб чиқариш артелларидан кетишга мажбур бўлганлар [5].

Саноатни ривожлантиришда, айниқса, ипакчилик саноати учун кадрлар тайёрлаш борасида ички имкониятлардан фойдаланиш, яъни маҳаллий хунармандларни ишлаб чиқаришга жалб этиш масаласи энг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланган. Бу ҳақида архив ҳужжатларида қуйидагилар баён этилган:

Ипакчилик саноатини ишчи кучи билан таъминлаш муаммоси Марғилон шароитида нисбатан енгил ҳал этилади. Чунки Марғилон узоқ вақтлардан бери аҳоли зич жойлашган шаҳарлардан бири бўлиб, аҳолининг асосий қисми маҳаллий саноат, биринчи навбатда, ипак ишлаб чиқариш билан шуғулланган. 1930 йил саноат рўйхати рақамларига кўра Марғилон шаҳри ва Марғилон районида маҳаллий саноатда банд бўлган аҳоли 11710 кишини ташкил этган. Бу эса умум республика ҳажмининг 15,1 фоизини ташкил этган, лекин биз ҳозирги пайтда бу хунармандларнинг барчаси ишлаб чиқаришга жалб этилган, деб айтишга асосимиз йўқ. Чунки ҳозирги пайтда мавжуд бўлган маҳаллий саноат артелларига 2300 киши жалб этилган. Қолганлари эса хўжаликнинг бошқа соҳаларида меҳнат қилмоқдалар [6].

Далиллар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришини маҳаллий хом ашё манбаларига яқинлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш таркибини белгилашда миллий хусусиятларга эътибор берилмаган. Бундан ташқари, бутун иттифоқда бўлгани сингари Ўзбекистонда, хусусан, Марғилон шаҳрида ҳам ўта юқори қилиб берилган режаларни бажаришнинг

иложи бўлмаган. Шунингдек, ипакчилик саноати курилишида ҳам зарур нисбатларнинг бузилиши, ноаниқ топшириқлар, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги саноатга ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш имконини бермаган эди.

“Бундай шароитда мамлакат юқори сиёсий раҳбарияти умуман индустриалаштириш сиёсатини бўлмаса-да, унинг амалга ошириш суръатларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Иккинчи беш йиллик (1933–1939 йиллар) нинг дастлабки топшириқлари кескин пасайтирилди, хўжалик ҳисобида иш юритишнинг айрим томонларини тиклашга ҳаракат қилинди”. [7]

“Фарғона тўқимачилик саноати иттифоқи, – дейилади архив маълумотларида, – 1933 йил режасининг бажарилмай қолганлигига жавобан, 1934 йил режасини 1933 йилга нисбатан 20 фоиз ортиғи билан бажаришга ваъда беради” [8].

Шунингдек, артелчилар савдосизлигини тугатиш мақсадида 17 та ликбез (савдосизликни тугатиш) пунктлари ташкил этилган. Махсус ипакчилик техникумида ўқиётган бўлажак кадрлар туб миллат вакиллари эди, 1934 йилнинг январиди ушбу ўқув юртининг биринчи бор битирувчилари ишлаб чиқаришга жалб этилади [9].

Бундан ташқари, шунингдек олиш керакки, ёш кадрлар ва, шунингдек, фойдаланилмаётган захира ишчи кучи, яъни аёллар меҳнатидан ипакчилик саноатида оқилонга фойдаланиш энг долзарб масала бўлиб, унга нафақат ишлаб чиқариш нуқтаи назардан, балки сиёсий нуқтаи назардан ҳам қараш муҳим ҳисобланган [10].

Дарҳақиқат, архив ҳужжатларини ўрганар эканмиз, 30-йиллардаги оғир қатағонлар, тазйиқлар, тақиқлар шароитида ҳам айрим ходимлар туб аҳолини маҳаллий саноатга жалб қилиш, ишсизлик каби ижтимоий муаммони ҳал этиш каби долзарб масалаларни кун тартибига қўйганлар.

Бироқ марказ миллий ўлкаларда империя тизимининг ижтимоий қатламларини вужудга келтиришдан манфаатдор эди. III беш йиллик режасидаги вазифалар билан танишар эканмиз, Марғилон шаҳрида ипак йиғириш ва ипак тўқиш фабрикаларини қуриш масалалари қайд этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Марғилон шаҳри ва унинг атрофидаги районлар тўлақонли равишда Ўзбекистоннинг асосий ипакчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Бундай ипак хом ашёси базасида СССРда йирик ипак йиғирув фабрикаси Марғилонда қурилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича СССРда ягона ҳисобланган калавалаш фабрикаси қурилмоқда эди. Корхонанинг биринчи навбатини 1939 йилда ишга тушириш мўлжалланган бўлса, уни тўла ўзлаштирилиб ишга тушириш 1942 йилга мўлжалланган эди [11].

Лекин хом ашё манбаси мавжуд бўлган бу иккала корхона ўртасида маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришда боғлиқлик йўқ эди. Дарҳақиқат, мавжуд қоидага кўра барча маҳсулот пилла, шойи тўқиш фабрикасида қайта ишлаб чиқилади, Москвага жўнатилади, сўнгра, газлама яна қайта айирбошлаш учун Фарғона водийсига жўнатилади. Марғилонда мавжуд бўлган комбинат бундай ноўрин ҳолатга чек қўйиш, яъни пилла йиғиришдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни таъминлаши, яримфабрикат ва тайёр маҳсулотлар ташиш харажатларини йўқотиши мумкин эди [12].

“Шуни таъкидлаш керакки, – дейилади архив ҳужжатларида, – марказий фабрикаларда Ўрта Осиё талабига мувофиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқилмайди, иттифок ҳукуматининг марказий корхоналарни сунъий шойи ишлаб чиқаришга ўтказиш, табиий шойи корхоналарини эса хом ашё манбаи ёнида қуриш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмаси мавжуд эди [13].

Юқорида келтирилган фикрларга таяниб айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш корхоналари, Республикамизда бўлгани сингари, Марғилон шаҳри иқтисодиётида ҳам фақат хом ашё етиштиришга ихтисослаштирилган.

Шойи йиғириш фабрикасининг айнан Марғилонда қурилиши масаласи шаҳар ташкилотлари нафақат соф маҳаллий эҳтиёжларидан, балки Марғилонда шойи тўқиш комбинатининг қурилиши давлат нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки Марғилон

ва унинг атрофидаги районлар Ўзбекистон ипакчилик маҳсулотининг тахминан 38 фоизини ишлаб чиқаради ва Ўрта Осиёнинг асосий ипакчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Шундан беш йилликда ипакчилик саноатини янада ривожлантириш энг муҳим вазифалардан биридир, – дейилади архив маълумотларида [14].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудудида, хусусан Марғилон шаҳридаги саноат корхоналарини ҳар томонлама ривожлантириш, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, моддий турмуш даражасини ошириш масалалари марказнинг диққат-эътиборидан чеккада қолди. Шу сабабли ҳам тайёр маҳсулотдан тушадиган мўмай даромад Ўзбекистон хом ашёсини қайта ишлашга мослашган марказий корхоналар чўнтагига тушар эди.

Шунга қарамадан, Марғилоннинг меҳнатсевар, жонкуяр, мохир хунармандлари шундай оғир шараитларда ҳам ўзларининг бебаҳо шойи ва адасларини ишлаб чиқаришдан тўхтамадилар, натижада улар нафақат Ўзбекистонга, балки жаҳонга машҳур бўлдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Озод ва обод юрт дурдонаси. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 8 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат архиви, ф. – 88, Оп. 9.Д. 2202. Л.100.
3. Ўша жойда.
4. Ўша жойда.
5. Ўша жойда.
6. ЎзРМДА, ф. - 88, Оп. 9.Д. 5626. Л.4.
7. Жўраев М. В. Б. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т. 2000, –341 б.
8. ЎзРМДА, ф. – 88, Оп. 9.Д. 2202. Л.101.
9. ЎзРМДА, ф. – 88, Оп. 9.Д. 2202. Л.102.
10. ЎзРМДА, ф. – 88, Оп. 9.Д. 5626. Л.5.
11. ЎзРМДА, ф. – 88, Оп. 9.Д. 5626. Л.4.
12. Ўша жойда.
13. Ўша жойда.
14. Ўша жойда.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўтган асрнинг 30-йилларида Марғилон шаҳрида ипакчилик саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё манбаларидан унумли фойдаланиш, кадрлар тайёрлашда миллий хусусиятларга эътибор бериш, қийинчиликлар, муаммолар, ютуқлар каби долзарб масалалар архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе архивных материалов освещены вопросы, касающиеся развития шелководства города Маргилана в тридцатых годах прошлого столетия, исходя из использования местного сырья и материалов, с учетом национальных особенностей при подборе кадров, а также проблемы, трудности, достижения и другие актуальные проблемы.

SUMMARY

This article highlights the issues relating to the development of sericulture Marghilan in the thirties of the last century, based on the use of local raw materials, when taking into account national specificities in the selection of personnel, as well as the problems, difficulties, achievements and other relevant tasks using archival materials.

Наширға доц. Г.Эркаева тавсия этган

ИЛМ БИЛАН БЕЗАЛГАН УМР (Профессор М.М.Миртожиев - 90 ёшда)

Умарова Н. (ФарДУ), Юлдошева Н. (ҚарДУ)

Профессор М.М.Миртожиев туркийшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослигининг илмий-амалий ва илмий-назарий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган таниқли олимдир. Устоз бу йил муборак 90 ёшни қарши оладилар. Шу ёшларига қадар устоз 12 та монография, 1 та дарслик, 11 та қўлланма, 5 та илмий-оммабоп рисола, 5 та луғат ва бир қатор дастурлар, 200 дан ортиқ илмий, танқидий ва қомусий луғат мақолалари нашр эттирган.

М.М.Миртожиев 1927 йил 14 май куни Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Охунгузар маҳалласида хизматчи оиласида таваллуд топди. Устоз ўрта мактабнинг 7-синфини тамомлаб, ўз меҳнат фаолиятини Иккинчи жаҳон уруши даврида, яъни 1942-1944-йилларда бошлаган. Уруш даврида заводда дастлаб темирчига шогирд ва кейин эса дурадгор бўлиб ишлаган. Имконият туғилиши билан ўқув фаолиятини бошлаб, 1944 йилнинг апрелидан 1947 йилнинг июлигача ҳисобчи-молия ўқув юртида ўқийди ва ҳисобчи касбини эгаллайди. 1953 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили-адабиёти ва тарих факультетининг сиртки бўлимига ўқишга киради. Таҳсил йилларида Миразиз Миртожиев А.Ф.Ғуломов, Т.Салимов, М.Аскарлова каби етук тилшуносларнинг таъсирида тилшуносликка ўзгача меҳр қўйди.

Педагогик фаолиятининг илк даврида Тошкент вилояти мактабларининг бирида бошланғич синф ўқувчиларига таълим берган. Шу йил сентябрь ойидан 1954 йил охиригача ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ва ўқув бўлими мудири вазифаларини бажарган. 1958 йилнинг февралигача нашриётларда, “Ўзбекистон маданияти” газетасида журналистика ва таржимонлик ишлари билан шуғулланган. Устознинг ЎзРФА Тил ва адабиёт илмий текшириш институтига ишга ўтиши илмий фаолиятининг бошланиши учун туртки бўлди. 1958-1960 йилларда ЎзССР ФА қошидаги Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим, 1966-1968-йилларда эса Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлади. 1968 йилдан Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчилigidан 1993 йилда профессор лавозимигача эришди.

Етук лексикограф олим З.М.Маъруфовнинг илмий раҳбарлиги остида 1964 йилда М.М.Миртожиев “Ўзбек тили лексик омонимларининг таркиб топиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ишда ўзбек адабий тилига шеваларнинг таъсири, қўшни ноқардош тилларнинг таъсири, тилдаги фонетик, семантик функционал тараккиёт, аффиксация қабилар ўз ифодасини топган.

Профессор М.М.Миртожиев номзодлик диссертациясидан кейин, асосан, семасиология соҳасида иш юрита бошлади. Устоз 1975 йил “Ўзбек тилида полисемия” номли монографиясини нашрдан чиқарди. Кейинроқ шу йўналишда “Ўзбек тилида сўз ҳосила маъносининг юзага келиши” номли илмий ишини ёзиб, 1990 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

М.М.Миртожиев ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси соҳаси ривожига муносиб ҳиссасини қўшган олимлардан биридир. Устоз “Ўзбек тили лексикологияси” (1981) номли академнашр муаллифларидан бири, қолаверса, 2000 йилда нашр этилган, олий ўқув юртлари учун мўлжалланган “Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси” ўқув қўлланмаси муаллифи ҳамдир.

Сўз маъноси ҳақидаги машғулотлар ҳамма вақт лексикография билан ёндош юради. Устоз 1981 йил нашр этилган икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни яратишда Е, Ё, П, У, Ў ҳарфлари билан бошланадиган сўзлар бўйича луғат мақолаларини тузишда ҳам иштирок этган. “Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча-ўзбекча луға-

ти”(1993) га масъул муҳаррирлик, “Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати”(1997) га, “Физикавий электроникадан русча-ўзбекча атамалар луғати”(2002) га, “Юқори молекулали бирикмалар кимёси атамаларининг русча-ўзбекча луғати”(2003) га ҳаммуаллифлик қилган.

1989 йил ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши муносабати билан газета ва журналларда фан терминларини ўзбекчалаштириш ҳамда тарихий топонимларни тиклаш, шунингдек, миллийлаштириш юзасидан турли ишлар амалга оширилди. Шу даврда олим терминология юзасидан 7 та, терминлар юзасидан 3 та йирик мақола эълон қилди. Устознинг 1990 йиллар атрофида тил сиёсатига оид эълон қилинган мақолалари, Н. М. Маҳмудов билан ҳамкорликда нашр этилган “Тил ва маданият” тўпламидаги “Ўзбек тилининг ижтимоий тарихидан” номли иши эса алоҳида аҳамиятга эга.

М.М.Миртожиев ўзбек тилининг бойиш манбалари, ўзбек тилига чет тилларининг таъсири, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятларига доир бир қанча рисоалар эълон қилган. “Товушлардаги маънолар”, “Тилда шакл ва мазмун” номли китоблари шулар жумласидандир. Устознинг профессор Н.М.Маҳмудов билан ҳамкорликда эълон қилган “Тил ва маданият” номли тўплами ҳам шу йўналишда бажарилган ишлардан саналади. Шунингдек, устоз бир неча йирик ишлар муаллифи ҳамдир. “Ўзбек тилидаги феъл валентликлари” (2007), “Гап бўлакларида семантик-синтактик номуносаблик” (2008), “Ўзбек тили семасиологияси” (2010) монографиялари ана шулар жумласидандир.

Олим яратган монографиялардан иккитаси ҳозирча нашр этилмаган. Улардан бири “Сўз ҳосила маъноларининг юзага келиши” номли докторлик иши, иккинчиси “Ўзбек тили ва ўзбек тилшунослигининг илдизлари” деб номланган бўлиб, булар ҳам ўзбек тилшунослиги учун алоҳида аҳамиятга эга.

“Гап бўлакларида семантик-синтактик номуносаблик” монографияси ўзбек тилидаги синтактик семантикага асос солингандан кейин яратилган дастлабки монографиялардан эканлиги билан ғоят аҳамиятли. Устоз 2011 йилда нашр этилган “Ўзбек тилида сўз валентликлари” монографиясига ҳам ҳаммуаллифлик қилган.

Устоз М.М.Миртожиев 30 га яқин шогирдлар етказган бўлиб, улардан 4 таси фан доктори даражасигача эришди. Устоз мустақиллик йилларида илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб, Тошкент давлат университети ҳузуридаги тиллар бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш ихтисослашган кенгаши аъзоси (1991–1996), Тошкент давлат университетида Давлат тилини жорий этиш комиссияси раиси (1992–1998), Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015 04 02 рақамли докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси (2002–2007) вазифаларида ҳам ишлаган.

Профессор М.М.Миртожиев табаррук 90 ёшларида ҳам илмий-ижодий изланишлар билан банд. Устоз узоқ йиллик меҳнатлари самараси ўлароқ, 2013 йилда экспериментал фонетиканинг мукамал намунаси бўлган “Ўзбек тили фонетикаси” номли йирик ҳажмдаги монографиясини эълон қилди. Бу китоб ўзбек тили фонетикасига доир айрим назарий қарашларни тубдан ўзгартириб юборганлиги билан характерланади. Шунингдек, устознинг туркий тиллар тадқиқига оид қарашлари жорий йилда (2017) нашр қилинган “Туркий туб сўзлар тадқиқи” номли йирик монографиясида атрофлича баён этилган. Илмий изланишлар доираси 23 та туркий тилни қамраб олади. Китобда туркий туб сўзларнинг полифункционаллиги, семантик гуруҳланиши, грамматик категорияларининг тараққиёти ва генезиси масалалари ойдинлаштириб берилган.

Устознинг ўзбек тилшунослиги фанининг ривожигаги муносиб ҳиссаси ҳақида яна узоқ гапириш мумкин.

Бу йил профессор М.Миртожиев табаррук 90 ёшни қарши олмақдалар. Мана шу улуғ сана муносабати билан устозни чин қалбдан муборакбод этамиз. Устознинг кўпларга ибрат бўлгулик умр йўлларида дадил қадамлар билан олға давом этишларини, илм-фанимиз равнақи йўлидаги заҳматли меҳнатларининг роҳатини кўриб, яна узоқ йиллар шогирдларини илм сирларидан огоҳ этишларини Оллоҳдан тилаб қоламиз.

Мустақиллик шарофати билан она тилимизнинг равнақи янада юксалиб, унинг мавқеи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги халқимиз маънавий-маърифий салоҳиятининг янада юксалишига сабаб бўлди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши тилимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг, истеъмол доирасининг кескин кенгайиши учун замин бўлди. Мамлакатимизнинг бугунги қудрати тил борасида ҳам юксак даражадаги маданиятга эга бўлишни талаб қилмоқда.

Жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ўзгаришлар натижасида тилимизга бошқа тиллардан лексема ўзлашиши ҳам тўғридан тўғри амалга оширилди. Бу ҳолат тилимиз луғат бойлигига сезиларли ва ижобий таъсир кўрсатди ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг кундан кунга ўсиб боришини талаб қилмоқда.

Натижада турли тиллардан ўзлашган сўзларнинг, шунингдек, турли тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, улардан тил ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Кейинги йилларда тилшуносликнинг мустақил илмий йўналиши сифатида шаклланаётган ва ривож топаётган контрастив лингвистика масалалари ҳам назарий, ҳам амалий томондан тадқиқ этилмоқда. Шундай бўлса-да, бу соҳанинг кўпгина муаммолари ҳали ўзининг асосли ва чуқур тадқиқини топганича йўқ. Бу борада Зокирова Соҳиба Мухторалиевнанинг “Контрастив лингвистиканинг назарий асослари” номли монографияси муайян бўшлиқни тўлдиришда муҳим илмий манба бўлиб ҳисобланади.

Тилнинг ички тузилиши ва бу жабҳанинг бирликлари ўртасидаги муносабатни ўрганиш назарий тилшунослик учун қанчалик муҳим бўлса, тилларни бир-бирига қиёслаб уларни контрастив жиҳатдан ўрганиш ҳам шунчалик зарурдир.

Маълумки, Ф.де Соссюр биринчи муаммо ички лингвистиканинг, иккинчи муаммо эса ташқи лингвистиканинг текшириш объекти эканлигини, умумий лингвистика ривожини учун ҳар икки лингвистиканинг улуши катта эканлигини таъкидлаган бўлса ҳам, лекин унинг ўзи фақат ички лингвистиканинг имкониятларини тадқиқ қилиш билан чекланиб қолди.

Ф.де Соссюрнинг чекланган томонини Прага тилшунослари кенгайтirdилар. Улар ташқи лингвистикага дахлдор бўлган тил ва жамият, тил ва сўзловчи шахс, тилларнинг ўзаро таъсири каби қатор масалаларни ҳам тилшуносликнинг текшириш объектига айлантirdилар. Айниқса, Болқон тилларининг ўзаро муносабати қатор тадқиқотлар объекти қилиб олинди.

Зокирова Соҳиба Мухторалиевнанинг монографияси Прага лингвистлари олға ташлаган тилларни ўзаро қиёслаб ўрганиш ҳақидаги муаммони янада ривожлантиришга қаратилган. Муаллиф мазкур муаммо бўйича дунё тилшунослигида баён қилинган назарий фикрлар билан тўла танишиб чиқиб, дастлаб контрастив тадқиқотлар тарихини ёритади ҳамда мавзуга доир жаҳон тилшунослигининг кўплаб назарий адабиётлари билан танишиб чиқади, уларга ўз муносабатини билдиради.

Шунингдек, контрастив лингвистиканинг мультилингвистик соҳалар қаторидаги ўрнини белгилаб олиб, контрастив, конфронтатив ва чоғиштира тилшунослик атамаларининг моҳиятини, контрастив лингвистиканинг турдош соҳалар, хусусан, лингводидактика, таржима назарияси билан муносабатини ёритиб ўтади.

Тадқиқотда контрастив лингвистиканинг терминологик аппарати ишлаб чиқилган бўлиб, контрастив лингвистикада конгруэнтлик ва эквивалентлик, лингвистикада эквивалентлик лексика тушунчаси хусусида ҳам фикр юритилган, шунингдек, лакуна ва лакунар бирлик тушунчалари етарли далиллар билан изоҳланган.

Монографиянинг муҳим аҳамияти шундаки, унда иккинчи тилга ўқитиш жараёнида трансференция ва интерференция ҳодисалари масалалари ҳам ёритилган. Интерференция, яъни ўрганилаётган тил нормаларининг бузилиши, хатоларга олиб келадиган салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан муҳим тавсиялар берилган.

Монографиянинг катта ютуғи шундаки, унда контрастив лингвистиканинг тилшуносликнинг бошқа йўналишлари билан муносабати, контрастив лингвистиканинг назарий асослари, терминологик аппарати ўзбек, тожик, рус ва инглиз тилларидаги мисоллар, иллюстратив материаллар асосида ёритиб берилди ҳамда луғат қисмида контрастив тилшуносликка оид атамалар кенг изоҳланади.

Қарши давлат университети
Ўзбек тилшунослиги
кафедрасининг катта ўқитувчилари:

ф.ф.н. Н.Юлдошева,
ф.ф.н. Т.Жумаев,
ф.ф.н. О.Шукуров

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналида
мақола чоп этиш учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнгида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши шарт.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ёки электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz электрон почталари орқали жўнатилади.
12. Қўшимча ахборотларни +998904413373 телефон рақами орқали олиш мумкин.

МУНДАРИЖА

МАТЕМАТИКА

Дильмурадов Н., Холмуродов А.Э. О математических моделях движения двух- фазных сред.....	3
Давлатов Ш.О. Обобщенное неравенство Гельдера для сумм.....	8
Янгибоев З.Ш. О первой задаче Дарбу для гиперболического уравнения второго порядка с памятью	12
Meliyev X. J., G'ulomov O.X., Chorshanbiyev Z.E. Syurektiv kvadratik operatorlarning bir sinfi haqida.....	17

ФИЗИКА-ТЕХНИКА

Хайриддинов Б.Э., Нурматова Д.Ж., Нуриддинов Б.Н. Қуёш қуриткич-парник қурилмаси.....	24
Ашрапов У.Т., Юлдашев М.Б., Одилова Н. Ультразвуковое исследование образо- вания дислокаций в монокристаллическом кремнии	28
Куйлиев Б.Т., Муродов Г., Мейлиев Л.О., Нормуродов Д.А., Курбонова Н., Бек- муродова Х. Спектры инфракрасного поглощения природного газа и метана	32
Хуррамов М.Г., Назиров З.Ш. Безотходный способ утилизации осадков промыш- ленных сточных вод	36

КИМЁ

Ixtiyarova G.A., Mamatova Sh.B., Ergasheva R.O'., Muxammadiyev H.O. Xitin hamda xitozanni asalaridan ajratib olish va uzxitan preparatining yaratilishi.....	40
Чориев А.У., Холмуродова Л. Э. 3-метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан реакцияларини ўрганиш.....	43

БИОЛОГИЯ

Турсынбаева Г.С., Бутник А.А. Морфогенез эфемеров Кызылкума.....	48
Резаева Б.Р., Буриев З.Т., Убайдуллаева Х.А., Абдурахмонов И.Ю. Бошокли ўсимликларда <i>in planta</i> трансформация усуллари.....	53
Бобоназаров Г.Я. Изучение экономического ущерба продуктивности каракульских овец, наносимого клещами чесоточного зудня <i>Sarcoptes scabiei</i> (<i>Asariformes:</i> <i>sarcoptidae</i>).....	56
Бўронова Г.Б. Соғлом фарзанд туғилиши ва ривожланишида ҳомиладор оналар овқатланиши.....	60
Буранова М. О. К изучению онтогенеза <i>Lipskya insignis</i>	65

ТАРИХ

Тўраева М. XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий-маърифий муассасалар фаолияти.....	69
Кувватова Н. Из истории становления Советской власти в Узбекистане (на примере Кашкадарьинской области).....	72
Соҳибова М. Ўзбекистон жанубида Совет ҳукмронлиги даврида адабиёт ва санъатга муносабат.....	75
Ҳакимов А. Қадимги Чоч-Илоқ урбанизацияси жараёнлари тарихига доир мулоҳа- залар.....	78
Омонова С. Юрт тинчлигини таъминлашда фуқароларнинг миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларининг ўрни.....	82

ФАЛСАФА

Бердикулов С.Н. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши.....	85
Худойбердиев Д. Истеъмолчилик психологияси: шаклланиши тарихи	90
Тўраева А. Глобаллашув жараёнининг ота ижтимоий қиёфасига таъсири.....	94
Бекмуродова Г. Зўравонлик: мазмуни ва шаклланиши сабаблари	97

ФИЛОЛОГИЯ

Жумаев Т. XVIII – XIX асрлар фонетикаси ҳақида.....	101
Тожиева Г.Н. Янги асрда маънавий-маърифий ҳолат ва тил лексикаси тадқиқи муаммолари.....	104
Базарова Д. Вариантликнинг семасиологияда тутган ўрни.....	107
Куванова Ш.О., Холматова К.М. Ўзбек эртаклари немис тилида.....	109

ПЕДАГОГИКА

G'afforova T. Ta'limga akmeologik yondashuv – shaxs kamoloti omili.....	112
Сайдуллаева Р.И. Обучение выразительному чтению в национальных группах.....	116
Пардаева Д.Р. Формирование навыков смыслового чтения у студентов национальных групп.....	118
Базарова Н.Ш. Типичные ошибки студентов с нерусским языком обучения при изучении темы «Будущее время глагола».....	122

ПСИХОЛОГИЯ

Ёзиев Э. Ўзбекистон психология фанида раҳбар кадрлар муаммосининг ўрганилиши.....	125
Файзиев З. Жаҳон психологиясида суицид муаммосининг ўрганилиши.....	128

ЭКОЛОГИЯ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Шадиева Н.И., Д.А.Қодирова. Тоғ ва тоғ олди тупроқларининг нафас олиш хусусиятларига эрозия жараёнларининг таъсири.....	132
Ўроқов С., Тошов Ў., Ахмедов Б., Бойбулов Б. Қашқадарё вилоятида чорвачилик истиқболлари.....	135

ИҚТИСОД

Якубова Ш.Ш. Пул-кредит сиёсати трансмиссия механизmidан фойдаланишнинг хорижий давлатлар тажрибаси.....	139
Раимова М. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти босқичлари.....	145
Усманова З. XX асрнинг бошларида Марғилонда ипакчилик саноати ривожланишининг айрим масалалари.....	148

ИЛМИЙ ҲАЁТ

Умарова Н., Юлдошева Н. Илм билан безалган умр.....	152
Такриз.....	154

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусахҳихлар:	Д.Шодмонова А.Убоженко
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 17.09.2010
йилда № 14-061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.06.2017 йилда берилди.
Босишга 20.06.2017 йилда рухсат этилди.
22.06.2017 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.
Буюртма рақами: № 10.
Адади 100 нусха. Эркин нарҳда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071